

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳукукида

УРАЗОВ ДАВЛАТ КОМИЛОВИЧ

**“АУДИТОРЛИК ХИЗМАТИ КЎРСАТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ”
(Самарқанд вилоятидаги аудиторлик хизмат кўрсатиш
корхоналари мисолида)**

5A230102 “Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)”

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ

Иш кўриб чиқилди ва
ҳимояга тавсия этилди.
“Иқтисодиёт” кафедраси
мудир, и.ф.н.,
доцент Ш.А.Султонов

Илмий раҳбар:
профессор Б.Абдукаримов

_____ «___» _____ 2015 й.

ИҚТИСОДИЁТ

САМАРҚАНД – 2015

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1-БОБ. АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	9
1.1.Аудиторлик хизматлари бозорининг моҳияти, аҳамияти ва уни ривожлантиришнинг заруратлари.....	9
1.2. Аудиторлик хизматларини кўрсатувчи субъектларнинг иқтисодий бирликлар сифатидаги хусусиятлари ва таснифий асослари.....	18
1.3. Аудиторлик хизматлари ва уларни кўрсатувчи субъектлар самарадорлиги кўрсаткичларини баҳолашнинг назарий асослари.....	29
2-БОБ. “KOMIL-ISHONCH» АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ САМАРАДОРЛИГИ КўРСАТКИЧЛАРИ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	52
2.1. Аудиторлик хизматларини кўрсатувчи “Komil-Ishonch» аудиторлик ташкилотининг умумий тавсифи.....	52
2.2. “Komil-Ishonch» аудиторлик ташкилоти самарадорлиги миқдор кўрсаткичларининг таҳлили.....	56
2.3. “Komil-Ishonch» аудиторлик ташкилоти самарадорлиги сифат кўрсаткичларининг таҳлили.....	68
2.4. Аудиторлик ташкилотлари самарадорлигининг қиёсий таҳлили.....	71
3-БОБ. АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИНИ КўРСАТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ йўллари ВА УЛАРДА ФАОЛИЯТ РИСКНИ ПАСАЙТИРИШ ҲАМДА ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ...77	77
3.1.Аудиторлик хизматларини кўрсатувчи субъектлар самарадорлигини ошириш йўллари ва имкониятлари.....	77
3.2. Аудиторлик хизматларини кўрсатувчи субъектлар фаолияти рискини пасайтириш йўллари.....	87
3.3. Аудиторлик хизматларидан корхоналарда ҳаёт хавфсизлигини яхшилашда фойдаланиш.....	95
ХУЛОСА.....	102
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	107
ИЛОВАЛАР.....	113

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, ушбу соҳа субъектлари самарадорлигини ошириш дунёнинг барча мамлакатларида энг долзарб муаммолардан ҳисобланади. Бу бевосита бизнинг республикамизга ҳам тегишлидир.

Мустақиллик қўлга киритилгандан кейинги қисқа муддатда республикамизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида мисли кўрилмаган ютуқларга эришилди. Чунончи, шу йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ўзида кўп сонли хизматлар бозорларини бирлаштирувчи яхлит тизимга айланди.

Президентимиз таъкидлаганларидек, «хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим манбаи ва омили ҳисобланади. Жаҳон тажрибаси бугун айнан ушбу соҳа ялпи ички маҳсулотни шакллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларнинг фаровонлигини оширишда етакчи ўрин тутишини кўрсатмоқда.

2014 йилда бозор хизматлари ҳажми 15,7 фоизга ўсди, уларнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши эса 53 фоиздан 54 фоизга ошди. Бугунги кунда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 50 фоиздан ортиғи ушбу тармоқда меҳнат қилмоқда»¹.

Таъкидлаш жоизки, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси кичик бизнесни ривожлантиришда етакчи ўринни эгаллайди, республикамизда ҳар йили яратилаётган янги иш ўринларининг аксарият қисми айнан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига тегишлидир.

¹ 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Халқ сўзи, 2015 йил 17 январь, 11-сон, 2-бет.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, республикамизда мустақиллик қўлга киритилгандан кейинги даврда олдинлари буткул мавжуд бўлмаган кўплаб янги хизмат турлари вужудга келди. Айнан шундай янги хизмат турларидан бири – бу аудиторлик хизматларидир.

Республикамизда аудиторлик хизматларини ривожлантириш ва улар самарадорлигини ошириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, «тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилишда аудиторлик фаолиятининг мавқеини янада ошириш керак»².

Республикамиз Ҳукумати томонидан аудиторлик хизматлари бозорини ривожлантириш, уни халқаро миқёсдаги даражага етказиш, бу соҳага кирувчи субъектлар самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Чунончи, мустақиллик қўлга киритилгандан кейинги даврда аудиторлик хизматлари бозори, унинг иштирокчилари бўлган адиторлик ташкилотлари мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, улар фаолиятининг кафолатлари, роли ва аҳамиятини оширишга қаратилган 50 га яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Республикамизда аудиторлик хизматлари бозорини ривожлантириш борасида кўплаб қарорларни қабул қилинганлигига қарамасдан аудиторлик хизматлари, ушбу хизматларга ихтисослашган субъектлар самарадорлигига доир муҳим назарий ва методологик масалалар ҳонузгача етарлича ўз ечимини топган, деб бўлмайди. Чунончи, аудиторлик хизматларининг макроиқтисодиёт даражасидаги самарадорлик кўрсаткичлари, шунингдек ушбу хизмат соҳасига кирувчи субъектлар самарадорлиги кўрсаткичлари тизими, уларни баҳолаш ва аниқлаш тартиблари бевосита бу хизмат турининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, тўлиғича илмий асосланмаган. Аудиторлик хизматлари бозорининг тан олинганлиги, ушбу бозорнинг бош иштирокчиси бўлган аудиторлик ташкилотларининг

² Каримов И. А. Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш - таракқиёт гарови. // «Туркистон» газетаси, 2001 йил 18 июль.

ихтисослашган иқтисодий бирликлар сифатида келажакдаги тақдири, уларни бошқа субъектлар сингари бозор иқтисодиёти шароитида тегишли самарадорликка эришишларининг объектив заруратлиги, самарали фаолиятнинг рақобатларга бардош беришнинг муҳим омили эканлиги ушбу долзарб масалага чуқур ёндашишларни тақозо этмоқда.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Аудит, аудиторлик хизматлари ва аудиторлик фаолиятининг моҳияти, уларни ташкил қилиш ва ўтказиш тартиблари хорижий мамлакатлар олимлари В. Д. Андреев, А. Аренс, Дж. Лоббек, В.И. Подольский, В.П. Суйц, С.А. Табалина ва бошқалар, шунингдек республикамиз олимлари Р.Д.Дустмуродов, Х.Н.Мусаев, Н.С. Санаев, М.М. Тулаходжаева, К.Б. Уразов ва бошқалар томонидан чоп этилган турли дарсликлар, ўқув қўлланмалар, монографиялар ва илмий мақолаларда ўз аксини топган. Бироқ ушбу манбаларда аудиторлик хизматларини кўрсатувчи субъектлар махсус иқтисодий бирликлар сифатида ўрганилмаган, уларда аудиторлик ташкилотлари фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари, уларни ошириш йўллари ва имкониятлари очиқ берилмаган. Аудиторлик ташкилотларининг иқтисодий бирликлар сифатидаги хусусиятлари, улар фаолияти самарадорлиги масалалари корхоналар иқтисодиёти, иқтисодий таҳлил, менежмент ва маркетингга доир адабиётларда ҳам ўз аксини етарлича топмаган. Айнан шулар магистрлик диссертацияси мавзусининг ўта долзарблигидан дарак беради ҳамда унинг мақсад ва вазифаларини белгилашга асос бўлди.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Аудиторлик хизматларини кўрсатувчи субъектлар фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари тизими, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш услубиятини такомиллаштириш, шунингдек аудиторлик ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари ва имкониятларини асослаш ишнинг асосий мақсадидир.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, тадқиқот олдида қуйидаги вазифалар қўйилди:

*аудиторлик хизматлари моҳияти, аҳамияти ва ушбу хизматлар бозорини ривожлантириш заруратларини илмий асослаш;

*аудиторлик ташкилотларининг иқтисодий бирликлар сифатидаги таснифий жиҳатларини такомиллаштириш;

*аудиторлик ташкилотлари хусусиятларидан келиб чиқиб, улар фаолияти самарадорлик кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқиш ҳамда уларни аниқлаш тартибларини асослаш;

*Самарқанд вилоятидаги айрим аудиторлик ташкилотлари амалий материаллари асосида улар фаолияти самарадорлигининг миқдор ва сифат кўрсаткичларига баҳо бериш;

*қиёсий таҳлил усулига асосланган ҳолда иккита аудиторлик ташкилотида эришилган самарадорлик кўрсаткичлари асосида уларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлаш;

*аудиторлик ташкилотлари ишчанлик даражаси, рентабеллиги, молиявий барқарорлиги кўрсаткичлари тизими, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш услубиятини такомиллаштириш, шунингдек аудиторлик ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ҳамда рейтингини ошириш йўллари ҳамда имкониятларини асослаш.

Изланишлар предмети ва объекти. Изланишлар предмети бўлиб аудиторлик ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошишига имкон берувчи муносабатлар, восита ва механизмлар ҳисобланади. **Изланишлар объекти** сифатида Самарқанд шаҳрида жойлашган МЧЖ шаклидаги «KOMIL-ISHONCH» ва «JAVLON AUDIT SERVIS» аудиторлик ташкилотлари танлаб олинди.

Тадқиқотларнинг методологик асосини республикамизнинг қонунлари ва қонуности ҳужжатлари, Президентимизнинг асарлари ва нутқлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, илмий ва ўқув адабиётлари, интернет тармоғидаги материаллар ташкил қилади. Изланишларда индукция

ва дедукция, омилли таҳлил, индекс, графика ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- *аудиторлик хизматларининг тадбиркорлик ва бизнес фаолияти сифатидаги хусусиятлари очиб берилди;

- *аудиторлик ташкилотларининг иқтисодий бирликлар сифатидаги кенг камровли таснифий асослари ишлаб чиқилди;

- * аудиторлик ташкилотлари хусусиятларидан келиб чиқиб, улар фаолияти самарадорлик кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқилди ҳамда уларни аниқлаш алгоритмлари тавсия этилди;

- *Самарқанд вилоятидаги айрим аудиторлик ташкилотлари амалий материаллари асосида улар фаолияти самарадорлигининг миқдор ва сифат кўрсаткичларига баҳо берилди;

- *қиёсий таҳлил усулига асосланган ҳолда иккита аудиторлик ташкилотида эришилган самарадорлик кўрсаткичлари асосида уларнинг ижобий ва салбий жиҳатлари очиб берилди;

- * аудиторлик ташкилотлари ишчанлик даражаси, рентабеллиги, молиявий барқарорлиги кўрсаткичлари тизими, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш услубияти такомиллаштирилди, шунингдек аудиторлик ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ҳамда рейтингини ошириш йўллари ҳамда имкониятлари асосланди.

Ишнинг илмий ва амалий аҳамияти. Магистрлик диссертациясида ишлаб чиқилган тавсиялар республикамізда аудиторлик хизматлари бозорини янада раванқ топишига қаратилган давлат тадбирларини қабул қилишда манба сифатида қўлланилиши мумкин. Аудиторлик ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ифодаловчи миқдор ва сифат кўрсаткичлар тизими, уларни аниқлаш алгоритмларини амалиётда қўллаш ушбу кўрсаткичларни тизимли равишда таҳлил қилиб боришга, таҳлил натижаларини келгуси даврлар учун тузиладиган бизнес-режаларда инобатга

олишга, фойдаланилмаётган ички резервлардан оқилона фойдаланишга имкон беради. Шунингдек, магистрлик диссертациясидан олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқитилаётган «Корхона иқтисодиёти», «Хизматлар соҳаси иқтисодиёти» фанларини ўқитишда манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижалари апробацияси, чоп қилиниши ва жорий этилиши. Тадқиқот натижалари СамИСИда 2013 - 2014 йилларда ўтказилган халқаро илмий-амалий конференцияларда иштирокчилар ҳукмига ҳавола этилган. Тадқиқот натижалари бўйича жами ҳажми 1,0 босма табоқдан иборат 2 та илмий мақола СамИСИда ўтказилган илмий-амалий конференция материаллари тўпламларида чоп этилган, улар адабиётлар рўйхатида келтирилган. Диссертацияда асосланган аудиторлик ташкилотлари фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларини баҳолаш ва таҳлил қилиш бўйича тавсиялар МЧЖ шаклидаги «KOMIL-ISHONCH» ва «JAVLON AUDIT SERVIS» аудиторлик ташкилотлари амалиётига жорий этилган ва бу тегишли далолатномалар билан расмийлаштирилган.

Иш ҳажми ва таркиби. Магистрлик диссертацияси кириш, 3 та боб, 10 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми – 105 бет, асосий матнда 22 та жадвал, 5 та расм, 5 та диаграмма, иш охирида 2 та илова келтирилган.

1-БОБ. АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1.Аудиторлик хизматлари бозорининг моҳияти, аҳамияти ва уни ривожлантиришнинг заруратлари

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тараққиёт йўлини танлаган республикамызда мустақиллик йилларида кўплаб янги хизмат турлари вужудга келди ва улар иқтисодиётимиз инфратузилмасининг таркибий элементлари сифатида тан олинди. Шундай хизмат турларидан бири бўлиб аудиторлик хизматлари ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида аудиторлик хизматлари тадбиркорлик ва бизнеснинг энг нуфузли, талаб ва таклифи ошиб бораётган, рентабеллиги анча юқори бўлган хизмат тури даражасига кўтарилди. Шу йилларда республикамызда алоҳида номдаги аудиторлик хизматлари бозори вужудга келди ва у борган сари равнақ топмоқда.

Хўш, аудиторлик хизматларининг ўзи нима? Уларнинг асосий хусусиятлари, бошқа хизмат турларидан фарқли жиҳатлари, аҳамияти нималарда намоён бўлади? Аудиторлик хизматлари бозори нима?, Ушбу бозор иштирокчилари бўлиб кимлар ҳисобланади? Аудиторлик хизматлар бозорини ривожлантиришга бўлган зарурат негизида нималар ётади?

Барчани қизиқтирувчи ушбу саволларга жавоб топиш учун дастлаб «аудит», «аудиторлик хизматлари», «аудиторлик хизматлари бозори» каби тушунчаларнинг манбаларда келтирилган таърифи ва тавсифларига қисқача тўхталсак.

Кўриниб турибдики, юқорида келтирилган учта тушунчаларда биринчиси, яъни «аудит» бош тушунча ҳисобланади, «аудиторлик хизматлари» ва «аудиторлик хизматлари бозори» тушунчалари эса «аудит» тушунчасини тўлдирувчи, уни махсус фаолият, макон ва замонда юз

бераётган муносабатлар мажмуаси сифатида атрофлича тавсифловчи тушунчалар ҳисобланади.

«Аудит» атамасининг таърифи, мазмуни ва тавсифи кўплаб дарсликлар ва ўқув қўлланмаларда турлича очиб берилган. Чунончи, хорижлик олимлар Э.А.Аренс ва Дж.К. Лоббек аудитга шундай таъриф берганлар:

«Аудит (auditing) –бу дахлсиз компетент ходим томонидан ахборотларни белгиланган мезонларга мослигини аниқлаш ва ҳолисона ҳулоса бериши мақсадида ҳўжалик тизими тўғрисидаги ахборотларни тўплаш ва баҳолаш жараёни»³

Профессор П.И.Камишанов аудитга қуйидаги таърифларни берган: «Аудит –ҳўжалик фаолиятини иқтисодий таҳлил этиш ва назорат қилишнинг нисбатан янги йўналиши. Аудит – бу бизнесни ўзига хос экспертизаси»⁴.

Профессор Х.Н. Мусаев аудитни қуйидагича таърифлаган: «Аудит –бу муайян ваколатлар берилган шахслар, яъни аудиторлар томонидан ҳўжалик юритаётган субъектлар фаолиятларининг республикада қабул қилинган қонун-қоидаларга мувофиқлигини текшириш йўли билан баҳолаш ва ҳолисона ҳулосалар беришдир»⁵

Проф.К.Б. Уразов аудит атамасига қуйидаги тариф ва тавсифларни берган: «Аудит- бу лотинча **«auditing»** сўзидан олинган бўлиб, рус тилига ўгирилганда «*слушаю*», рус тилидан ўзбек тилига ўгирилганда эса «*эшитаман*» маъносини англатади. Рус ва ўзбек тиллари лексиконида ушбу сўзнинг ўзи мавжуд эмас, шунинг учун уни кўчирма сўз сифатида тўлиғича ўзгаришсиз ишлатиш мақсадга мувофиқ»⁶.

Профессор Н.Санаевнинг фикрича, «Аудитнинг моҳияти – бозор иқтисодиёти шароитида унинг объектив иқтисодий тараққиёт қонунлари, категориялари, ҳалқаро ҳамжамиятда тан олинган ҳамда айрим олинган бир

³ Э.А.Аренс., Дж.К. Лоббек. Аудит. - М, Финансы и статистика, 1995, стр.7

⁴ Камышанов П.И. ЗНАКОМТЕСЬ : АУДИТ, Москва, 1994, стр.4

⁵ Мусаев Х.Н. Аудит. Дарслик, «Молия» нашриёти, Тошкент, 2003, 18-бет.

⁶ Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 2004. – 224 –бет.

конкрет мамлакатда амал қилаётган меъёрий ҳужжатларнинг талабларига мос текширув объектида унинг барча фаолиятлари рақамлар ёрдамида ифодаланган, махсус тизим асосида хулоса ва таклифлар беришдан иборат»⁷.

Профессор М.М. Тўлахўжаева фикрича, «Аудит- бу мустақил малакали мутахассислар томонидан корхонанинг молиявий ҳисоботини ёки у билан боғлиқ молиявий ахборотни, бу ҳисобот ёки ахборотнинг қонун ва бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқлик даражаси тўғрисида хулоса чиқариш мақсадида тадқиқ этилиши»⁸.

Республикаимизнинг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида қонуни» да аудит махсус фаолият сифатида эътироф этилган ва унга қуйидагича таъриф берилган: «Аудиторлик фаолияти деганда аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини ўтказиш ва бошқа шу билан боғлиқ профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади»⁹.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган таъриф ва тавсифлардан кўриниб турибдики, аудит макон ва замонда юз бераётган жараён, амалий фаолият, кўрсатиладиган махсус хизмат туридир. У, бир томондан, махсус махсус касб эгалари бўлган аудиторларнинг амалий иш фаолияти, иккинчи томондан эса махсус «аудиторлик ташкилоти» мақомидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади. Махсус аудиторлик ташкилотлари томонидан бошқа корхона ва ташкилотларга шартномалар асосида кўрсатилаётган аудиторлик фаолияти бевосита пуллик хизматлар сирасига киради. Аудиторлик ташкилотлари бу хизматларни кўрсатишдан даромад кўради, ўз харажатларини тўлиқ қоплайди ва пировардида фойда оладилар. Айнан шу мазмундаги аудиторлик ташкилотлари томонидан

⁷ Санаев Н, Нарзиев Р. Аудит. Дарслик, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик коопанияси Бош тахририяти, Тошкент, 2001, 33-бет.

⁸ Тўлахўжаева М.М. Молиявий ақволнинг аудити. «Ильтисодиёт ва қўлул дунёси» нашриёт уйи, Тошкент, 1996, 94-бет.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Аудиторлик фаолияти тўғрисида», 2002 йил 26 май..

амалга оширадиган аудиторлик хизматлари бозор хизматлари сирасига киради.

Давлат корхоналарида, устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналарда ҳамда бошқа мақомдаги корхоналарда аудиторлик хизматлари уларнинг махсус бўлинмалари томонидан ўзлари учун ҳам амалга оширилади. Бундай аудиторлик хизматлари ички аудит хизмати ҳисобланади, у корхоналар штат жадвалида кўзда тутилган лавозимдаги ички аудиторлар томонидан олиб борилади ҳамда уларнинг функционал вазифаси сифатида қаралади. Бундай аудиторлик хизматлари пуллик хизматларга, яъни тадбиркорлик фаолиятига қирмайди. Демак, ички аудит хизмати бозор хизматлари сирасига қирмайди.

Республикамизнинг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида қонуни»га мувофиқ махсус аудиторлик ташкилотларининг тадбиркорлик фаолият сифатида эътироф этилган аудиторлик хизматлари иккита гуруҳга ажратилади: (1) аудиторлик текширувлари; (2) аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти.

Аудиторлик хизматлари бозорининг муҳим элементи бўлган ташқи аудиторлик текширувлари, ўз навбатида, иккита турга, яъни мажбурий аудит ва ташаббусли аудитга бўлинади.

Мажбурий аудит - хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳисобот йили якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботларни реаллигини билиш мақсадида ўтқазиладиган аудит. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида Қонуни»га мувофиқ (10-модда) қуйидаги субъектлар ҳар йили мажбурий аудитдан ўтишлари шарт:

- акционерлик жамиятлари;
- банклар ва бошқа кредит берувчи ташкилотлар;
- суғурта ташкилотлари;

- юридик ва жисмоний шахслар маблағларини тўпловчи инвестиция ва бошқа фондлар, уларнинг бошқарувчи компаниялари;

- маблағлари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий ажратмалари ҳисобидан шаклланадиган хайрия ва бошқа ижтимоий фондлар;

- маблағларининг ташкил топиш манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг қонунларда кўзда тутилган мажбурий ажратмаларидан иборат бўлган бюджетдан ташқари фондлар;

- устав фондида давлат улушига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар.

Ташаббусли аудит - хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ташаббуси билан ўтказиладиган аудитдир. Ушбу аудит хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзлари, инвесторлар, таъсисчилар, акционерлар, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва бошқа назорат органлари - прокуратура, суд, ички ишлар органлари, солиқ қонунчилигини бузилишига қарши курашиш департаментлари буюртмалари асосида ўтказилади.

Мажбурий ва ташаббусли аудит, ўз навбатида, комплекс аудит, тематик аудит каби турларга бўлинади.

Комплекс аудит – хўжалик юритувчи субъект молиявий хўжалик фаолиятини тўлиқ қамраб олган аудиторлик текширувидир.

Тематик аудит – бу хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига тегишли бўлган у ёки бу жараёнлар ва операцияларни, ҳисобот кўрсаткичлари ёки моддаларини, айрим олинган бўлимлар фаолияти, ҳужжатларни аудиторлик текширувидан ўтказишдир.

Мажбурий ва ташаббусли аудит натижалари бўйича берилган аудиторлик хулосасининг реаллиги, ҳаққонийлиги учун жавобгарлик ва масъулият бир хил ҳисобланади.

Республикамизнинг аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунига кўра аудиторлик ташкилотлари мажбурий ва ташаббусли аудиторлик текширувларидан ташқари корхона ва ташкилотларга турли профессионал

аудиторлик хизматларини ҳам кўрсатишлари мумкин. Бундай профессионал хизматлар сирасига республикамизнинг аудиторлик фаолияти тўғрисида қонунига мувофиқ (17-модда) қуйидаги хизматлар киради:

- *бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, қайта тиклаш ва юритиш;

- *молиявий ҳисоботни тузиш;

- *миллий молиявий ҳисоботни бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларига ўтказиш;

- *хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш;

- *бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш, режалаштириш, менежмент ва молия-хўжалик фаолиятининг бошқа масалалари юзасидан консалтинг хизмати;

- *солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ва декларацияларни тузиш;

- *корхона ва ташкилотларга бизнес-режа ва бошқа бошқарув дастакларини тузиб бериш;

- *бошқа хўжалик юритувчи субъектларга аутсорсинг хизматларини кўрсатиш;

- *қонунга зид бўлмаган бошқа хизмат турлари.


Аудиторлик хизматлари бозорининг муҳим қисми ҳисобланган ички аудит хизмати хўжалик юритувчи субъектнинг махсус бўлимлари ёки ходимлари томонидан Ички аудит хизмати тўғрисида Низомда белгиланган тартиб қоидаларга асосан ўтказилади.

Шундай қилиб, юқоридагилардан кўриниб турибдики, аудит, аудиторлик хизматлари ва аудиторлик хизматлари бозори бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган тушунчалардир. Макон ва замонда юз бераётган аудит яхлит тарзда аудиторлик хизматлари бозорини ташкил қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, аудиторлик хизматлари бозорига қуйидагича таъриф бериш мумкин: «**Аудиторлик хизматлари бозори** – бу

макон ва замонда юз бераётган, пуллик ва пулсиз асосда кўрсатилаётган аудиторлик текширувлари ва профессионал аудиторлик хизматлари мажмуасидир».

Юқоридаги таърифга асосланган ҳолда аудиторлик хизматлари бозори таркибини қуйидагича кўргазмали тарзда ифодалаш мумкин (1-расмга қаранг).



1-расм. Аудиторлик хизматлари бозори таркиби

Аудит, аудиторлик хизматлари, аудиторлик хизматлари бозорига берилган юқоридаги таъриф ва тавсифлардан кўриниб турибдики, улар бошқа хизмат турларидан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

*ушбу хизмат турлари, авваламбор, давлат бошқарув органлари, инвесторлар, мулк эгалари ва бошқа фойдаланувчиларнинг реал ахборотга бўлган талабларини қондиришга йўналтирилган;

*улар хўжалик юритувчи субъектларда амалга оширилган ва оширилаётган молиявий-хўжалик операцияларининг республикамизда амалга бўлган қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келишини холис экспертиза қилишга қаратилган;

*аудиторлик хизматлари бизнесни энди йўлга қўйган, хали-бери тегишли штатдаги ва сондаги ҳисоб ходимларини ёллашга имкони бўлмаган кичик бизнес субъектлари учун энг арзон ва қўлай аутсорсинг туридир;

*аудиторлик хизматлари катта миқдорда моддий харажатларни талаб қилмайдиган, шу билан бирга аудиторларнинг меҳнати юқори баҳоланадиган хизмат туридир;

*аудиторлик хизматлари ўзининг давомийлиги бўйича йил мабойнида амалга ошириладиган, мос равишда, тугаланмаган қолдиққа эга бўладиган хизмат туридир.

Аудиторлик хизматлари бозори бошқа бозорлардан унда иштирок этувчи шахслар таркиби билан фарқланди. Ушбу бозорнинг иштирокчилари бўлиб асосан қуйидагилар ҳисобланади (2-расмга қаранг).



2-расм. Аудиторлик хизматлари бозори иштирокчилари

2-расмдан кўриниб турибдики, аудиторлик хизматлари бозори иштирокчилари икки гуруҳга ажратилади. Булар:

(1) аудиторлик хизматларини кўрсатувчилар;

(2) аудиторлик хизматлари буюртмачилари ёки истеъмолчилари.

Аудиторлик хизматлари бозори иштирокчиларининг 1-гурухига аудиторлик ташкилотлари, аудиторлар ва экспертлар киради, 2-расмда улар 1,2,3-рақамлар билан белгиланган. Аудиторлик хизматлари бозори иштирокчиларининг иккинчи гуруҳига ушбу хизматларнинг истеъмолчилари, чунончи корхона ва ташкилотлар, давлат бошқарув органлари, таъсисчилар, инвесторлар, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари киради, 2-расмда улар 4,5,6,7,8-рақамлар билан белгиланган.

Республикада аудиторлик хизматларини янада ривожлантириш заруратлари негизда, авваламбор, истеъмолчиларда ушбу хизматларга бўлган талабни мавжудлиги ҳамда бу талабнинг борган сари ошиб бориши ётади. Шунингдек, давлатимизнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашмаслик, улар устидан давлат назоратлари сонини кескин камайтириш борасидаги сиёсати ҳам ҳолис аудиторлик хизматларини янада раванқ топишига муҳим туртки бўлмоқда. Солиқ назоратларининг 3-4 йилларда бир марта ўтказилишигача бўлган даврда ўтказилаётган ҳар йиллик мажбурий ва ташаббусли аудиторлик текширувлари хўжалик юритувчи субъектларда солиқлар ва тўловлардаги четланишларни аниқланиши эвазига уларни ўз вақтида давлат бюджетига тушишига имкон бермоқда. Демак, аудиторлик ташкилотлари ўзларининг ушбу хизматлари билан давлатга катта наф келтирмоқда, шунингдек корхона ва ташкилотларни солиқлар ҳисоб-китобларида йўл қўйилаётган хатоликлар учун катта миқдордаги жарима ва пенялар тўлаш ҳавфидан қутқармоқда.

Республикада аудиторлик хизматларини ривожлантириш негизда шунингдек бошқа объектив ва субъектив сабаблар ҳам ётади. Уларнинг асосийлари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин.

*ахборот етказиб берувчилар (маъмурият) билан ахборотлардан фойдаланувчилар (давлат органлари, банклар, акциядорлар, кредиторлар) манфаатларининг мос келмаслиги, натижада, улар ўртасида зиддиятли

вазиятлар юзага келганида маъмурият томонидан нотўғри маълумотлар берилиши;

*нотўғри ахборотларга асосланган ҳолда хўжалик қарорларининг қабул қилиниши натижасида ноқулай иқтисодий аҳволга тушиб қолиниши ёки инқирозга юз тутилиши;

*иқтисодий ахборотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаш учун зарур махсус билимларга эҳтиёж;

*ахборотлардан фойдаланувчиларда маълумотларни бевосита баҳолаш ва сифатини аниқлаш учун махсус малака, вақт ва материалларнинг етишмаслиги ва бошқалар¹⁰.

Юқоридагиларнинг барчаси дунё миқёсида, шу жумладан бизнинг республикамизда ҳам аудиторлик хизматлари бозорининг келажаги борлигидан дарак беради.

1.2. Аудиторлик хизматларини кўрсатувчи субъектларнинг иқтисодий бирликлар сифатидаги хусусиятлари ва таснифий асослари

Аудиторлик хизматлари бозорининг бош иштирокчиси бўлиб, олдинги параграфда таъкидланганидек, ушбу хизматларга ихтисослашган субъектлар ҳисобланади. Бу турдаги субъектлар 2007 йилгача асосан аудиторлик фирмалари номи билан аталар эди. 2007 йилдан бошлаб, ушбу бизнес бирликлари ягона «аудиторлик ташкилоти» номи билан атала бошланди.

Хўш, аудиторлик хизматларига ихтисослашган субъектларнинг бизнес бирликлари сифатидаги хусусиятлари нималарда ёрқин намоён бўлади? Ушбу бизнес бирликлари фаолияти бошқа фаолият турларидан қандай жиҳатлари бўйича фарқланади?

¹⁰ Дўстмурадов Р.Д. «Аудит асослари» Дарслик.-Т.: 2004 й. 6-бет

Аудиторлик хизматларига ихтисослашган субъектларнинг бизнес бирликлари сифатидаги хусусиятлари, авваламбор, уларнинг қуйидаги жиҳатларида ёрқин намоён бўлади:

- (1) ташкилий-ҳуқуқий мақомида;
- (2) лицензия турлари ва талабларида;
- (3) ходимларининг сонида;
- (4) солиқ режими ва преференцияларида.

Республикаимизнинг 2000 йил 25 майда янги таҳрирда қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида қонуни»га мувофиқ аудиторлик ташкилотлари очик акциядорлик жамиятларидан ташқари барча бошқа ташкилий-ҳуқуқий мақомдаги, чунончи (1) ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти; (2) масъулияти чекланган жамият (МЧЖ); хусусий корхона (ХК); (4) хорижий инвестиция иштирокидаги корхона (ХИИК) шаклларидаги бизнес бирликлари бўлиши мумкин.

Агар республикаимизда аудиторлик хизматлари бозори равнақининг охириги йилларига назар ташлайдиган бўлсак, ушбу бозорда юқоридаги барча 4 та ташкилий-ҳуқуқий мақомдаги бизнес субъектлари фаолият юритганлигини кўриш мумкин (1-жадвал ва 1-диаграммага қаранг).

1-жадвал ва 1-диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, охириги 10 йилда аудиторлик ташкилотлари ичида энг катта ҳиссани МЧЖ ва хусусий корхоналар мақомидаги бизнес бирликлари ташкил қилган. Шу йиллар ичида МЧЖ шаклидаги аудиторлик ташкилотлари ҳиссаси 73,6 %дан 95 %гача кўтарилган, яъни қарийб 22 %га ошган. 2005-2007 йилларда хусусий корхоналар мақомидаги аудиторлик ташкилотлари ҳиссаси ўртача 20 %ни ташкил қилган. 2008 йилдан кейинги даврда ушбу ташкилий-ҳуқуқий мақомдаги аудиторлик ташкилотлари ҳиссаси кескин камайган ва 2014 йилнинг охирига келиб 1,9 %ни ташкил этган. 2005-2009 йилларда республикаимиз аудиторлик хизматлари бозорида ЁТАЖ ва ХИИК мақомидаги аудиторлик ташкилотлари ҳамда мавжуд бўлган. 2010 йилдан


кейинги даврда ЁТАЖ шаклидаги аудиторлик ташкилотларининг айримлари тугатилган, бошқалари эса МЧЖ мақомидаги бизнес бирликларига ўтган. Охириги 10 йилда республикамизда ХИИК шаклидаги аудиторлик ташкилотлари сони ҳам қисқарган (8 тадан 3 тагача), улар ҳиссаси 2005 йилда 1,3%ни, 2009 йилда 6,2 %ни, 2015 йил бошига келиб эса 2,9 %ни ташкил этган.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси аудиторлик хизматлари бозорида иштирок этаётган аудиторлик ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий мақоми бўйича таснифи¹¹

Йил- лар	Йил охирига жами бизнес бирлик- лари сони	Шундан							
		Ёпиқ турлаги акциядорлик жамиятлари		Масъулияти чекланган жамиятлар		Хусусий корхоналар		Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар	
		Сони	Ҳисса- си, %	Сони	Ҳисса- си, %	Сони	Ҳисса- си, %	Сони	Ҳисса- си, %
2005	626	24	3,8	461	73,6	133	21,3	8	1,3
2006	566	21	3,8	426	75,2	111	19,6	8	1,4
2007	508	18	3,5	389	76,6	93	18,3	8	1,6
2008	133	4	3,0	111	83,4	11	8,3	7	5,3
2009	113	1	0,9	98	86,7	7	6,2	7	6,2
2010	106	-	-	95	89,6	6	5,7	5	4,7
2011	104	-	-	93	89,4	5	4,8	5	4,8
2012	102	-	-	95	93,2	3	2,9	4	3,9
2013	101	-	-	96	95,0	2	2,0	3	3,0
2014	104	-	-	99	95,2	2	1,9	3	2,9

¹¹ Манба: Ўз.Р. молия вазирлиги веб сайт маълумотлари



1-диаграмма. Ўзбекистон Республикаси аудиторлик хизматлари бозорида иштирок этаётган аудиторлик ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий мақоми бўйича таснифи

Аудиторлик ташкилотларининг бизнес субъектлари сифатидаги хусусиятларидан бири бўлиб уларда махсус «сертификатли аудитор» сертификатиغا эга бўлган шахсларнинг ҳамда «аудитор ёрдамчиси»

лавозимидаги ходимларнинг ишлаши ҳисобланади. Сертификатли аудиторлар аудиторлик ташкилотларининг штатидаги асосий ходимлар деб каралади. Аудиторлар ёрдамчилари – бу малака сертификатига эга бўлмаган ва аудиторлик ҳисоботида, аудиторлик хулосасида аудиторнинг эксперт хулосасида ҳамда аудиторлик текширувини ўтказиш билан боғлиқ бўлган бошқа расмий ҳужжатда имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлмаган тарзда аудиторнинг топшириғига биноан аудиторлик текширувида иштирок этаётган жисмоний шахслардир.


Республикамизда турли ташкилий-ҳуқуқий мақомдаги бизнес субъектларида фаолият юритган аудиторлар сони бўйича «пик» даража 2000-2005 йилларда юз берган. 2005 йилнинг охирида республикамизда сертификатли аудиторлар сони 4190 кишини ташкил этган. Кейинги 10 йилда аудиторлик аудиторлар сони камайиш тенденциясига эга бўлган. 2014 йилнинг охирига келиб аудиторлар сони 674 кишидан иборат бўлди, яъни улар сони 6,2 баробарга камайди (2-жадвалга ва 2-диаграммага қаранг).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2005-2014 йилларда сертификатли аудиторлар сони¹²

Йиллар	Сертификатли аудиторлар, йил охирига		
	Жами сони	2005 йилга нисбати фоизларда	Олдинги йилга нисбати, фоизларда
2005	4190	100	100
2006	1808	43,2	43,2
2007	1362	32,5	75,3
2008	1113	26,6	81,7
2009	858	20,5	77,1
2010	681	16,3	79,4
2011	713	17,0	104,7
2012	684	16,3	95,9
2013	669	16,0	97,8
2014	674	16,1	1,007

¹² Манба: Ўз.Р. молия вазирлиги веб сайт маълумотлари



2-диаграмма. Ўзбекистон Республикасида 2005-2014 йиллар мобайнида сертификатли аудиторлар сонининг динамикаси

Президентимизнинг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615- сонли «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида қарорида аудиторлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича амалий чора-тадбирлар суств баъзи ҳолларда сифатсиз татбиқ этилаётганлиги, аудит тизимидаги ишлар ҳолати ошган талабларга жавоб бермаслиги, аудит ҳали бизнес самарадорлигини реал баҳолашнинг амалий воситаси бўлиб қолмаётганлиги, аудиторлик текширувлари кўп ҳолларда юзаки ва паст профессионал даражада ўтказилаётганлиги, аудит тизимининг ўзи молия бозорида ҳали етарлича ишонч қозона олмаганлиги таъкидланди ҳамда ушбу камчиликларни бартараф этишга қаратилган аниқ чора-тадбирларлар белгиланди. Чунончи, 2007 йилдан бошлаб республикада устав капиталининг чегаравий миқдорини кескин ошириш йўли билан аудиторлик ташкилотларини йириклаштириш бошланди. Шунингдек, аудиторлик ташкилотлари штатидаги асосий аудиторлар сонига, уларнинг халқаро амалиётчи сертификатига эга бўлишига, аудиторлик ташкилотлари

рахбарларини ҳар 3 йилда мажбурий аттестациядан ўтишига нисбатан лицензия талаблари кучайтирилди Айнан ушбу чора-тадбирлар 2008 йилдан бошлаб самарасиз фаолият юритаётган аудиторлик ташкилотлари ҳамда етарли билим ва амалий кўникмаларга эга бўлмаган аудиторлар сонининг кескин камайишига, бунинг ўрнига янгича сифат жиҳатларга эга бўлган аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларни вужудга келишига олиб келди.

Аудиторлик ташкилотларининг бизнес бирликлари сифатидаги хусусиятларидан яна бири бўлиб уларнинг алоҳида даражаларга бўлиниши ҳисобланади. Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида Низомга¹³ мувофиқ, республикамизда аудиторлик ташкилотлари 2007 йилдан бошлаб 3 та даражага бўлинди ва ушбу даражаларга ажратиш негизида қуйидаги мезонлар асос қилиб олинди (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида аудиторлик ташкилотлари даражалари
ва улар негизига олинган мезонлар**

Аудитор- лик ташки- лотлари даража- лари	Аудиторлик ташкилотининг аудиторлик текширувларини ўтказиш бўйича мақоми	Устав капитали миқдори, қайд этиш санасидаги энг кам иш ҳақиғи нисбатан марта ҳисобида	Асосий штатда- ги аудитор- ларнинг минимал сони	Шу жумладан, САР ¹⁴ сертифи- катига эга бўлиши лозим аудиторлар- нинг минимал сони
1	Барча хўжалик юритувчи субъект-ларда аудиторлик текширувини ўтказувчи аудиторлик ташкилотлари	5000	6	2
2	Очиқ акциядорлик жамият-лари, банклар ва суғурта ташкилотларидан ташқари хўжалик юритувчи субъект-ларда ташаббускорлик асосида ва мажбурий аудиторлик текширувларини амалга оширувчи аудиторлик ташкилотлари	3000	4	1
3	Фақат ташаббускорлик асосида аудиторлик текширувини амалга оширувчи аудиторлик ташкилотлари	1500	2	-

¹³ Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сон қарори билан тасдиқланган.

¹⁴ САР – сертификатли амалиётчи бухгалтер

Республикада фаолият юритган ва фаолият юритаётган аудиторлик ташкилотларининг даражаларига кўра таснифи 4-жадвалда ва 3-диаграммада келтирилган.


4- жадвал ва 3-диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, охириги 7 йилда республикада 1-даражали аудиторлик ташкилотлари сони 25 тага ошган, уларнинг ҳиссаси эса 35,3%дан 69,2 % га етган. Бошқача айтганду охириги йилларда 1-даражали аудиторлик ташкилотлари сони қарийб 2 мартага кўпайган. Шу йилларда 2- даражали аудиторлик ташкилотлари сони 24 тадан 11 тагача, уларнинг ҳиссаси 18,1 %дан 10,6 %гача қисқарган. 2008-2014 йилларда 3-даражали аудиторлик ташкилотлари сони 62 тадан 21 тагача ёки қарийб 3 барабарга қисқарган , улар ҳиссаси эса 46,6 %дан 20,28 %гача, яъни 2,3 мартага камайган.

4-жадвал

Ўзбекистон Республикасида аудиторлик ташкилотларининг даражалари бўйича ҳолати¹⁵

Йиллар	Аудиторлик ташкилотларининг жами сони, йил охирига	Шундан					
		1-даражали аудиторлик ташкилотлари		2-даражали аудиторлик ташкилотлари		3-даражали аудиторлик ташкилотлари	
		Сони	Ҳисса-си, %	Сони	Ҳисса-си, %	Сони	Ҳисса-си, %
2008	133	47	35,3	24	18,1	62	46,6
2009	113	56	49,6	23	20,4	34	30,0
2010	106	66	62,3	15	14,2	25	23,5
2011	104	69	66,3	14	13,5	21	20,2
2012	102	67	65,7	12	11,8	23	22,5
2013	101	67	66,3	12	11,9	22	21,8
2014	104	72	69,2	11	10,6	21	20,2

¹⁵ Манба: Ўз.Р. молия вазирлиги веб сайт маълумотлари



3-диаграмма. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик ташкилотларининг даражалари бўйича ҳолати

Аудиторлик ташкилотлари бизнес субъектлари сифатида уларда ишлаётган ходимлар сонига кўра ҳам ўз хусусиятларига эга. Чунончи, республикада фаолият юритаётган барча аудиторлик ташкилотлари амалдаги кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар КЛАССИФИКАЦИЯСИ¹⁶ асосан ишлаётган ходимлар сонига кўра микрофирмалар ва кичик корхоналар сирасига киради.

Аудиторлик хизматларига ихтисослашган бизнес бирликларининг хусусиятларидан яна бири улар томонидан солиқ режимини танлашдир. Республиканинг Солиқ кодексига мувофиқ барча бизнес бирликлари 2 хилдаги солиқ режимида ишлашлари мумкин. Булар: (1) умумбелгиланган солиқларни тўлаш режими ва (2) соддалаштирилган (ихчамлаштирилган) солиқни тўлаш режими. Солиқ режимида ишлаш ҳуқуқини танлаш бизнес

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги 439-сонли қарори билан тасдиқланган «Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар КЛАССИФИКАЦИЯСИ»га мувофиқ микрофирмаларга қирувчи аудиторлик ташкилотларида ходимларнинг чегаравий сони 1 кишидан 20 кишигача, кичик корхоналарга қирувчи аудиторлик ташкилотларида ходимларнинг чегаравий сони 21 кишидан 50 кишигача этиб белгиланган.

бирликларининг ўз ихтиёрларидадир. Шу тартибдан келиб чиқиб, республикамизда фаолият юритаётган аудиторлик ташкилотлари ҳозирги кунда ҳар иккала солиқ режимида фаолият юритаётган бизнес субъектлари бўлиб ҳисобланадилар.

Аудиторлик ташкилотлари республикамизда давлат томонидан берилаётган солиқ имтиёзларидан узоқ муддатларда фойдаланиб келаётган бизнес субъектлари сирасига киради. Чунончи, Республикамиз Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сон Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига асосан аудиторлик хизматларига ихтисослашган аудиторлик ташкилотлари дастлаб 2006 йилнинг 1 апрелидан уч йилга даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўловидан тўлиқ озод этилган эди. Кейинчалик ушбу солиқ имтиёзи муддати 2012 йилнинг 1 январигача¹⁷, сўнгра 2014 йилнинг 1 январигача¹⁸, ундан сўнг эса 2017 йилнинг 1 январигача¹⁹ узайтирилди.

Аудиторлик ташкилотларининг бизнес бирликлари сифатидаги хусусиятлари улар фаолиятининг ҳам ўзига хослигида намоён бўлади. Аудиторлик фаолиятининг бизнес тури сифатидаги ўзига хослиги куйидагиларда ёрқин кўринади.

Биринчидан, аудиторлик фаолияти аудиторлик ташкилотлари учун ягона фаолият тури бўлиб ҳисобланади. Бу турдаги бизнес субъектлари тадбиркорликнинг бошқа фаолият турлари билан шуғулланишлари мумкин эмас.

Иккинчидан, аудиторлик ташкилотлари томонидан олиб бориладиган аудиторлик хизматлари уларнинг кўрсатилиши ҳудуди бўйича чекланмаган ва чегараламаган. Аудиторлик ташкилотлари уларнинг даражалари бўйича

¹⁷ ЎзР Президентининг 29.12.2008 й. ПҚ-1024-сон қарори

¹⁸ ЎзР Президентининг 30.12.2011 й. ПҚ-1675-сон Қарори

¹⁹ ЎзР Президентининг 10.05.2012 й. ПҚ-1754-сон Қарори

берилган ҳуқуққа қараб аудиторлик текширувларини ҳамда профессионал хизматларни республикаимизнинг барча ҳудудларида тузилган шартномалар асосида олиб боришлари мумкин. Турли ҳудудларда кўрсатилган аудиторлик хизматлар ҳақи аудиторлик ташкилотлари жойлашган вилоятнинг ҳудудий ялпи ички маҳсулот таркибига ва ушбу вилоят орқали мамлакат ЯИМга киритилади.

Учинчидан, аудиторлик фаолияти аудиторлик ташкилотларининг ўз миқдорларига тузилган шартномалар асосида амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади. Ушбу фаолиятнинг негизида фойда олиш ётади, яъни аудиторлик ташкилотлари ушбу фаолиятдан олган даромадлари эвазига ўзларининг барча харажатларини қоплашлари ва пировардида фойда олишлари лозим бўлади. Хўжалик юритишнинг ушбу талабларига тўлиқ амал қилмаган аудиторлик ташкилотлари зарар кўришлари ва, қолаверса, пировардида банкротга учрашлари мумкин.

Тўртинчидан, аудиторлик ташкилотларининг асосий фаолияти ўз ичига, олдинги параграфда таъкиланганидек, иккита турдаги хизматларни олади: (1) аудиторлик текширувларини кўрсатишга оид хизматлар; (2) аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматлари.

Бешинчидан, аудиторлик фаолиятининг биринчи турига кирувчи хизматлар, яъни аудиторлик текширувларини кўрсатишга оид хизматлар қатъий лизенциялаштириладиган хизмат тури ҳисобланади, аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматлари эса лицензиялаштирилмайдиган хизматлар ҳисобланади.

Шундай қилиб, юқоридаги қисқача шарҳлардан кўриниб турибдики, аудиторлик хизматларини кўрсатувчи субъектлар ўзига хос хусусиятларга ҳамда таснифий асосларига эга бўлган бизнес бирликлари ҳисобланади.

1.3. Аудиторлик хизматлари ва уларни кўрсатувчи субъектлар самарадорлиги кўрсаткичларини баҳолашнинг назарий асослари

Макон ва замонда юз берган ва бераётган аудиторлик хизматлари тадбиркорлик фаолияти ва бизнеснинг барча турлари сингари самара бериши, бу хизматларни кўрсатувчи субъектлар фаолияти эса самарадор бўлиши лозим. Акс ҳолда аудиторлик хизматларини бозор хизматлари сифатида юритишнинг давлатга ҳам, ушбу хизматларни кўрсатувчи субъектларнинг ўзларига ҳам нафи бўлмайди.

Таъкидлаш жоизки, “самара“ ва уни тўлдирувчи “самарадорлик» тушунчалари фақат бизнинг лексиконимизга хос. Улар мазмунан хорижий тилларда ишлатиладиган “эффект” ва “эффективность” сўзларига мос келади. Чунончи, русча “эффект”²⁰ сўзи латинча «effectus» сўзидан олинган ва у “бажариш”, “ҳаракат” мазмунини англатади. Ушбу сўз турли соҳаларда турли мазмунда қўлланилади, чунончи:

- қандайдир ҳаракатларни бажаришдан олинган натижа;
- вужудга келган жисмоний, биологик ва психик ҳолат;
- янги тасаввур, мўжиза ёки уларни вужудга келтиришга мўлжалланган восита ва бошқалар.

Макро ва микро даражаларда хўжаликни юритишда асосан иқтисодий ва ижтимоий самара, ижобий ва салбий самара, умумий ва хусусий самара каби тушунчалар муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий самара — бу хўжалик юритиш асосида олинган даромад ва унга эришиш учун қилинган сарфлар ўртасидаги фарқ. Ушбу самара аниқ пул бирлигида ўлчанади ва қуйидаги алгоритм асосида аниқланади²¹:

²⁰ ru.wikipedia.org/wiki/

²¹ ru.wikipedia.org/wiki/

$$Ис = Н - Смк * X$$

Бу ерда: Ис- иқтисодий самара; Н – эришилган натижавий кўрсаткич суммаси; Смк – самарадорликнинг меъёрий коэффиценти ёки эришилиши лозим бўлган кўрсаткичнинг меъёрий миқдори; X – иқтисодий самараси ўлчанадиган фаолиятга қилинган харажатлар

Иқтисодий самара, ўз навбатида, ижобий ва салбий бўлиши мумкин.

Ижобий иқтисодий самара – бу эришилган даромадларнинг уларни олиш учун қилинган сарфлардан ортиқ қисми. Ушбу самара фойда, деб аталади.

Қилинган сарфлар олинган даромадлардан кўп бўлса, бу ҳолда хўжалик юритувчи субъект зарар кўради. Ушбу натижага **салбий иқтисодий самара** дейилади.

Ижтимоий самара – амалга оширилган ишлар, тадбирлар, ҳаракатлар натижасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ижобий таъсир қилувчи шарт-шароитлар, ёндашувлар, маънавий ва руҳий ҳолатлар ва бошқалар. Ушбу самара, адатда, пул бирлигида ўлчанмайди.

“Самарадорлик” мазмунида ўтирилган русча **“эффективность”** сўзи ҳам латинча **“efficientia»** сўздан олинган. Латинчада ушбу сўз “қандайдир мақсадга эришишда ресурслардан фойдаланишнинг самараси, маҳсулдорлиги”²² мазмунини англатади.

Иқтисодчи олимларимиз Б.А. Абдукаримов, А.Н. Жабриев, Н.Р. Зугуров, А.Т. Қутбиддинов, М.Қ. Пардаев, Э.Ш. Шавқиевлар самарадорликни қуйидагича тавсифлайди. “Самарадорлик” сўзи натижа деган маънони беради. Бугунги кунда ишлаб чиқаришнинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий самарадорлигини ўрганиш ўта муҳимдир. Улар ўзаро боғлиқликда ва бир-бирини тақоза этадиган катигориялардир.²³

Шуни эътироф этиш керакки, иқтисодий адабиётларда, самарадорлик тушунчасининг таърифи бўйича бошқача қарашлар ҳам мавжуд. Чунончи,

²² ru.wikipedia.org/wiki/

²³ Б.А. Абдукаримов, А.Н. Жабриев, Н.Р. Зугуров, А.Т. Қутбиддинов, М.Қ. Пардаев, Э.Ш. Шавқиев Корхона иқтисодиёти “Фан” нашриёти 2005, 122-бет

ишлаб чиқариш соҳасида самарадорликка моддий жиҳатдан қаралса, хизмат кўрсатишда бажарилган иш ва кўрсатилган хизматнинг ижтимоий-иқтисодий натижавийлиги нуқтаи назаридан қаралган.

Амалиётда самарадорликнинг “иқтисодий самарадорлик”, “ижтимоий самарадорлик”, “ижтимоий-иқтисодий самарадорлик” каби номлари айниқса кенг тарқалган. Самарадорликнинг ушбу турлари эришилган самарани миқдор ва сифат жиҳатдан маълум ўлчов бирликларида ифодалайди. Чунончи, **иқтисодий самарадорлик** фаолият турлари ва ресурслардан фойдаланишда кўпроқ иқтисодий самара олишни билдиради. Агар олинган натижа қилинган сарф-харажатлардан ортиқ бўлса, бу иқтисодий самарага эришилганликни ифодалайди. Аксинча бўлганда эса, иқтисодий самара мавжуд эмаслиги аён бўлади.

Ижтимоий самарадорлик яхлит жамиятда ва унинг қуйи бўғинини ташкил қилувчи хўжалик юритувчи субъектларда сиёсий, маънавий, маърифий жиҳатларда, меҳнат шарт-шароитларида ва турли бошқа ижтимоий аҳамиятга молик жабҳаларда эришилган ижобий ютуқларда ўз аксини топади.

Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик иқтисодий ва ижтимоий самарадорликнинг юқоридаги хусусиятларини биргаликда ўзида мужассамлаштирувчи эришилган ижобий ютуқларни билдиради.

Самара ва самарадорликка эришишнинг муҳимлиги уларни иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида ҳам макро, ҳам микро даражаларда аниқлаш ва баҳолашни объектив зарурат қилиб қўяди. Бу бевосита яхлит жамият миқёсида юз бераётган аудиторлик хизматларига, шунингдек ушбу хизматларни бевосита олиб бораётган аниқ субъектларга ҳам тегишлидир.

Аудиторлик хизматлари самарадорлигини макроиқтисодиёт даражасида аниқлаш ва баҳолаш зарурати, чунончи, қуйидагиларда ёрқин намоён бўлади.

Биринчидан, аудиторлик хизматлари мамлакат иқтисодиётининг муҳим инфраструктураси ҳисобланган хизматлар соҳасининг таркибий қисми ҳисобланади. Бизнинг республикамызда аудиторлик хизматларига махсус 84400 – сонли тармоқ коди биркитилган.

Иккинчидан, махсус хизмат соҳасини ташкил қилувчи ва манбаларда²⁴ “бизнес тили”, “тадбиркорлик самарасини таҳлил қилиш воситаси”, “молиявий ҳисоботларни экспертизаси”, стратегик ва тактик бошқарув қарорларини қабул қилиш воситаси” сифатида тавсифланган аудиторлик хизматларининг кишилиқ жамиятидаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Учинчидан, аудиторлик хизматлари жамиятга ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий наф келтиради. Ушбу хизмат турининг иқтисодий нафи бевосита ундан олинган даромадда, бу даромадни мамлакатнинг хизмат кўрсатиш соҳаларида яратилган ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)ни ва у орқали мамлакатда яратилган жами ЯИМни кўпайтиришда намоён бўлади. Шунингдек, аудиторлик хизматларини макон ва замонда юритилиши жамиятда янги иш ўринларини вужудга келишига, одамларнинг иш билан бандлик даражасини ошишига олиб келади.


Мамлакатда яратилаётган ЯИМни ошириш, бунда ҳар бир тармоқнинг роли ва ҳиссасини кўпайтиришнинг устуворлиги, мос равишда, аудиторлик хизматларини ҳам жамият миқёсида бевосита иқтисодий самара беришидан дарак беради.

Шунингдек, жамият миқёсида аудиторлик хизматларининг давлатнинг қонунлари ижросида, назорат органлари ва бошқа фойдаланувчиларнинг реал ахборотларга бўлган талабларини қондиришда, ҳисоб ва ҳисоботни миллий ва ҳалқаро стандартларга мувофиқ юритилишини таъминлашда, бухгалтерлар малакавий салоҳиятини оширишда ва бошқа жиҳатлардаги ўрни ҳам беқиёсдир.

²⁴ **Қаранг:** Мусаев Х.Н. Аудит.- Т.: «Молия», 2004; Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. –Т.: «Ўқитувчи», 2003.

Аудиторлик хизматларининг юқоридаги жиҳатлари уларнинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини оширишнинг макроиқтисодиёт даражасида ўта зарурлигидан дарак беради. Бу, ўз навбатида, аудиторлик хизматлари самарадорлигини макро иқтисодиёт даражасида тегишли кўрсаткичлар орқали баҳолашни тақозо этади.

Фикримизча, аудиторлик хизматлари иқтисодий самарадорлигини макроиқтисодиёт даражасида баҳолаш негизига қуйидаги микдор ва сифат кўрсаткичларни олиш мақсадга мувофиқ (3-расм).



3-расм. Аудиторлик хизматлари иқтисодий самарадорлигининг макроиқтисодий кўрсаткичлари тизими

Макроиктисодиёт даражасида аудиторлик хизматлари самарадорлигини ифодаловчи миқдор ва сифат кўрсаткичларининг ҳар бири ўз мазмун ва моҳиятига эга. Ушбу кўрсаткичларнинг ҳар бири макроиктисодий даражада аудиторлик хизматлари бозорида эришилган ютуқларни билдиради. Шунингдек, уларнинг ҳар бири маълум тартибда ҳисоб-китоб қилинади ва баҳоланади. Чунончи, аудиторлик хизматлари самарадорлигини миқдор жиҳатдан ифодаловчи асосий кўрсаткичлар қуйидагиларни англатади ва, мос равишда, тегишли алгоритмлар асосида аниқланади.

Республикада фаолият кўрсатаётган аудиторлик ташкилотлари сони – бу мамлакат миқёсида аудиторлик хизматлари бозорида бош ролни ўйновчи и бажарувчи бўлган аудиторлик хизматларни кўрсатувчи субъектлар сонини ифодаловчи кўрсаткич. Табиий равишда, аудиторлик хизматларини кўрсатувчи субъектларнинг сон жиҳатдан кўплиги, улар сонини йилдан йилга янада кўпайиб бориши мамлакатда мазкур хизматлар бозорининг узлуксиз равнақ топаётганлигидан, аксинча эса аудиторлик хизматларини кўрсатувчи субъектлар сонини ўзгармаслиги ёки уларни йилдан йилга камайиб бориши мамлакатда ушбу хизматлар бозорида ижобий силжишлар мавжуд эмаслигидан дарак беради. Макроиктисодиёт даражасида шаклланадиган ушбу миқдор кўрсаткичнинг ҳисобини Молия вазирлиги олиб боради.

Республикада малака сертификатига эга бўлган аудиторлар сони - бу мамлакат миқёсида аудиторлик хизматлари бозорида фаолият олиб бораётган сертификатли ходимлар сонини ифодаловчи кўрсаткич. Табиий равишда, сертификатли аудиторлар сонини ошиши ҳам аудиторлик хизматларини кўрсатувчи субъектлар сонининг ошиши сингари мамлакатда мазкур хизматлар бозорининг узлуксиз равнақ топишига имкон беради. Республика миқёсида сертификатли аудиторлар сонининг кўпаймаслиги ёки улар сонининг йилдан йилга камайиб бориши мамлакатда ушбу хизматлар бозорини сертификатли мутахассислар билан таъминлашда муаммолар

мавжудлигидан дарак беради. Макроиктисодиёт даражасида шаклланадиган ушбу миқдор кўрсаткичнинг ҳисоби Молия вазирлиги томонидан олиб борилади.

Республикада аудиторлик хизматлари кўрсатилган жами субъектлар сони – бу республикада аудиторлик ташкилотлари хизматларидан фойдаланаётган субъектлар сонини ифодаловчи кўрсаткич. Табиий равишда, республикада йилдан йилга аудиторлик ташкилотлари хизматларидан фойдаланаётган субъектлар сонининг ошиши ижобий, камайиши эса салбий ҳисобланади. Макроиктисодиёт даражасида ушбу миқдор кўрсаткич Молия вазирлигида аудиторлик ташкилотлари томонидан тақдим этиладиган йиллик ҳисобот асосида жамланади. Мазкур миқдор кўрсаткичнинг йилдан йилга ошиб бориши мамлакатда аудиторлик хизматлари бозорининг равнақ топаётганлигидан, аксинча эса аудиторлик хизматларини кўрсатилган субъектлар сонини ўзгармаслиги ёки уларни йилдан йилга камайиб бориши мамлакатда ушбу хизматлар бозорида ижобий силжишлар мавжуд эмаслигидан дарак беради.

Республика бўйича кўрсатилган аудиторлик хизматларининг жами пул бирлигидаги ҳажми - бу республикада жами ЯИМ таркибига киритиладиган аудиторлик хизматлари ҳисобот йилида олинган соф тушумни, яъни даромадни ифодаловчи кўрсаткич. Табиий равишда, республикада йилдан йилга аудиторлик хизматларидан олинаётган даромадлар суммасини ошиши ижобий, камайиши эса салбий ҳисобланади. Макроиктисодиёт даражасида ушбу миқдор кўрсаткич ҳам Молия вазирлигида аудиторлик ташкилотлари томонидан тақдим этиладиган йиллик ҳисобот асосида жамланади.

Аудиторлик хизматлари самарадорлигини сифат жиҳатдан ифодаловчи асосий макро иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳар бири ҳам ушбу соҳада эришилган ютуқларни англатади ва, мос равишда, тегишли алгоритмлар

асосида аниқланади. Ушбу сифат кўрсаткичларнинг моҳияти ва уларни аниқлаш алгоритмлари 5-жадвалда келтирилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, аудиторлик хизматлари макроиқтисодиёт даражасида ижтимоий самара ҳам беради. Бизнингча, макроиқтисодиёт даражасида аудиторлик хизматлари ижтимоий самарасини қуйидаги кўрсаткичлар орқали баҳолаш мақсадга мувофиқ:

(1) хўжалик юритувчи субъектларнинг амалдаги қонунларга амал қилиш даражаси;

(2) хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларининг реаллик даражаси;

(3) ҳисоб ва ҳисоботни миллий стандартларга мувофиқлик даражаси;

(4) ҳисоб ва ҳисоботни халқаро стандартларга мувофиқлик даражаси;

(5) бухгалтерлар малакавий салоҳияти даражаси ва бошқалар.

Аудиторлик хизматлари ижтимоий самарасини ифодаловчи юқорида келтирилган кўрсаткичларни бевосита республика миқёсида аудиторлик ташкилотлари томонидан берилган ижобий аудиторлик хулосаларининг жами берилган аудиторлик хулосаларидаги ҳиссаси орқали баҳолаш мумкин. Чунки, берилган ижобий аудиторлик хулосаларининг жами берилган аудиторлик хулосаларидаги ҳиссасининг йилдан йилга ошиб бораётганлиги аудиторлик хизматларининг юқори ижтимоий самара бераётганидан дарак беради.

**Аудиторлик хизматлари самарадорлигини сифат жиҳатдан ифодаловчи асосий макроиқтисодий
кўрсаткичларнинг моҳияти ҳамда уларни ҳисоб-китоб қилиш тартиби**

№	Кўрсаткичнинг номи	Кўрсаткичнинг иқтисодий моҳияти	Кўрсаткични ҳисоб-китоб қилиш алгоритми
1	Республика бўйича кўрсатилган аудиторлик хизматларининг хизматлар соҳаларида ва мамлакатда яратилган ЯИМдаги ҳиссаси (Ҳах)	Ҳисобот йилида республика бўйича кўрсатилган аудиторлик хизматларининг хизматлар соҳаларида ва мамлакатда яратилган ЯИМдаги улушини билдиради	$\text{Ҳах} = \frac{\text{Дах}}{\text{ЯИМхс (ЯИМм)}}$ Бу ерда: Дах– аудиторлик хизматларидан олинган жами даромад суммаси ЯИМ хс - хизмат кўрсатиш соҳасида яратилган ЯИМ ЯИМм - мамлакатда яратилган ЯИМ
2	Республикада ўртача битта аудиторлик ташкилотига тўғри келадиган хизматлар ҳажми (Ххатў)	Ҳисобот даврида республика бўйича битта аудиторлик ташкилотига тўғри келадиган ўртача аудиторлик хизматлари ҳажмини билдиради	$\text{Ўмд} = \frac{\text{Дах}}{\text{АТс}}$ Бу ерда: Дах – аудиторлик хизматларидан олинган жами даромад суммаси АТс - республикада аудиторлик хизматлари кўрсатаётган жами аудиторлик ташкилотлари сони
3	Республикада ўртача битта аудиторга тўғри келадиган хизматлар ҳажми (Ххаў)	Ҳисобот даврида республика бўйича битта аудиторга тўғри келадиган ўртача аудиторлик хизматлар ҳажмини билдиради	$\text{Ххаў} = \frac{\text{Дах}}{\text{Ас}}$ Бу ерда: Дах – республикада аудиторлик хизматларидан олинган жами дармад суммаси

			Ас-- республикада аудиторлик хизматлари кўрсатаётган жами аудиторлар сони
4	Республикада ўртача битта аудиторлик ташкилотига тўғри келадиган хизмат кўрсатилган субъектлар сони (Сатў)	Ҳисобот даврида республика бўйича битта аудиторлик ташкилотига тўғри келадиган хизмат кўрсатилган субъектларнинг ўртача сонини билдиради	$\frac{Ссах}{Сатў} = \frac{АТс}{АТс}$ Бу ерда: Ссах - республикада аудиторлик хизматлари кўрсатилган субъектларнинг жами сони АТс - республикада аудиторлик хизматлари кўрсатаётган жами аудиторлик ташкилотлари сони
5	Республикада ўртача битта аудиторга тўғри келадиган хизмат кўрсатилган субъектлар сони (Саў)	Ҳисобот даврида республика бўйича битта аудиторга тўғри келадиган хизмат кўрсатилган субъектларнинг ўртача сонини билдиради	$\frac{Ссах}{Саў} = \frac{Ас}{Ас}$ Бу ерда: Ссах - республикада аудиторлик хизматлари кўрсатилган субъектларнинг жами сони Ас - республикада аудиторлик хизматлари кўрсатаётган жами аудиторлар сони
6	Республика бўйича аудиторлик хизматларининг ўртача рентабеллик даражаси (Рах)	Ҳисобот даврида республика бўйича аудиторлик ташкилотлари томонидан эришилган соф фойданинг улар томонидан олинган жами даромадларига нисбатини ёки улар ҳар 1 сўмлик даромадига тўғри келувчи соф фойдани билдиради	$\frac{Сф}{Рах} = \frac{Дах}{Дах} * 100\%$ Бу ерда: Сф – соф фойда; Дах – аудиторлик хизматларидан олинган жами даромад суммаси

Аудиторлик хизматлари самарадорлигини микроиқтисодиёт даражасида аниқлаш ва баҳолаш зарурати қуйидагиларда намоён бўлади.

Биринчидан, аудиторлик хизматлари махсус иқтисодий бирликлар ҳисобланган аудиторлик ташкилотларининг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этади.

Иккинчидан, аудиторлик ташкилотлари бошқа иқтисодий бирликлар сингари ўз фаолиятини юритишда тўлиқ ҳўжалик ҳисоби тамойилига, яъни ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва фойда олиш тамойилига асосланади. Бу тамойилга амал қилиш на фақат давлат манфаатлари, балки аудиторлик ташкилотлари манфаатлари учун ҳам ўта муҳимдир.

Учинчидан, айнан иқтисодий нафга (фойдага) эришиш аудиторлик ташкилотларида мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишга, улар моддий-техника базасини янада мустаҳкамлашга, молиявий барқарорликни таъминлашга, шунингдек рақобатларга бардош беришга имкон беради.

Тўртинчидан, кўрсатилаётган хизматлар аудиторлик ташкилотларига ижтимоий жиҳатдан ҳам ютуқлар келтиради. Бундай ютуқлар бўлиб, аудиторлик ташкилотларининг миқозлари олдидаги имижини юксалиши, аудиторларнинг моддий ва маънавий рағбатлантирилиши, улар меҳнат шароитларини яхшиланиши ва бошқалар ҳисобланади.

Айнан юқоридаги иқтисодий ва ижтимоий ютуқларга эришишнинг муҳимлиги аудиторлик ташкилотлари фаолияти иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини доимий яхшилаб боришни объектив зарурат қилиб қўяди. Бу, ўз навбатида, аудиторлик хизматларини кўрсатувчи ҳар бир субъект фаолияти самарадорлигини ҳам тегишли кўрсаткичлар орқали баҳолашни тақозо этади.

Фикримизча, аудиторлик хизматлари иқтисодий самарадорлигини микроиқтисодиёт даражасида баҳолаш негизига қуйидаги миқдор ва сифат кўрсаткичларни олиш мақсадга мувофиқ (4-расм).



4-расм. Аудиторлик хизматлари иқтисодий самарадорлигининг микроиқтисодий кўрсаткичлари тизими

Аудиторлик ташкилотлари фаолияти ва унинг самарадорлигини ифодаловчи ушбу микдор ва сифат кўрсаткичларининг ҳар бири ўзига хос аҳамият касб этади. Шунингдек, уларнинг ҳар бири маълум тартибда ҳисоб-китоб қилинади. Чунончи, аудиторлик ташкилотлари фаолияти ва унинг самарадорлигини баҳолашда муҳим аҳамият касб этувчи асосий микдор кўрсаткичларни қуйидагича аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

1. Аудиторлик ташкилотида фаолият юритаётган жами сертификатли аудиторлар сони – бу аудиторлик ташкилотининг

даражасига қараб давлат томонидан ўрнатилган сертификатли аудиторлар сонига эгалигини ифодаловчи кўрсаткич. Аудиторлик ташкилотлари тўғрисидаги Низомга кўра ҳар бир даражадаги аудиторлик ташкилоти асосий штатида тегишли меъёрмадаги сертификатли аудиторлар сонига эга бўлиши лозим. Ушбу меъёрмадаги ва ундан ортиқ сондаги сертификатли аудиторларга эга бўлишлик аудиторлик ташкилотига ўз фаолиятини кафолатли, узлуксиз олиб боришига имкон беради. Бу, мос равишда, аудиторлик ташкилотининг аудиторлик хизматлари бозорида самарали фаолият олиб боришининг муҳим омили ҳисобланади. Олган даражасига мос келиши лозим бўлган сондаги сертификатли аудиторлар сонига эга бўлмаслик аудиторлик ташкилоти даражасини пасайтиришга, мос равишда, ўзининг хизмат кўрсатиш доирасини қисқартиришга олиб келади. Шу боис ҳам, аудиторлик ташкилотлари учун улар даражаси бўйича белгиланган меъёрмадаги аудиторлар сони, чунончи САР соҳиблари сонини ушлаб туриш мос равишдаги нуфузга эга бўлишларига, яъни кўп сонли мижозларга, катта миқдордаги ишларни бажаришга, мос равишда, катта миқдорда даромад олишга давлат томонидан берилган ҳам кафолат, ҳам имконият ҳисобланади. Ушбу кафолат ва имкониятлардан тўғри фойдаланиш аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик хизматлари бозорида мувоффақиятли ва самарали фаолият юритишининг бош горовидир.

2.Аудиторлик хизматлари кўрсатилган жами мижозлар сони. Ушбу кўрсаткич ҳисобот даврида аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик хизматлари кўрсатилган жами мижозлар сонини ифодалайди. Бу кўрсаткич аудиторлик ташкилотининг аудиторлик хизматлари бозоридаги ўрнини баҳолашга асос бўлади. Чунончи, аудиторлик хизматлари кўрсатилаётган мижозлар сони қанчалик кўп бўлса, бу шунчалик ушбу аудиторлик ташкилотининг аудиторлик хизматлари бозорида нуфузи, рейтинги катта эканлигидан, шунингдек рақобатбардошлигидан дарак беради. Аксинча, аудиторлик хизматлари кўрсатилаётган мижозлар сонининг камлиги ушбу

аудиторлик ташкилотининг аудиторлик хизматлари бозорида ҳали етарлича ўрин топа олмаганлигини, унинг ўз нуфузига етарлича эриша олмаганлигини, рейтинги юқори эмаслигини ҳамда етарлича рақобатчи бўла олмаганлигини билдиради. Айнан, шулар аудиторлик хизматлари кўрсатилаётган жами мижозлар сонининг аудиторлик ташкилотлари фаолияти ҳамда унинг самарадорлигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири сифатида тан олиш лозимлигидан дарак беради.

Олдинги параграфда таъкидланганидек, республикаимизнинг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида қонун»ига мувофиқ (2-модда) аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган аудиторлик хизматлари иккита турга, яъни аудиторлик текширувлари ва аудиторлик ташкилотининг профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолиятига бўлинади. Ўз навбатида, аудиторлик текширувлари мажбурий аудиторлик текширувлари (10-модда) ва ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари (11-модда) турларига ажратилади. Аудиторлик текширувларининг ушбу турлари, мос равишда, иқтисодиётнинг алоҳида олинган тармоқ ва соҳалари бўйича тавсифланади. Чунончи, 2007 йил 9 декабрдан жорий этилган «Аудиторлик ташкилотлари фаолияти тўғрисида маълумотнома» номли ҳисобот шаклида барча аудиторлик ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига мажбурий ва ташаббусли аудиторлик текширувлари ўтказилган мижозлар сонини қуйидаги тармоқ ва соҳалар кесимида акс эттиришлари лозим:

- саноат (енгил ва озиқ-овқат саноати, электроэнергетика бундан мустасно);

- енгил ва озиқ-овқат саноати;
- электроэнергетика;
- қурилиш;
- транспорт, алоқа;
- қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги;

- савдо ва умумий овқатланиш;
- бошқалар.

Республикаимизнинг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида қонун»ига мувофиқ (17-модда) аудиторлик ташкилотлари 10 дан ортиқ профессионал хизмат турларини ҳам олиб боришлари мумкин.

Юқоридагилар асосида аудиторлик ташкилотлари томонидан ҳисобот даврида аудиторлик хизматлари кўрсатилган жами миқдорлар сонини қуйидаги яхлит алгоритм ёрдамида топиш мақсадга мувофиқдир:

$$\sum MC = \sum MC_{ат} + \sum MC_{пх};$$

Ўз навбатида, аудиторлик хизматлари кўрсатилган миқдорларни уларнинг турлари бўйича ҳамда тармоқ ва соҳалар кесимида алоҳида-алоҳида алгоритмлар асосида қуйидагича топиш мумкин.:

$$\sum MC_{ат} = MC_{мат} + MC_{стат};$$

$$\sum MC_{пх} = MC_{пх^1} + MC_{пх^2} +MC_{пх^n}$$

Ушбу алгоритмларни бирлаштирганда, аудиторлик хизматлари кўрсатилган жами миқдорлар сонини ифодаловчи умумлашган алгоритм қуйидаги қўринишга эга бўлади:

$$\sum MC = \sum (MC_{мат} + MC_{стат}) + \sum (MC_{пх^1} + MC_{пх^2} +MC_{пх^n})$$

Бу ерда: $\sum MC$ - аудиторлик хизматлари кўрсатилган жами миқдорлар сони; $\sum MC_{ат}$ – аудиторлик текширувлари кўрсатилган жами миқдорлар сони; $MC_{мат}$ – мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилган миқдорлар сони; $MC_{стат}$ – ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари ўтказилган миқдорлар сони; $\sum MC_{пх}$ – профессионал хизматлар кўрсатилган жами миқдорлар сони; $MC_{пх^1}$, $MC_{пх^2}$, $MC_{пх^n}$ - профессионал хизматларнинг аниқ турлари кўрсатилган миқдорлар сони.

Аудиторлик ташкилотлари томонидан аудиторлик хизматлари кўрсатилган миқдорлар сонини юқоридаги алгоритмлар асосида алоҳида тармоқлар ва соҳалар бўйича ҳам аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу аудиторлик ташкилотининг кенг қамровлиги ёки айрим тармоқларга қўпроқ ихтисослашаётганлиги, қайсидир тармоқларга ихтисослашмаганлигини аниқлашга имкон беради.

3.Аудиторлик ташкилотининг аудиторлик хизматларидан олган соф тушуми (даромади). Ушбу кўрсаткич ҳисобот даврида аудиторлик хизматларидан олинган даромадни билдиради. Бу кўрсаткич ҳам аудиторлик ташкилотининг аудиторлик хизматлари бозоридаги ўрнини баҳолашга асос бўлади. Чунончи, аудиторлик хизматларидан олинган даромад қанчалик кўп бўлса, бу шунчалик ушбу аудиторлик ташкилотининг нуфузи, рейтинги катта эканлигидан, шунингдек рақобатбардошлигидан дарак беради. Аксинча, аудиторлик хизматларидан олинган даромаднинг камлиги ушбу аудиторлик ташкилотининг аудиторлик хизматлари бозорида ҳали етарлича ўрин топа олмаганлигини, унинг ўз нуфузига етарлича эриша олмаганлигини, рейтинги юқори эмаслигини ҳамда етарлича рақобатчи эмаслигини билдиради. Айнан, шулар аудиторлик хизматларидан олинган даромадининг аудиторлик ташкилотлари фаолияти ҳамда унинг самарадорлигини ифодаловчи муҳим миқдор кўрсаткичлардан бири сифатида тан олиш лозимлигидан дарак беради.

Аудиторлик ташкилотларининг ҳисобот даврида кўрсатилган аудиторлик хизматларидан олган жами даромади аудиторлик текширувлари ҳамда профессионал хизматлардан олинган даромадлардан ташкил топади. Ушбу хусусиятдан келиб чиқиб, аудиторлик ташкилотларининг кўрсатилган аудиторлик хизматларидан олган жами даромадини қуйидаги яхлит алгоритм ёрдамида топиш мақсадга мувофиқдир:

$$\Sigma \text{Дах} = \Sigma \text{Дат} + \Sigma \text{Дпх}$$

Ўз навбатида, аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувлари ва профессионал хизматлардан олган даромадларини қуйидаги алгоритмлар асосида топиш мумкин.:

$$\Sigma \text{Дат} = \text{Дмат} + \text{Дтат};$$

$$\Sigma \text{Дпх} = \text{Дпх}^1 + \text{Дпх}^2 + \dots \text{Дпх}^n$$

Ушбу алгоритларни бирлаштирганда, аудиторлик ташкилотларининг хисобот даврида аудиторлик хизматларидан олган жами даромадини ифодаловчи умумлашган алгоритм қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\Sigma \text{Дах} = \Sigma (\text{Дмат} + \text{Дтат}) + \Sigma (\text{Дпх}^1 + \text{Дпх}^2 + \dots \text{Дпх}^n)$$

Бу ерда: $\Sigma \text{Дах}$ - аудиторлик хизматларидан олинган жами даромад; $\Sigma \text{Дат}$ – аудиторлик текширувларидан олинган даромад; $\Sigma \text{Дпх}$ - кўрсатилган профессионал хизматлардан даромад; Дмат – мажбурий аудиторлик текширувларидан олинган даромад; Дтат – ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувларидан олинган даромад; Дпх^1 , Дпх^2 , Дпх^n - профессионал хизматларнинг аниқ турларидан олинган даромад;

Аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатилган аудиторлик хизматларидан олинган даромадларни юқоридаги алгоритмлар асосида алоҳида тармоқлар ва соҳалар бўйича ҳам аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу аудиторлик ташкилотининг айнан қайси тармоқ ёки соҳага кўрсатилаётган хизматлардан кўпроқ, қайсидир тармоқлар ёки соҳалардан камроқ даромад олаётганлигини аниқлашга имкон беради.

4.Аудиторлик ташкилотининг жами харажатлари. Ушбу кўрсаткич аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган аудиторлик хизматларининг таннархи, давр харажатлари, молиявий фаолиятга доир харажатлар ва солиқ тўловлари йиғиндисидан иборат. Бу харажатларнинг миқдориға аудиторлик хизматларидан олинаётган ялпи фойда, асосий фаолият ва умум хўжалик фаолиятидан олинган фойда ҳамда соф фойда кўрсаткичлари бевосита боғлиқдир. Чунончи, ушбу харажатлар қанчалик юқори бўлса, аудиторлик ташкилотининг соф фойдаси шунчалик паст бўлади. Аксинча, аудиторлик ташкилотининг харажатлари қанчалик паст бўлса, унинг соф фойдаси шунчалик юқори бўлади. Айнан, шулар аудиторлик ташкилотларида кўрсатилаётган аудиторлик хизматлари таннаrxини ҳамда бошқа харажатларини улар фаолияти самарадорлигини ифодаловчи муҳим миқдор кўрсаткичлар сифатида тан олиш лозимлигидан дарак беради.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда аудиторлик хизматлари таннархини шакллантириш тартиби, таннархга кирувчи харажатлар таркиби махсус белгиланмаган. Аудиторлик ташкилотлари бошқа хўжалик юритувчи субъектлар сингари кўрсатилаётган аудиторлик хизматлари таннархини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом»га амал қилишлари лозим. Ушбу Низомга мувофиқ маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига киритиладиган харажатлар 5 та гуруҳга ажратилади. Булар: (1) моддий харажатлар; (2) иш ҳақи харажатлари; (3) ижтимоий суғуртага мажбурий ажратмалар; (4) амортизация харажатлари; (5) бошқа ишлаб чиқариш харажатлари.

Биргаликда кўрсатилаётган аудиторлик хизматлари таннархини ташкил қилувчи харажатларнинг ушбу ҳар бир гуруҳи аудиторлик ташкилотларида ўзига хос хусусиятга эгадир. Бу хусусиятлар қуйидагиларда ёрқин намоён бўлади.

Моддий харажатлар. Аудиторлик хизматлари ўзининг характериға кўра кам моддий харажатгир ҳисобланади. Моддий харажатлар сирасига аудиторлик хизматларини кўрсатишда сарф қилинадиган ёзув қоғозлари, компьютер техникаси аксерсуарлари (катриж, бўёқ ва бошқаларни алмаштириш), аудиторларга хизмат қилувчи автомобиллар учун ёқилғи, аудиторлар иш ҳужжатларини тикишга сарфланадиган хўжалик анжомлари ва бошқаларни киритиш мумкин. Ушбу турдаги сарфлар аудиторларнинг тақдим этган талабномалари, моддий бойликларни ҳисобдан чиқариш бўйича тузилган далолатномалар асосида тан олинади ва кўрсатилган хизматлар таннархига киритилади.

Иш ҳақи харажатлари. Ушбу турдаги харажатлар кўрсатилаётган аудиторлик хизматлари таннархининг асосий қисмини ташкил этади. Одатда,

бу харажатлар аудиторлар ва уларнинг ёрдамчиларига кўрсатган аудиторлик хизматлари учун ҳисобланган асосий ва қўшимча иш ҳақларидан иборат бўлади. Аудиторлар ва уларнинг ёрдамчиларига бажарган ишлари учун ҳисобланадиган иш ҳақининг шакллари ва турлари ҳам махсус меъёрий ҳужжат билан тартибга солинмаган. Аудиторлик ташкилотлари амалиётида тузилган меҳнат шартномаларига кўра аудиторлар ва уларнинг ёрдамчиларига ишбай ҳамда вақтбай шаклларда иш ҳақи ҳисоблаш тартиблари қўлланилмоқда. Чунончи, ишбай шаклда иш ҳақи ҳисоблаш негизига турли мезонлар олинмоқда, масалан кўрсатилган хизматлар қийматидан маълум фоизини (20 фоиздан 40 фоизгача) тўлаш, ҳар бир кун ёки ҳар бир соат сарфига кўра улар учун иш ҳақини меҳнат шартномасида белгиланган таъриф бўйича тўлаш ва бошқалар. Вақтбай шаклда ишлаётган аудиторлар учун иш ҳақи уларга белгиланган маош миқдоридан келиб чиқиб ва ҳақиқатда ишлаган кунни ёки соатига кўра ҳисобланмоқда. Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари аудиторлар ва уларнинг ёрдамчиларига ҳисобланган иш ҳақи суммаларига гувоҳлик беувчи ҳисоб-тўлов қайдномалари асосида тан олинади ва кўрсатилган хизматлар таннархига киритилади.

Ижтимоий суғуртага мажбурий ажратмалар. Ушбу турдаги харажатлар, одатда, ҳисобот даврида аудиторлар ва уларнинг ёрдамчиларига ҳисобланган иш ҳақи суммасидан белгиланган ставкада (чунончи, 2014 йилгача 25 % ва 2015 йилда 15 % миқдорида) ҳисоб-китоб қилинади. Ушбу ҳисоб асосида ижтимоий суғуртага мажбурий ажратмалар суммаси тан олинади ва кўрсатилган хизматлар таннархига киритилади.

Амортизация харажатлари. Бу турдаги харажатлар бевосита аудиторлик хизматларини кўрсатишга тааллуқли бўлган асосий воситалар (масалан, компьютерлар ва ташкилий техника, алоқа ва транспорт воситалари, аудиторлар ва улар ёрдамчилари учун ажратилган хоналар, мебель ва бошқалар), шунингдек номоддий активлар (лицензия, патент, махсус компьютер дастурлари ва бошқалар)га ҳисобланган эскириш

суммасини ўз ичига олади. Улар суммаси амортизация ҳисоб-китоби асосида тан олинади ва кўрсатилган хизматлар таннархига киритилади.

Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари. Бу харажатлар сирасига турли ёрдамчи ва умумишлаб чиқариш бўлинмалари, масалан маълумотларга ишлов бериш бўлинмаси, аудиторлик хизматларига оид аудиторлар иш хужжатларини сақлаш бўлими (архив) харажатлари, аудиторлар ва улар ёрдамчиларига ҳисобланган сафар харажатлари, турли бошқа субъектлар томонидан кўрсатилган хизматларнинг бевосита аудиторлик хизматларига тегишли қисми ва бошқаларни киритиш мумкин. Ушбу турдаги харажатлар ички ҳисоб сиёсатида белгиланган тартибларга кўра гувоҳлик берувчи хужжатлар асосида тан олинади ва кўрсатилган хизматлар таннархига киритилади.

Аудиторлик ташкилотларининг бошқа харажатлари деганда кўрсатилган аудиторлик хизматлари таннархига киритилмайдиган ва олинган ялпи фойда ҳисобидан қопланадиган харажатлар тушунилади. Аудиторлик ташкилотлари даромади (соф тушуми) ҳисобидан тўланадиган барча солиқлар ҳам улар учун харажат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом»га мувофиқ аудиторлик ташкилотларининг бошқа харажатларига қуйидагилар киради:

***сотиш харажатлари** – бу аудиторлик ташкилотининг ўзи кўрсатадиган хизматларини реклама қилиш ва бевосита амалга оширишда қилинадиган вакиллик харажатларидир.

***маъмурий – бошқарув харажатлари** - бу аудиторлик ташкилоти бошқарув аппаратини сақлашга доир барча харажатлар.

***бошқа операцион харажатлар** – бу аудиторлик ташкилотининг сотиш ва маъмурий харажатларига киритилмайдиган бошқа операцион фаолиятга оид харажатлардир

***молиявий фаолиятга доир харажатлар** – бу олинган кредит ва қарзлар учун фоиз кўринишидаги тўловлар.

***фавқулотдаги зарарлар** – бу одатий тусга эга бўлмаган, қонунлар ўзгариши, форс-мажорлар юзасидан, шунингдек революцион тўнтаришлар сабабли вужудга келадиган кўзда тутилмаган харажатлардир.

***солиқ тўловлари** – бу корхонанинг даромади (фойдаси) ҳисобидан давлат бюджетига тўланадиган мажбурий тўловлар.

5.Аудиторлик ташкилотининг соф фойдаси. Бу кўрсаткич аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг пировард натижасини ифодалайди. У юқоридаги кўрсаткичлар асосида қуйидаги алгоритм асосида аниқланади:

$$СФ = Дах - Тах + Бд - Бх - СТ$$

Бу ерда: **СФ** – соф фойда; **Дах** – аудиторлик ташкилотининг аудиторлик хизматларидан олган жами даромади; **Бд** – бошқа даромадлар; **Бх** – бошқа харажатлар; **СТ** – солиқлар ва тўловлар.

Тадбиркорликда рақоботбардошликни кучайтириш бош вазифалардан бири бўлган ҳозирги шароитда аудиторлик ташкилотлари фаолияти ва улар самарадорлиги сифат кўрсаткичларини янада яхшилаш ўта долзарб ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда аудиторлик ташкилотлари самарадорлиги сифат кўрсаткичлари тизими, уларни баҳолаш тартиблари етарлича асосланмаган. Буни 2007 йилдан буён ҳар йил якуни бўйича амалга ошириб келинаётган аудиторлик ташкилотлари рейтингини баҳолаш тизимида қўлланилаётган сифат кўрсаткичлари сонининг (5 тадан 15 тагача) ўзгаришида ҳам кўриш мумкин. Рейтинг тизимида мунозараларга сабаб бўлаётган ушбу турли сондаги кўрсаткичларнинг афзаллик ва камчиликларига батафсил тўхталиб ўтмасдан, аудиторлик ташкилотлари фаолияти ва улар самарадорлигини ифодаловчи сифат кўрсаткичлар сирасига

3-расмда келтирилган 8 та кўрсаткичларни асос қилиб олишни мақсадга мувофиқ, деб биламиз. Шунингдек, ушбу кўрсаткичларни қуйидагича аниқлашни тавсия этамиз (6-жадвалга қаранг).

6-жадвал

Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини ифодаловчи сифат кўрсаткичларнинг иқтисодий моҳияти ҳамда уларни ҳисоб-китоб қилиш тартиби

№	Кўрсаткичнинг номи	Кўрсаткичнинг иқтисодий моҳияти	Кўрсаткични ҳисоб-китоб қилиш алгоритми
1	1 та аудиторга тўғри келадиган хизматларнинг ўртача ҳажми (Хўах)	Ҳисобот даврида 1 та аудиторга тўғри келадиган аудиторлик хизматлари миллий валютадаги ҳажмини	$X_{\text{ўах}} = \frac{\sum \text{Дах}}{A_c}$ Бу ерда: $\sum \text{Дах}$ – аудиторлик хизматларидан олинган жами даромад; A_c – аудиторлар сони
2	1 та аудиторга тўғри келадиган мижозларнинг ўртача сони (Ўмс)	Ҳисобот даврида 1 та аудиторга тўғри келадиган мижозларнинг ўртача сонини билдиради	$\text{Ўмс} = \frac{M_c}{A_c}$ Бу ерда: M_c – жами мижозлар сони
3	Аудиторлик хизматларининг ўртача рентабеллиги (Рах)	Ҳисобот даврида эришилган аудиторлик хизматларининг ўртача рентабеллигини билдиради	$P_{\text{ах}} = \frac{C_{\text{ф}}}{\sum \text{Дах}}$ Бу ерда: $C_{\text{ф}}$ – соф фойда
4	Харажатлар рентабеллиги (Рх)	Ҳисобот даврида харажатларнинг ўртача рентабеллигини билдиради	$P_{\text{х}} = \frac{C_{\text{ф}}}{\sum X}$ Бу ерда: $\sum X$ – жами харажатлар (солиқлар билан бирга)
5	Асосий фондлар рентабеллиги (Раф)	Ҳисобот даврида асосий фондларнинг ўртача рентабеллигини билдиради	$P_{\text{х}} = \frac{C_{\text{ф}}}{\sum A_{\text{Ф}}}$ Бу ерда: $\sum A_{\text{Ф}}$ – жами асосий фондларнинг баланс қиймати
6	Устав капитали рентабеллиги (Рук)	Ҳисобот даврида устав капиталининг ўртача рентабеллигини билдиради	$P_{\text{х}} = \frac{C_{\text{ф}}}{U_{\text{к}}}$ Бу ерда: $U_{\text{к}}$ – устав капитали суммаси
7	Тўлов қобиляти даражаси (Ктк)	Ҳисобот даври охирида аудиторлик ташкилотнинг тўлов қобиляти	$K_{\text{тк}} = \frac{J_{\text{А}}}{J_{\text{М}}}$

		даражасини билдиради	Бу ерда: ЖА - жорий активлар; ЖМ – жорий мажбуриятлар
8	Молиявий мустақиллик даражаси (Кмм)	Ҳисобот даври охирида аудиторлик ташкилотининг олиявиймустақиллик даражасини билдиради	ХК Кмм= ----- А Бу ерда: ХК –хусусий капитал суммаси; А - жами активлар

Бизнингча, аудиторлик ташкилотлари фаолияти ижтимоий самарасини баҳолаш негизига, бир томондан, аудиторлик хизматларининг микроиқтисодиёт даражасидаги ижтимоий самарасини ифодаловчи юқорида келтирилган кўрсаткичларни, иккинчи томондан эса, уларнинг ўзларига ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга молик бўлган кўрсаткичларни олиш мақсадга мувофиқдир. Чунончи, уларнинг охиригисига қуйидаги кўрсаткичларни олиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

- * аудиторлик ташкилотининг республика миқёсида эришган рейтинг балли;
- * аудиторларнинг халқаро ва республика танловларида олган ўрни;
- *аудиторлар томонидан олинган ташқи ва ички рағбатлар сони ва суммаси.

Фикримизча, таклиф этилаётган миқдор ва сифат кўрсаткичлар тизими, уларни аниқлаш тартибларини амалиётда қўллаш республикамызда шаклланаётган ва ривожланаётган аудиторлик хизматлари бозори ҳамда ушбу бозорнинг бош иштирокчиси ҳисобланган аудиторлик ташкилотлари фаолиятини холис баҳолашга, мос равишда, бу кўрсаткичларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилишнинг яхлит назарий ҳамда методологик асосларини яратишга имкон беради. Бизнингча, юқорида келтирилган кўрсаткичларни тегишли равишда аниқлаш ва баҳолаш иқтисодий бирлик ҳисобланган ҳар бир аудиторлик ташкилотининг раънақига ҳамда уларнинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

2-БОБ. “KOMIL-ISHONCH» АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ САМАРАДОРЛИГИ КЎРСАТКИЧЛАРИ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

2.1. Аудиторлик хизматларини кўрсатувчи “Komil-Ishonch» аудиторлик ташкilotининг умумий тавсифи

Самарқанд вилоятида бугунги кунда 4 та аудиторлик хизматларини кўрсатувчи ихтисослашган аудиторлик ташкилотлари мавжуд. Булар:

1. МЧЖ шаклидаги «“KOMIL-ISHONCH” аудиторлик ташкилоти;
2. МЧЖ шаклидаги «Жавлон Аудит Сервис» аАудиторлик ташкилоти;
3. МЧЖ шаклидаги «Самкелажакаудит» аудиторлик ташкилоти;
4. МЧЖ шаклидаги «Афрасиаб-Кредит» аудиторлик ташкилоти

МЧЖ шаклидаги “KOMIL-ISHONCH” аудиторлик ташкилотлари Самарқанд вилоятида етакчи аудиторлик ташкилотларида бири ҳисобланади. У 1998 йилда ташкил этилган, 2007 йил 20 декабрда янги мақомда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида қайта рўйхатдан ўтган, гувоҳнома № -513, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширишларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи № 000121- сонли лицензияга эга.

МЧЖ шаклидаги “KOMIL-ISHONCH” аудиторлик ташкилотлари тўғрисидаги умумий маълумотлар қуйидаги 7-жадвалда келтирилган.

**МЧЖ шаклидаги “KOMIL-ISHONCH” аудиторлик ташкилотлари
тўғрисидаги умумий маълумотлар**

№	Савол	Жавоб
1	2	3
1	Юридик шахсининг тўлиқ номи	МЧЖ шаклидаги “KOMIL-ISHONCH” аудиторлик ташкилотлари
2	Юридик манзили	Самарқанд шаҳри, Куксарой майдони, 1
3	Ҳақиқий жойлашган манзили	Самарқанд шаҳри, Куксарой майдони, 1
4	Қўшимча почта манзили	Самарқанд шаҳри, Беруний кўчаси, 72/28
5	Телефон рақамлари	(8366) 2292333, (+99893 358 11 88)
6	Рақами	(8366) 2292333
7	Электрон почта манзили	Urazov. K @ rambler ru
8	Раҳбар Ф.И.Ш	Баймуродов Химмат Вайдуллаевич
9	Бош ҳисобчи Ф.И.Ш	Мирзаева Гульбахор Сангиновна
10	Устав капитали, сўмда	94 000 000
11	Давлат қайд рақами	20.12.2007, Адлия Вазирлиги, № 513
12	СТИР	202631355
13	Таъсисчилар таркиби	3 киши (Уразов К.Б., Мирзаева Г.С., Уразов Ш.Б.)
14	Штатдаги ходимлар, шу жумладан асосий аудиторлар сони	11 киши, шу жумладан сертификатли аудиторлар 7 киши
15	Аудиторлик текширувларида иштирок этаётган штатдаги аудиторлар	7 киши
16	Лицензия ва категория	№ 00121, 26.02.2008, барча ҳўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширишларини олиб бориш
17	Суғурта полиси № ва миқдори	№ 224573, «УЗБЕКИНВЕСТ» ЭИСМК, 100 000 000 сўм

МЧЖ шаклидаги “KOMIL-ISHONCH” аудиторлик ташкилотининг 2011-2014 йиллардаги молиявий ва мулкый ҳолатини ифодаловчи молиявий ҳисоботлар 1-иловада келтирилган

АСОСИЙ МИЖОЗЛАРИ

Акциядорлик жамиятлари - «Нефтьгазконструкция» (Тошкент), «Нафис» Самарқанд форфор заводи, «Самарқанд лифзавод», Самарқанд ҚМК, «Самарқанд дон», «Самарқанд-Консерва», «Самарқанд-Парранда», «Самарқандавтотеххизмат», «Самарқанд-НОН», «Сырдарё ИЭС», «Касан Ёғ-мой комбинати», «Каттақурғон Ёғ-мой комбинати», «Мараканднефтбаза», «Нурабаднефтбаза», «Самарқанд Дори-Дармон» ва бошқалар.

Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар - «Самарқанд-Ломманд-Парранда», «Мараканд-Парранда», «Самжинтекс», «Джамбайтекс», «Сингапур-Самарқанд», «Сам-Антеп-Гидам», СП «NOVOPHARMA PLUS» ва бошқалар.

Туристтик-меҳмонхона комплекслари- отель «Афросиёб-Палас», «Зарина», «Бизнес Центр Самарқанд», «Афсона-Травел» ва бошқалар.

Бошқа мижозлар – қурилиш ташкилотлари, автобазалар, бозорлар, савдо марказлари ва комплекслари, фермерхўжаликлари, аэрогеодезиякорхоналари, кредитуюшмалари, ННТлар, давлат унитар корхоналари, жамоатчилик фондлари ва бошқалар.

Аудиторлик ташкилоти мустақиллик, объективлик, профессионал компетентлик, ҳаққонийлик, конфеденциаллик, гуманизм ва бошқа тамойилларга таянган ҳолда ўз мижозларига қуйидаги аудиторлик хизматларини кўрсатиб келмоқда:

- Мажбурий аудит;
- Ташаббусли аудит;
- Профессионал хизматлар, чунончи:
 - а) бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, тиклаш ва юритиб бериш бораси:
 - бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва юритиш;

- молиявий ҳисобини ташкил этиш ва юритиш;
- бухгалтерия ҳисобини автоматизациялаштириш (компьютеризациялаштириш);

- бошқа хизматлар;

б) молиявий ҳисоботни тузиб бериш;

в) молиявий ҳисоботни бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига мослаштириш;

г) корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш борасида:

- молиявий аҳволни таҳлил қилиш;

- ликвидлик таҳлили;

- тўлов қобилияти таҳлили;

- таҳлилга оид бошқа ишлар.

д) бухгалтерия ҳисоби, солиққа тортиш, режалаштириш, менежмент, маркетинг тадқиқотларига оид консалтинг хизматлари борасида:

- ТИАларни тайёрлаш, инвестицион ва инновацион лойиҳаларни тайёрлаш ва баҳолаш, бизнес-режаларни тузишга оид консалтинг хизматлари;

- Бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солишга доир консультациялар;

- Молиявий менежментга доир консультациялар;

- Маркетинг тадқиқотлари;

- Самарадорлик ва унумдорлик кўрсаткичлари таҳлили

- Бошқа консалтинг хизматлари;

е) солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳисоб-китоблари борасида:

- Солиқ ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш;

- Солиқ текширувларида мижоз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

- солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳисоб-китобларини тузиб бериш;

г) бошқалар:

➤ семинарлар, конференциялар, амалий ишланмаларни чоп эттириш ва бошқалар.

Аудиторлик ташкилоти аудиторлик хизматларини тузилган шартномалар, ушбу шартномаларга илов қилинадиган аудиторлик хизматлари режалари ҳамда дастурлари асосида олиб боради.

МЧЖнинг бизнес бирлиги сифатидаги бош мақсади фойда олиш ҳисобланади.

МЧЖ мустақил юридик шахс сифатида ўз балансига, мулкига, муҳрига, «Савдогарбанк»да ҳисоб рақамига эга. Ташқи иқтисодий алоқалари ва мос равишда валюта счёти мавжуд эмас.

2015 йил 1 январь ҳолатига МЧЖ шаклидаги KOMIL-ISHONCH” аудиторлик ташкилотининг штатдаги ходимлари сони жами 11 киши, унда меҳнатга ҳақ тўлашнинг қуйидаги иккита шакли қўлланилмоқда:

*ишбай-мукофатли – аудиторлар учун (бажарилган иш қийматидан 30 % иш ҳақи ва 10 %гача мукофат);

*вақтбай-мукофатли – маъмурий-бошқарув ходимлари учун (ойлик маош штат жадвалига кўра).

2.2. “Komil-Ishonch» аудиторлик ташкилоти самарадорлиги миқдор кўрсаткичларининг таҳлили

2.2.1. Даромад таҳлили

МЧЖ шаклидаги “KOMIL-ISHONCH” аудиторлик ташкилотининг асосий мақсади бошқа ҳқжалик юритувчи субъектлар сингари фойда олишдан иборат. Фойда олишнинг бош манбаси бўлиб даромадлар ҳисобланади.

Аудиторлик ташкилотларида даромадларни шакллантиришда ўзига хос хусусиятлар бор. Олдин эътироф этганимиздек ушбу хўжалик юритувчи субъектлар аудиторлик хизматларидан ташқари фаолият турлари билан шуғулланишлари мумкин эмас. Шу билан бирга уларга қонун доирасида ўзларининг кераксиз мулкани сотиш, бўш турган маблағларини банклардаги депозит счётларга қўйиш орқали фоизли даромадларни олиш таъқиқ этилмаган.

Ушбу хусусиятлардан келиб чикиб, аудиторлик ташкилотларининг даромадлари ҳозирги шароитда қуйидагилардан ташкил топади:

- *асосий фаолиятдан олинган даромадлар;

- *асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар.

Ўз навбатида, аудиторлик ташкилотларининг асосий фаолиятидан олган даромадлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- *мажбурий аудиторлик текширувларидан олинган даромадлар;

- * ташаббусли аудиторлик текширувларидан олинган даромадлар;

- * махсус саволлар бўйича ўтказилган аудиторлик текширувларидан олинган даромадлар;

- *профессional хизматларни кўрсатишдан олинган даромадлар


- *аудиторлик хизматларнинг кўрсатилган босқичидан олинган даромадлар.

Аудиторлик ташкилотлари айнан юқорида келтирилган кесимлар бўйича олган даромадлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигига йиллик ҳисоботни тақдим этишлари шарт.

Қуйида МЧЖ шаклидаги “KOMIL-ISHONCH” аудиторлик ташкилотининг даромадларни шаклланишига тўхталамиз.

**“KOMIL-ISHONCH” аудиторлик ташкилотининг 2011-2014
йилларда олган даромадлари ва уларнинг таркиби**

№	Даромад турлари	2011 йил		2012 йил		2013 йил		2014 йил	
		Сумма, минг. сўм	Ҳис-са, %	Сумма, минг. сўм	Ҳис-са, %	Сумма, минг. сўм	Ҳис-са, %	Сумма, минг. сўм	Ҳис-са, %
1	Асосий фаолиятдан олинган даромад	119400	100	118949	100	168225	91,4	180150	99,6
2	Бошқа даромадлар	0	0	0	0	15861	8,6	690	0,4
	Жами	119400	100	118949		184063	100	180840	100



4-диаграмма. “KOMIL-ISHONCH” аудиторлик ташкилотининг 2011-2014 йилларда олган даромадлари ва уларнинг таркиби

8-жадвал ва 4-диаграммадан кўриниб турибдики, “KOMIL-ISHONCH” аудиторлик ташкилотнинг олган даромадлари йилдан йилга ўсиб борган. Агарда олинган даромадлар 2011 йилда 119,4 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2014 йилда у 180,8 млн. сўмни ташкил қилган. Бошқача айтганда ташкилотнинг жами даромадлари шу йилларда 51,5 %га кўпайган. Аудиторлик ташкилоти томонидан олинган даромадларнинг асосий қисми бевосита кўрсатилан аудиторлик хизматларига тўғри келади. Чунончи, 2013 йилда аудиторлик хизматларидан олинган даромадлар жами даромаднинг 91,4 %, 2014 йилда эса 99,6 %ни ташкил қилган.

Йилдан йилга аудиторлик ташкилотининг асосий фаолиятидан олган даромадлари таркиби ҳам ўзгарган (9-жадвалга қаранг).

9-жадвал

“KOMIL-ISHONCH” аудиторлик ташкилотининг 2011 йил ва 2014 йилда асосий фаолиятидан олган даромадларининг таркиби

№	Кўрсаткичлар	2011 год		2014 йил		2014 йилда 2011 йилга нисбатан ўзгариш	
		Сумма (минг сум)	Хисса, %	Сумма (минг сум)	Хисса, %	Сумма (минг сум)	Хисса, %
1	2	4		5	6	7	8
1	Аудиторлик хизматларидан олинган жами даромад	119 400,0	100	180150,0	100	60750,0	X
	Шу жумладан:						
2	а) мажбурий аудиторлик текширувларидан	61 350.0	51,4	109750,0	60,9	+48400	+9,5
3	б) ташаббусли аудиторлик текширувларидан	57 250.0	47,9	53500,0	29,7	-3750	-18,2
4	в) махсус савол бўйича ўтказилган аудиторлик текширувларидан	-	-	2250,0	1,2	+2250,0	+1,2
5	г) профессионал хизматлардан	800	0,7	-	-	-800	0,7
6	д) аудиторлик хизматларнинг кўрсатилган босқичидан олинган даромадлар.	-	-	14650,0	8,2	+14650	+8,2

9-жадвалдан кўриниб турибдики, “KOMIL-ISHONCH” аудиторлик ташкилотининг 2014 йилда асосий фаолиятдан олган даромадлари 2011 йилга нисбатан 60750 минг сўмга ошган. Аудиторлик хизматларидан олинган даромадлар таркибида мажбурий аудиторлик текширувларидан олинган даромадларнинг ҳиссаси 48500 минг. Сўмга ёки 9,5 пунктга ошган. Ташаббусли аудиторлик текширувларидан олинган даромадлар ҳиссаси 2014 йилда 2011 йилга нисбатан 3750 минг сўмга ёки 18,2 пунктга камайган. 2014 йилда аудиторлик ташкилоти махсус саволлар бўйича ўтказилган аудиторлик хизматларидан 2250 минг сўмлик даромад кўрган, 2011 йилда ушбу хизмат туридан даромадга эга бўлмаган. 2014 йилда ташкилот профессионал хизматлар кўрсатмаган, 2011 йилда у ушбу хизмат туридан 800 минг сўмлик даромад олган.

Таъкидлаш жоизки, аудиторлик ташкилотларидаромадларини кўпайиши асосан иккита омилга боғлиқ. Чунончи:

- (1) миждозлар сонини ошишига;
- (2) ҳар бир кўрсатилаётган аудиторлик хизматининг ўртача қийматига.

10-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, “KOMIL-ISHONCH” аудиторлик ташкилотида даромадларнинг ошиши асосан иккинчи омил, яъни 1та аудиторлик хизматининг ўртача қийматини ошиши эвазига юз берган. Чунки, ташкилотда 2014 йилда миждозлар сони 2011 йилга нисбатан қарийб 2 мартага камайган.

**“KOMIL-ISHONCH” аудиторлик ташкилотида 2011 ва 2014
йилларда аудиторлик хизматлари кўрсатилган мижозлар сони**

№	Кўрсаткичлар	2011 йил		2014 йил		2014 йилда 2011 йилга нисбатан ўзгариш	
		Аудитор- лик хизмат- лари кўрсатил- ган субъект- лар сони	Хисса, %	Аудитор- лик хизмат- лари кўрсатил- ган субъект- лар сони	Хисса, %	Аудитор- лик хизмат- лари кўрсатил- ган субъект- лар сони	Хисса, %
1	2	3	4	5	6	7	8
1	Жами аудиторлик хизмати сони	103	100	53	100	-50	X
	Шу жумладан						
2	а) мажбурий аудиторлик текширувлари	51	49,51	29	54,72	-22	+5,21
3	б) ташаббусли аудиторлик текширувлари	50	48,54	22	41,51	-28	-7,03
4	в) махсус савол бўйича аудиторлик текширувлари	-	-	2	3,77	+2	+3,77
5	г) профессионал хизматлар	2	1,95	-	-	-2	-1,95
6	д) аудиторлик хизматларнинг кўрсатилган боскичидан олинган даромадлар	X	-	X	-	-	-

Аудиторлик ташкилотлари даромадларини оширишнинг муҳим омили бўлиб улар хизмат кўрсатиш диапозонини, яъни географиясини кенгайтириш ҳисобланади.

11-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, “KOMIL-ISHONCH” аудиторлик ташкилоти олган даромадларнинг асосий қисми (99 %) фақат Самарқанд вилояти ҳудудида жойлашган мижозларга тўғри келади. Ушбу ташкилот ўз даромадларини республикамизнинг бошқа ҳудудларидаги

фаолиятини кенгайтириш эвазига ошириш имкониятларидан етарлича фойдаланмасдан келмоқда.

11-жадвал

“KOMIL-ISHONCH” аудиторлик ташкилотида 2013-2014 йилларда республика регионлари кесимида кўрсатилган аудиторлик хизматлари тўғрисида маълумот

Наименование показателя	2014 йил		2013 йил	
	Аудиторлик хизматлари кўрсатилган субъектлар сони	Хизматлар қиймати, сўмда	Аудиторлик хизматлари кўрсатилган субъектлар сони	Хизматлар қиймати, сўмда
Аудиторлик хизматлари миқдори, жами	53	180 150 000	92	168 225 000
Шундан вилоятлар кесимида				
Қорақолпоқистон Республикаси			-	-
Андижан вилояти			-	-
Бухаро вилояти			-	-
Жиззах вилояти			-	-
Қашқадарё вилояти			-	-
Навоий вилояти			-	-
Наманган вилояти			-	-
Самарканд вилояти	52	179 150 000	88	160 125 000
Сурхандарё вилояти			-	-
Сирдарё вилояти			-	-
Тошкент вилояти			-	-
Фарғона вилояти			-	-
Хорезм вилояти	1	1 000 000	1	1 000 000
Тошкент шаҳри			3	7 100 000

12-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, “KOMIL-ISHONCH” аудиторлик ташкилоти иқтисодиётнинг барча тармоқ ва ссоҳалари субъектларига аудиторлик хизматларини кўрсатмоқда. Шу билан бирга кўрсатилаётган аудиторлик хизматларининг асосий қисм енгил саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳалари субъектларига тўғри келади.

**“KOMIL-ISHONCH” аудиторлик ташкилоти томонидан
кўрсатилган аудиторлик хизматларининг тармоқлар ўртасидаги
тақсимооти**

Кўрсаткичлар	2011 йил		2014 йил		Ўзгариш	
	Сумма, минг сўм	Хисса, %	Сумма, минг сўм	Хисса, %	Сумма, минг сўм	Хисса, %
Кўрсатилган жами аудиторлик хизматлари	118 600,0	100	163250,0	100	44650	х
Шу жумладан			Х	х	Х	х
Саноат корхоналарида	11 250,0	9,50	-	-	-11250	-9,50
Енгил ва озиқ овқат саноати корхоналарида	28 450,0	24,0	29000,0	17,8	+550,0	-6,2
электроэнергетика	2 100,0	1,8			-2100,0	-1,8
қурилиш	7 100,0	6,0	18400,0	11,3	+11300,0	+5,3
транспорт и алоқа	250,0	0,2	500,0	0,3	+250,0	+0,1
Қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги	25 650,0	21,1	12650,0	7,7	-13000,0	-13,4
Савдо ва умумий овқатланиш	11 550,0	9,7	43000,0	26,3	+31450	+16,6
Молия, кредит, суғурта, пенсия таъминоти	-	-	-	-	-	-
Бошқалар	32250	27,2	59700,0	36,6	+27450,0	+9,4

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, аудиторлик ташкилотидида транспорт, молия, кредит, суғурта ва бошқа тармоқ субъектларини қамраб олиш эвазига даромадларни ошириш имконияти мавжуд.

2.2.2. Аудиторлик ташкилотлари харажатларининг таҳлили


Аудиторлик хизматлари ва уларни кўрсатувчи субъектлар самарадорлиги бевосита уларнинг қилаётган харажатларига бевосита боғлиқ.

Олдинги бобда таъкидлаб ўтганимиздек, аудиторлик ташкилотларининг жами харажатлари ўз ичига қуйидагиларни олади:

1. Аудиторлик хизматлари таннариhini ташкил қилувчи харажатлар;
2. Давр харажатлари;
3. Молиявий фаолиятга доир харажатлар
4. Фавқулотдаги зарарлар.

**“KOMIL-ISHONCH” аудиторлик ташкилотининг
2011-2014 йиллардаги харажатлари**

№	Харажат турлари	2011 йил		2012 йил		2013 йил		2014 йил	
		Сумма, минг сўм	Ҳис-са, %	Сумма, минг сўм	Ҳис-са, %	Сумма, минг сўм	Ҳис-са, %	Сумма, минг сўм	Ҳис-са, %
1	Аудиторлик хизматлари таннари	51 312,7	53	46 979, 6	55,5	55 356,8	57	74 226,1	69
2	Маъмурий харажатлар	42 360, 3	44	33 497, 6	39,5	25 625,2	26	20 582, 7	19
3	Бошқа операцион харажатлар	3 001,5	3	4 229,5	5,0	15 826,6	17	12 867,3	12
	ИТОГО	96 674, 5	100	84 706, 7		96 808, 5	100	107 676,1	100



	2011	2012	2013	2014
■ Таннарих	51312,7	46979,6	55356,8	74226,1
■ Маъмурий харажатлар	42360,3	33497,6	25625,2	20582,7
■ Бошқа операцион харажатлар	3001,5	4229,5	15826,6	12867,3

**5-диаграмма. “KOMIL-ISHONCH” аудиторлик ташкилотининг
2011-2014 йиллардаги харажатлари**

12-жадвал ва 5-диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, “KOMIL-ISHONCH” аудиторлик ташкилоти харажатлари йилдан йилга ўсиш тенденциясига эга. 2011 йилда ташкилотнинг жами харажатлари 96,7 млн. сўмни, 2014 йилда эса 107,7 млн. сўмни ташкил этган, улар шу йилларда 11 % га кўпайган.

Аудиторлик ташкилотлари харажатлари таркибида асосий ҳисса аудиторлик хизматлари таннаҳини ташкил қилувчи харажатларга тўғри келади. Чунончи, ушбу харажатлар ҳиссаси 2011 йилда 53 %ни, 2014 йилда эса 69 %ни ташкил этган.

13-жадвалга кўра аудиторлик ташкилотининг жами харажатлари охириги 4 йилда 10 млн.сўмга ёки 10%га ошган. Шу йилларда ташкилотнинг даромадларини қарийб 20 мартага ошганлигини эътиборга оладиган бўлсак, у ҳолда унинг харажатларини ўсиш тенденциясини ижобий, деб ҳисоблаш мумкин.

2.2.3. Аудиторлик ташкилотлари соф фойдасининг таҳлили

Аудиторлик хизматлари ва уларни кўрсатувчи субъектлар самарадорлигининг муҳим миқдор кўрсаткичи бўлиб соф фойда ҳисобланади.

Олдинги бобда таъкидлаб ўтганимиздек, аудиторлик ташкилотларининг соф фойдаси унинг жами даромадларидан жами харажатлари ўртасидаги фарқдан иборат бўлади. Демак, соф фойдага,бир томондан, даромадлар, иккинчи томондан эса, харажатлар бевосита ўз таъсирини ўтказади.Соф фойданинг ўсиши ёки камайиши ҳам ушбу иккита омилдаги ўзгаришлар эвазига юз беради.

**“KOMIL-ISHONCH” аудиторлик ташкилотининг
2011-2014 йилларда соф фойдасининг шаклланиши**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил
1	Жами даромадлар	Минг сўм	119400	118949	184063	180840
2	Жами харажатлар	Минг сўм	96 674, 5	84 706, 7	96 808, 5	107 676,1
3	Соф фойда	Минг сўм	22725,5	34242,3	87254,5	73163,9

14-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, “KOMIL-ISHONCH” аудиторлик ташкилоти соф фойдаси йилдан йилга ўсиш тенденциясига эга. 2011 йилда ташкилотнинг жами соф фойдаси 22725,5 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб у 87254,5 минг сўмни, 2014 йилда эса 73163,9 минг сўмни ташкил этган, яъни ушбу кўрсаткич 3,5-4 баробарга ошган.

14-жадвалга кўра аудиторлик ташкилотининг 2014 йилда 2011 йилга нисбатан соф фойдасининг 50438,4 минг сўмга ошиши қуйидаги иккита омил эвазига юз берган:

(1) даромадларни ошиши эвазига соф фойда 61440 минг сўмга (180840-119400) ошган;

(2) харажатларнинг ошиши эвазига соф фойда 11001,6 минг сўмга (107676,1- 96674,5) камайган.

(3) Иккала омил эвазига соф фойданинг ўсиши 50438,4минг сўмни ташкил этади (61440-11001,6).

Юқоридаги таҳлил материалларидан хулоса қилиш мумкинки, «KOMIL-ISHONCH» аудиторлик ташкилотида охириги 4 йилда самарадорликни бевосита ифодаловчи соф фойда кўрсаткичи бўйича ижобий натижаларга эришилган.

2.2.4.Аудиторлик ташкилоти мулкӣ ҳолатининг таҳлили

Аудиторлик ташкилотларининг самарали фаолият юритишида уларнинг мулки ҳам муҳим ўрин тутати. «KOMIL-ISHONCH» аудиторлик ташкилотининг охириги 4 йилдаги мулкӣ ҳолати 15-жадвалда келтирилган.

15-жадвал

«KOMIL-ISHONCH» аудиторлик ташкилотининг 2011-2014 йиллардаги мулкӣ ҳолати

№	Мулк тури	1.01.2012		1.01.2013		1.01.2014		1.01.2015	
		Сумма, минг сўм	Ҳис-са, %	Сумма, минг сўм	Ҳис-са, %	Сумма, минг сўм	Ҳис-са, %	Сумма, минг сўм	Ҳис-са, %
1	Асосий воситалар	56534	36,5	46650	24,2	32160	26,7	41312	32,2
2	Товар-моддий захиралар	5497	3,5	4773	2,5	4421	3,7	1881	1,5
3	Келгуси давррв харажатлари	3827	2,5	4665	2,4	1555	1,3	2537	2,0
4.	Дебиторлик қарзлар	34180	22,0	43677	22,7	58769	48,7	55854	43,5
5	Пул маблағлари	54951	35,5	92978	48,2	23555	19,6	26744	20,8
	ИТОГО	154990	100	192743	100	120460	100	128328	100

15-жадвалдан кўриниб турибдики, ташкилотнинг мулкӣ ҳолатидаги пик даража 2012 йилда бўлган (192,7 млн. сўм), бунда асосий ҳисса (қарийб 50 %) пул маблағларига тўғри келган. 2013-2014 йилларда ташкилот мулки таъсисчиларга дивиденд тўловларини амалга оширилиши сабабли камайиш тенденциясига эга бўлган. Охириги йилларда мулк таркибида катта ҳиссани дебиторлик қарзлар ташкил этган. Ташкилот барча йилларда етарлича пул маблағларига эга бўлган.

«KOMIL-ISHONCH» аудиторлик ташкилоти мулкининг ташкил топиш манбалари ҳолати 16-жадвалда келтирилган.

16-жадвал

**«KOMIL-ISHONCH» аудиторлик ташкилотининг 2011-2014
йиллардаги мулкӣ ҳолати манбалари**

№	Мулк манбаси тури	1.01.2012		1.01.2013		1.01.2014		1.01.2015	
		Сумма, минг сўм	Ҳис- са, %	Сумма, минг сўм	Ҳис- са, %	Сумма, минг сўм	Ҳис- са, %	Сумма, минг сўм	Ҳис- са, %
1	Хусусий капитал	151782	98,0	96024	50,0	104825	87,0	122988	96,0
2	Мажбуриятлар	3208	2,0	96719	50,0	15635	13,0	5380	4,0
	ИТОГО	154990	100	192743	100	120460	100	128328	100

16-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, аудиторлик ташкилотининг мулкида хусусий капитал асосий ҳиссасини ташкил этади. Чунончи, хусусий капиталнинг ҳиссаси 2011 йилда 98 %ни, 2012 йилда 50 %ни, 2013 йилда 87 %ни, 2014 йилда 96%ни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич аудиторлик ташкилотининг юқори даржада молиявий автономлигидан дарак беради.

**2.3. “Komil-Ishonch» аудиторлик ташкилоти самарадорлиги сифат
кўрсаткичларининг таҳлили**

Аудиторлик ташкилотлари самарадорлиги кўрсаткичлари ичида уларни сифат жиҳатдан ифодаловчи кўрсаткичлар ўта муҳим аҳамият касб этади. Қуйида ушбу кўрсаткичларни 1-бобда тавсия этилган кўрсаткичлар кесимида ва тавсия этилган алгоритмлар асосида таҳлил қилиб чиқамиз.

**«KOMIL-ISHONCH» аудиторлик ташкилотининг 2011-2014
йиллардаги самарадорлигининг сифат кўрсаткичлари**

№	Кўрсаткичнинг номи	Ўлчов бирлиги	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил
1	1 та аудиторга тўғри келадиган хизматларнинг ўртача ҳажми (Хўах)	Минг сўм	17057	16992	24029	25834
2	1 та аудиторга тўғри келадиган мижозларнинг ўртача сони (Ўмс)	Бирлик	15	14	13	8
3	Аудиторлик хизматларининг ўртача рентабеллиги (Рах)	%	19	29	47	40
4	Харажатлар рентабеллиги (Рх)	%	23	40	90	68
5	Асосий фондлар рентабеллиги (Раф)	%	40	73	271	177
6	Устав капитали рентабеллиги (Рук)	%	24	36	93	78
7	Тўлов қобилияти даражаси (Ктқ)	%	30,70ёки 3070%	1,51 ёки 151%	5,65 ёки 565 %	16,17 ёки 1617 %
8	Молиявий мустақиллик даражаси (Кмм)	%	98,0	50,0	87,0	96,0

17-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, аудиторлик ташкилотининг 1 та аудиторга тўғри келадиган хизматларнинг ўртача ҳажми йилдан йилга ошиб борган. Чунончи, 2011 йилда 1 та аудиторга ўртача йилда 17057 минг сўмлик иш ҳажми тўғри келган бўлса, 2014 йилда бу иш ҳажми 25834 минг сўмни ташкил этган ёки у қарийб 1,5 мартага ошган.

Аудиторлик ташкилотининг олган соф тушуми, яъни даромади, мос равишда 1 та аудиторга тўғри келадиган хизматларнинг ўртача ҳажми йилдан йилга ошиб боришига қарамасдан 1 та аудиторга тўғри келадиган мижозлар сони 2011-2014 йилларда камайиш тенденциясига эга бўлган. Чунончи, у шу йилларда қарийб 2 мартага камайган. Бу, изланишлардан маълум бўлдики,

асосан аудиторлик ташкилотининг охирги йилларда сонга эмас, кўпроқ сифатга эътибор бериш, кўпроқ йирик мижозлар билан катта миқдордаги шартномавий қийматлар асосида ишлаб эвазига юз берган. Олдинги йилларда аудиторлик ташкилоти кўпроқ кичик корхоналарга шартнома қиймати кам бўлган ҳолатда аудиторлик хизматларини кўрсатган. Шу боис ҳам, иш ҳажми кичик бўлсада, мижозлар сони кўпроқ бўлиши кузатилган.

Диққатга сазоварли жиҳат шундаки, «KOMIL-ISHONCH» аудиторлик ташкилотида 2011-2014 йилларда рентабеллик кўрсаткичлари борган сари ошиб борган. Чунончи, олинган даромадлар рентабеллиги шу йилларда энг ками 19 %ни (2011 йилда), энг юқориси 47 %ни (2013 йилда) ташкил қилган. Ушбу эришилган даражалар даромадлар рентабеллигини аудиторлик ташкилотида анча баландлигидан дарак беради, холбуки бошқа тармоқ ва соҳаларда харажатлар рентабеллиги жуда ҳам пастдир (одатда 1 %дан 5-6%гача). Харажатлар рентабеллиги бўйича энг юқори кўрсаткич 2013 йилда (90%), энг кам даража (23%) 2011 йилда юз берган. Ушбу эришилган даражалар харажатлар рентабеллигини аудиторлик ташкилотида анча баландлигидан дарак беради, холбуки бошқа тармоқ ва соҳаларда харажатлар рентабеллиги жуда ҳам пастдир (одатда 0,2 %дан 3-8%гача).

Аудиторлик ташкилоти асосий фондлар рентабеллиги бўйича мисли юқори даражага эга бўлган. Чунончи, у 2011 йилда 40 %ни, 2012 йилда 73 %ни, 2013 йилда 271 %ни, 2014 йилда 177 %ни ташкил этган. Бундай юқори даражадиги рентабеллик аудиторлик ташкилотларида даромадларни катта миқдордаги асосий фондларсиз ҳам олиш имконияти бор эканлигидан дарак беради.

17-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, аудиторлик хизматлари уларнинг таъсисчилари учун ҳам ўта юқори миқдорда даромад олиш манбаи ҳисобланади. Буни «KOMIL-ISHONCH» аудиторлик ташкилотида ҳам кўриш мумкин. Чунончи, ушбу ташкилот таъсисчилари киритган инвестициялари уларга катта миқдорда наф (даромад) келтирган. Чунончи, ҳар 100 сўмлик устав

капитали унинг таъсисчиларига 2011 йилда 24 сўм, 2012 йилда 36 сўм, 2013 йилда 93 сўм, 2014 йилда 78 сўм соф фойда келтирган.

17-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, KOMIL-ISHONCH» аудиторлик ташкилоти юқори даражада ликвидлик, молиявий мустақилликка эга бўлган аудиторлик ташкилотларидан бири ҳисобланади. Унинг жорий мажбуриятлари бўйича тўлов қобилияти даражаси 2011 йилда 30,7 баробарга, 2012 йилда 1,5 баробарга, 2013 йилда 5,65 баробарга, 2014 йилда эса 16,2 баробарга кўп бўлган. Ушбу кўрсаткич аудиторлик ташкилотларида ўз миқдорларига умуман тўлов муаммосининг йўқлигидан дарак беради.

17-жадвал маълумотларидан яна шуни ҳам кўриш мумкинки, KOMIL-ISHONCH» аудиторлик ташкилоти молиявий жиҳатдан юқори мустақилликка эга бўлган аудиторлик ташкилотларидан бири ҳисобланади. Унинг жами мулкида ўз маблағлари ҳиссасининг 2011 йилда 98 %, 2012 йилда 50 %, 2013 йилда 87 %, 2014 йилда эса 96 % ни ташкил этганлиги бунинг ёрқин гувоҳидир.

2.4. Аудиторлик ташкилотлари самарадорлигининг қиёсий таҳлили

KOMIL-ISHONCH» аудиторлик ташкилоти мисолида аудиторлик хизматларининг бошқа тармоқ ва соҳаларга нисбатан юқори самарадор фаолият эканлигини олдинги параграфларда келтирилган маълумотлардан кўрдик. Шу билан бирга, табиий равишда, айрим саволлар туғилади. Хўш, самарадорлик нуқтаи назаридан барча аудиторлик ташкилотлари ҳам “KOMIL-ISHONCH» аудиторлик ташкилоти сингари кўрсаткичларга эгами? Ушбу саволга жавоб топиш мақсадида Самарканд шаҳрида жойлашган МЧЖ шаклидаги “Жавлон Аудит Сервис” аудиторлик ташкилоти маълумотларини KOMIL-ISHONCH» аудиторлик ташкилоти маълумотлари билан қиёсий таҳлил қилиб чиқамиз.

Бунинг учун “Жавлон Аудит Сервис” аудиторлик ташкилоти молиявий хўжалик фаолиятининг 2-илова келтирилган, шунингдек 18-жадвалда ҳисоб-китоб қилинган асосий миқдор ва сифат кўрсаткичларидан фойдаланамиз.

**“Жавлон Аудит Сервис” аудиторлик ташкилоти молиявий-хўжалик
фаолиятининг 2011-2014 йиллардаги асосий кўрсаткичлари**

№	Кўрсаткич	Ўлчов бирлиги	2011 йил	2012 Йил	2013 Йил	2014 йил
1	Соф тушум	Минг сўм	150815	107700	119200	132750
2	Харажатлар	Минг сўм	50085	69005	69384	97972
3	Соф фойда	Минг сўм	100730	38695	49816	34778
4	Аудиторлар сони	киши	6	6	6	6
5	Мижозлар сони	бирлик	38	30	36	26
6	Камраб олинган вилоятлар сони	бирлик	2	4	4	4
7	Жами активлари	Минг сўм	335782	297987	231680	381232
8	Асосий фондлари	Минг сўм	117194	117250	91443	138415
9	Жорий активлари	Минг сўм	218588	180737	140237	242817
10	Хусусий капитали		332359	278134	205017	197760
11	Шу жумладан устав капитали	Минг сўм	110000	110000	110000	110000
12	Жорий мажбуриятлари	Минг сўм	3423	19853	26663	183472
13	1 та аудиторга тўғри келадиган ўртача соф тушум	Минг сўм	25136	17950	19866	22125
14	1 та аудиторга тўғри келадиган мижозлар сони	Бирлик	6	5	6	5
15	Даромадлар рентабеллиги	%	67,0	36,0	42,0	26,0
16	Харажатлар рентабеллиги	%	201,	56,0	72,0	35,0
17	Асосий фондлар рентабеллиги	%	86,0	33,0	54,0	25,0
18	Устав капитали рентабеллиги	%	92,0	35,1	45,3	31,6
19	Тўлов қобиляти даражаси	Баробар	64,0	9,1	5,3	1,3
20	Молиявий мустақиллик даражаси	%	99,0	93,3	88,5	51,9

18-жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, “Жавлон-Аудит-Сервис” аудиторлик ташкилотида 2011 йилга нисбатан охириги уч йилда соф тушум ҳажми камайган, харажатлар ўсиб борган. Корхонанинг соф фойдаси ҳам 2011 йилга нисбатан охириги 2012-2014 йилларда камайган.

“Жавлон-Аудит Сервис” аудиторлик ташкилотида охирги йилларда мижозлар сони 38 тадан 26 тагача қисқарган. Соф тушумнинг камайиши ҳам маълум даражада мижозлар сонини камайиши сабабли юз берган.

“Жавлон-Аудит Сервис” аудиторлик ташкилотида 2011 йилга нисбатан охирги йилларда барча сифат кўрсаткичларда камайиш тенденцияси юз берган. Чунончи, 1 та аудиторга тўғри келадиган соф тушумнинг ўртача миқдори 25136 минг сўмдан 17950 минг сумгача тушган, 1 та аудиторга тўғри келадиган мижозлар сони 6тадан 5 тагача тушган. Рентабеллик кўрсаткичлари барча базовий кўрсаткичларга нисбатан ҳам пасайган, чунончи даромадлар рентабеллиги 67%дан 26%га тушган, харажатлар рентабеллиги 201%дан 35%гача пасайган, асосий фондлар рентабеллиги 86%дан 25%гача пасайган, устав капитали рентабеллиги 92%дан 31,6 %гача тушган. Ташкилот етарли даражада ликвидли ва молиявий мустақил бўлсада, охирги йилларда ушбу сифат кўрсаткичлари ҳам маълум даражада камайиш тенденциясига эга бўлган. Чунончи, тўлов коэффициенти 64 баробардан 1,3 баробаргача пасайган, молиявий мустақиллик даражаси 99 %дан 51,9 %гача тушган.

“KOMIL-ISHONCH» аудиторлик ташкилоти бўйича олдинги параграфларда келтирилган маълумотлар, шунингдек 18-жадвалда “Жавлон Аудит Сервис” аудиторлик ташкилоти бўйича келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда ушбу бир-бирига тўлиқ ўхшаш бўлган иккала субъектлар самарадорлиги кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилиб чиқсак. Бунинг учун тақсосланадиган бир хилдаги кўрсаткичлар 19-жадвалда келтирилган. Таққосланадиган кўрсаткичлар бўйича энг юқори даража эришилганига 1-ўринни, пастроқ даражага эришилганига 2-ўринни берадиган бўлсак, қуйидаги ҳолат намоён бўлади (20-жадвалга қаранг).

**“Комил-Ишонч” ва “Жавлон Аудит Сервис” аудиторлик
ташкilotларнинг молиявий-хўжалик фаолияти 2011-2014 йиллардаги
асосий кўрсаткичлари**

№	Кўрсаткич	Ўлчов бирлиги	«KOMIL- ISHONCH» аудиторлик ташкilotида		“Жавлон Аудит Сервис” аудиторлик ташкilotи	
			2011 йил	2014 йил	2011 йил	2014 йил
1	Соф тушум	Минг сўм	119400	180840	150815	132750
2	Харажатлар	Минг сўм	96674	107676	50085	97972
3	Соф фойда	Минг сўм	22726	73164	100730	34778
4	Аудиторлар сони	киши	7	7	6	6
5	Мижозлар сони	бирлик	103	53	38	26
6	Камраб олинган вилоятлар сони	бирлик	3	2	2	4
7	Жами активлари	Минг сўм	154990	128328	335782	381232
8	Асосий фондлари	Минг сўм	56534	41312	117194	138415
9	Жорий активлари	Минг сўм	98456	87016	218588	242817
10	Хусусий капитали		151782	122988	332359	197760
11	Шу жумладан устав капитали	Минг сўм	94000	94000	110000	110000
12	Жорий мажбуриятлари	Минг сўм	3208	5380	3423	183472
13	1 та аудиторга тўғри келадиган ўртача соф тушум	Минг сўм	17057	25834	25136	22125
14	1 та аудиторга тўғри келадиган мижозлар сони	Бирлик	15	8	6	5
15	Даромадлар рентабеллиги	%	19,0	40,0	67,0	26,0
16	Харажатлар рентабеллиги	%	23,0	68,0	201,	35,0
17	Асосий фондлар рентабеллиги	%	40,0	177,0	86,0	25,0
18	Устав капитали рентабеллиги	%	24,0	78,0	92,0	31,6
19	Тўлов қобилияти даражаси	Баробар	31,0	16,0	64,0	1,3
20	Молиявий мустақиллик даражаси	%	98,0	96,0	99,0	51,9

**“Комил-Ишонч” ва “Жавлон Аудит Сервис” аудиторлик
ташкilotларининг молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлиги
кўрсаткичлари бўйича эгаллаган ўринлари**

№	Кўрсаткич	Ўлчов бирлиги	«KOMIL- ISHONCH» аудиторлик ташкilotи		“Жавлон Аудит Сервис” аудиторлик ташкilotи	
			2011 йил	2014 йил	2011 йил	2014 йил
1	Соф тушум	Минг сўм	2	1	1	2
2	Харажатлар	Минг сўм	2	1	2	1
3	Соф фойда	Минг сўм	2	1	1	2
4	Аудиторлар сони	киши	1	1	1	1
5	Мижозлар сони	бирлик	1	1	2	2
6	Камраб олинган вилоятлар сони	бирлик	1	2	2	1
7	Жами активлари	Минг сўм	2	2	1	1
8	Асосий фондлари	Минг сўм	2	2	1	1
9	Жорий активлари	Минг сўм	2	2	1	1
10	Хусусий капитали	Минг сум	2	2	1	1
11	Шу жумладан устав капитали	Минг сўм	2	2	1	1
12	Жорий мажбуриятлари	Минг сўм	1	1	2	2
13	1 та аудиторга тўғри келадиган ўртача соф тушум	Минг сўм	2	1	1	2
14	1 та аудиторга тўғри келадиган мижозлар сони	Бирлик	1	1	2	2
15	Даромадлар рентабеллиги	%	2	1	1	2
16	Харажатлар рентабеллиги	%	2	1	1	2
17	Асосий фондлар рентабеллиги	%	2	1	1	2
18	Устав капитали рентабеллиги	%	2	1	1	2
19	Тўлов қобилияти даражаси	Баробар	2	1	1	2
20	Молиявий мустақиллик даражаси	%	2	1	1	2

20-жадвалдан кўриниб турибдики, 2011 йилда танлаб олинган 20 та кўрсаткичнинг 15 таси бўйича 1-ўрин “Жавлон Аудит Сервис” аудиторлик ташкилотига, 2014 йилда эса танлаб олинган 20 та кўрсаткичнинг 15 таси бўйича 1-ўрин “Комил Ишонч” аудиторлик ташкилотига га тўғри келаяпти. Охирги уч йилда “Комил-Ишонч” аудиторлик ташкилоти самарадорлигининг барча кўрсаткичлари ижобий томонга силжишларга эга бўлган бўлса, “Жавлон Аудит Сервис” аудиторлик ташкилотида ушбу кўрсаткичларда камайиш юз берган.

Юқорида келтирилган таққослама таҳлил материаллари ҳар иккала рақобатдош аудиторлик ташкилотига қайси жабҳаларга энг муҳим эътиборларни қаратиш, улар самарадорлигини ички резервлари нималарда ёрқин намоён бўлиши мумкинлигини аниқлашга имкон беради. Самарадорликнинг ушбу имкониятлари, резервлари ва уни янада ошириш йўллари тўғрисида ишимизнинг кейинги бобида тўхталамиз.

3-БОБ. АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ ВА УЛАРДА ФАОЛИЯТ РИСКНИ ПАСАЙТИРИШ ҲАМДА ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

3.1.Аудиторлик хизматларини кўрсатувчи субъектлар самарадорлигини ошириш йўллари ва имкониятлари

Республикамизда аудиторлик хизматлари ва уларни кўрсатувчи субъектлар самарадорлигини ошириш устувор вазифалардан ҳисобланади. Ушбу устувор вазифани бажариш аудиторлик хизматлари ва уларни кўрсатувчи субъектлар самарадорлиги миқдор ва сифат кўрсаткичларини яқин ва узоқ йилларга мўлжалланган стратегик режаларини тузишни, ушбу режалар ижросини таъминлашга қаратилган бошқарув қарорларини қабул қилишни тақозо этади.

Аудиторлик хизматлари ва уларни кўрсатувчи субъектлар самарадорлиги миқдор ва сифат кўрсаткичлари келажагини стратегик режалаштириш ва бошқаришда халқаро таълимот ва амалиётда кенг тан олинган SWOT- таҳлил усулини қўллаш, фикримизча, катта самара беради.

Дастлаб ушбу усулнинг шу номда фанга кириб келиши ва моҳиятига тўғрисида қисқача тўхталсак.

SWOT- бу аббревиатура ҳисобланиб, 4 та алоҳида мазмун касб этувчи сўзларнинг бош ҳарфлари мажмуасидир. Бунда **S** - strengths (кучли томонлар ёки омиллар, **W** - weaknesses (заиф томонлар ёки омиллар), **O** - opportunities (имкониятлар) ва **T** - threats (таҳдидлар) маъносини билдиради.

SWOT- таҳлил – бу стратегик режалаштиришда қўлланиладиган усул бўлиб, ҳар қандай жараён, ҳодиса, объект, субъект, кўрсаткич прогресси ёки регрессига таъсир кўрсатувчи барча омилларни қуйидаги 4 та гуруҳга ажратишни кўзда тутаяди:

S	Strengths (жараён, ҳодиса, объект, субъект, кўрсаткич равнақиға ижобий таъсир кўрсатувчи кучли томонлар ёки омиллар)
W	Weaknesses (жараён, ҳодиса, объект, субъект, кўрсаткич равнақиға салбий таъсир кўрсатувчи заиф жиҳатлар ёки омиллар)
O	Opportunities (жараён, ҳодиса, объект, субъект, кўрсаткич равнақини таъминловчи ички ва ташқи имкониятлар)
T	Threats (жараён, ҳодиса, объект, субъект, кўрсаткич равнақиға таъсир кўрсатувчи тўсиқлар ёки таҳдидлар)

Манбаларга кўра²⁵ **SWOT- таҳлил** усулининг муаллифи бўлиб, профессор К. Эндрюс ҳисобланади, ушбу усулни у илк бор 1963 йилда АҚШнинг Гарвард университетида бўлиб ўтган конференцияда тавсия этган.

К.Эндрюс томонидан тавсия этилган ушбу усулнинг моҳияти, уни турли жараёнлар, тармоқ ва соҳаларда қўллаш масалалари ундан кейин турли олимларнинг илмий мақолалари ҳамда китобларида²⁶ атрофлича очиб берилган.

SWOT- таҳлил усулини аудиторлик хизматлари ва уларни кўрсатувчи субъектлар самарадорлиги миқдор ҳамда сифат кўрсаткичларини режалаштириш ҳамда бошқаришда қўллаш объектив зарурат ҳисобланади. Чунки, тадбиркорлик фаолияти, бизнес тури, макон ва замонда юз бераётган жараён сифатида аудиторлик хизматлари, уларни кўрсатувчи субъектлар самарадорлигини оширишга қўплаб омиллар бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади, бинобарин уларнинг айримлари кучли, айримлари заиф таъсир кучига эга бўлиши мумкин. Аудиторлик хизматлари ва уларни кўрсатувчи субъектлар самарадорлигини оширишнинг макро ва микро иқтисодиёт даражаларида ҳам ички, ҳам ташқи имкониятлари мавжуд. Шунингдек, аудиторлик хизматлари ва уларни кўрсатувчи субъектлар самарадорлигини

²⁵ <https://ru.wikipedia.org/wiki/SWOT-анализ>.

²⁶ **Қаранг:** Майсак О. С. SWOT-анализ: объект, факторы, стратегии. Проблема поиска связей между факторами // Прикаспийский журнал: управление и высокие технологии. — 2013. — № 1 (21). — С. 151—157; Загородников А. Н. Управление общественными связями в бизнесе. Учебник. М: Крокус, 2013 г. (гл.3 «SWOT-анализ: сущность, цель, содержание»).

ошишига ўз таъсирини ўтказувчи турли ички ва ташқи тўсиқлар ёки таҳдидлар ҳам йўқ эмас. Айнан ушбу жиҳатларнинг мавжудлиги аудиторлик хизматлари ва уларни кўрсатувчи субъектлар самарадорлиги миқдор ҳамда сифат кўрсаткичларини режалаштириш ҳамда бошқаришда **SWOT- таҳлил** усулини қўллашни ҳам зарурат, ҳам ўта фойдали қилиб қўяди.

Биз томонимиздан 2-бобда «Комил-Ишонч» аудиторлик ташкилоти мисолида аудиторлик хизматларини кўрсатувчи субъектлар самарадорлигининг миқдор ва кўрсаткичларининг қилинган горизонтал ва вертикал таҳлили, шунингдек динамик ва статик таҳлили натижалари мазкур субъектда ушбу кўрсаткичларни янада яхшилашнинг кучли ва заиф томонларини, мажбур имкониятларини ҳамда таҳдидларни ўз ичига қамраб олувчи SWOT- таҳлил жадвалини тузиш имконини берди (21-жадвал).

21-жадвал

**МЧЖ шаклидаги «Комил-Ишонч» аудиторлик ташкилоти
самарадорлиги миқдор ва сифат кўрсаткичларини янада оширишнинг
SWOT таҳлили**

S - strengths (кучли томонлар ёки омиллар)	W - weaknesses (заиф томонлар ёки омиллар)
• Аудиторлик фаолиятини юритиш кафолотларининг республикамиз қонунлари билан ҳимояланганлиги ва ҳудудий жиҳатдан чекланмаганлиги; • Аудиторлик фаолиятига тадбиркорлик мақомини берилганлиги; • Аудиторлик хизматларини кўрсатувчи субъектларга давлат томонидан солиқ имтиёзларининг берилганлиги; • Республикамизда аудиторлик хизматларига бўлган талабнинг ошиб бораётганлиги; • Хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш бўйича Давлат	• Аудиторлик текширувларидан мажбурий ўтувчи субъектлар сонининг чегараланганлиги; • Аудиторлик текширувларининг ўтказиш муддатларини ҳисобот йилнинг 1 майигача чекланганлиги; • Аудиторлик хизматларига ихтисослашган субъектларнинг камлиги ва улар айримларининг монополлиги; • Аудиторлик хизматларига таклифнинг талабдан пастлиги; • Корхоналар раҳбарлари ва бухгалтерларида аудиторлик хизматларидан фойдаланишнинг юқори самараси ва аҳамияти тўғрисида фикрларнинг тўлиқ

дастурини қабул қилинганлиги; • Аудиторлик хизматларини кўрсатувчи мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини оширишнинг йўлга қўйилганлиги; • Аудиторлик хизматлари бозорида етарлича тажрибага эга бўлган ихтисослашган аудиторлик ташкилотларининг етарлича пайдо бўлганлиги; • Ўзбекистон Республикаси бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси, республика аудиторлар палатаси каби жамоатчилик ташкилотларининг мавжудлиги ва улар томонидан аудиторлар билими ва тажрибаларини доимий ошириш масалаларини координацияланиши	шаклланмаганлиги; • Барча субъектларда аудиторлик хизматларини ўтказиш учун тегишли маблағларнинг етишмаслиги; • Аудиторлик хизматлари бозорида рекламанинг етарлича йўлга қўйилмаётганлиги; • Аудиторларни рағбатлантиришнинг кучли механизмларини мавжуд эмаслиги; • Аудиторлик хизматлари иш ҳажми ва қийматини реал баҳолаш асослари ва тартибларини белгиланмаганлиги; • Аудиторлар профессионал билим даражалари ва малакасининг етарли эмаслиги; • Аудиторлик ташкилотлари рейтинг ва имижининг пастлиги
О - opportunities (имкониятлар)	Т - threats (таҳдидлар)
• Кўрсатиладиган аудиторлик хизматлари сонини оширишга эришиш; • Хизмат кўрсатиш географиясини кенгайтириш; • Профессионал интер фаол хизматлар турларини кўпайтириш; • Профессионал хизматларни кўрсатувчи аудиторлар сонини ошириш; • Аудиторлар меҳнат унумдорлиги ва иш сифатини ошириш; • Рейтинг ва имижни ошириш воситаларидан, чунончи реклама, семинар, симпозиумларда ўзини мижозларга таништириш имкониятларидан кенг фойдаланиш; • Аудиторлик хизматлари халқаро бозорига чиқиш ва бунинг эвазига хорижий валютадаги пул маблағларига эга бўлиш	• халқаро миқёсда юз бераётган молиявий-иқтисодий инқироз; • мижоз корхоналарнинг банкротга учраши; • хорижий рақобатчиларнинг борган сари кўпайиши; • очиқ зонада, чунончи халқаро аудит бозорида фаолият юритишдаги имкониятларнинг чекланганлиги; • аудиторларнинг хорижий тилларни билиш ва замонавий ахборот ва компьютер технологияси соҳасида билим ва тажрибаларининг чекланганлиги

Куйида аудиторлик хизматлари ва уларни кўрсатувчи субъектлар самарадорлиги миқдор ҳамда сифат кўрсаткичларни янада яхшилашнинг 21-жадвалда келтирилган ички ва ташқи имкониятлари эвазига “Комил ишонч” аудиторлик ташкилотида ушбу кўрсаткичларни келгусида эришилиши мумкин бўлган параметрлари ҳисоб-китобларига қисқача тўхталамиз.

“Комил-Ишонч” аудиторлик ташкилоти самарадорлиги миқдор ҳамда сифат кўрсаткичларини янада яхшилашга олиб келувчи ташқи имконият – бу кўрсатилаётган аудиторлик хизматлари доираси, яъни географиясини кенгайтиришдир. 2-бобда қилинган таҳлилда келтирилганидек, ҳозирги пайтда ушбу аудиторлик ташкилотининг хизмат кўрсатиш доираси жуда ҳам тор. У республикамизнинг атиги 3-4 та вилоятида хизмат кўрсатиш билан чегланиб қолган. Ҳолбуки аудиторлик фаолиятини юритиш кафолотларининг республикамиз қонунлари билан ҳимояланганлиги ва ҳудудий жиҳатдан чекланмаганлиги унга ушбу хизматларни бира тўла республикамизнинг барча вилоятларида олиб бориш имкониятини беради. Ушбу кучли ташқи омилдан аудиторлик ташкилотида етарлича фойдаланмаётганлик эвазига у ўртача ҳар йилда қарийб 600-700 миллион сўмлик қўшимча соф тушум (даромад) олиш имкониятини йўқотмоқда. Ушбу прогноз параметрлари ҳисоб-китоблари 2016 йил учун 22-жадвалда келтирилган.

“Комил ишонч” аудиторлик ташкилотининг хизматлар доирасини кенгайтириш эвазига оширилиши мумкин бўлган соф тушумини прогноз параметрлари ҳисоб-китоби

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2016 йил (прогноз)
1	Штатдаги аудиторлар сони	Киши	7
2	Аудиторлик хизматлари кўрсатилмаган вилоятлар сони	Бирлик	10
3	Ҳар 1 та аудиторнинг ўртача бир йилда бошқа вилоятларда кўрсатиши мумкин бўлган аудиторлик хизматлари сони (ҳар 3 ойда тахминан 1 та хизмат ҳисобидан)	Бирлик	4
4	Жами бошқа вилоятларда қўшимча ўтказилиши мумкин бўлган аудиторлик хизматлари сони (1*2*3)	Бирлик	280
5	1 та аудиторлик хизматларининг ўртача йиллик қиймати (2014 йилдаги натижа асосида)	Минг сўм	25834
6	1 та аудиторлик хизматларининг ўртача ойлик қиймати (2014 йилдаги натижанинг 1/12 қисми асосида)	Минг сўм	2152,8
7	Соф тушумни аудиторлик хизматлари кўрсатилмаган вилоятларни қамраб олиш эвазига қўшимча ошириш имконияти (4*6)	Минг сўм	602793

“Комил-Ишонч” аудиторлик ташкилоти ўз самарадорлиги миқдор ҳамда сифат кўрсаткичларини янада яхшилашга олиб келувчи иккита ички ҳамда ташқи имкониятлардан етарлича фойдаланмоқда, деб бўлмайди. Булар:

*сертификатли аудиторлар сонини кўпайтириш;

*профessional хизматларни узлуксиз кўрсатишни йўлга қўйиш.

Республикаимизнинг аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига кўра аудиторлик ташкилларининг сони чекланмаган, шунингдек уларга қонун доирасида мижозларга 10 дан ортиқ professional хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи берилган. Олдинги бобда таъкидланганидек, “Комил-Ишонч” аудиторлик ташкилотида сертификатли аудиторлар сони жуда кам, яъни атиги 7 киши. Агар ўртача 1 та аудиторга тўғри келаётган йиллик соф тушумни 25834 минг сўм бўлганлиги эътиборга оладиган бўлсак

хамда сертификатли аудиторлар сони тахминан 2 мартага оширилганда, бу ушбу ташкилотга қўшимча яна 181 миллион сўмлик (25834*7) даромад олиш имконини берган бўлар эди.

Кўрсатилиши мумкин бўлган, айтилик, 10 турдаги профессионал хизматларнинг ҳар бири бўйича ҳар ойда 1 таси амалга оширилганда эди, йил мабойнида штатдаги аудиторлар томонидан қўшимча 84 та (12*7) хизмат тури кўрсатилган бўлар эди. 1 та профессионал хизмат тури нархини ўртача 2 миллион сўм нархлаганда ҳам улардан қўшимча 168 миллион сўмлик (84*2) соф тушумга эришиш мумкин бўларди.

Аудиторлик хизматларини кўрсатувчи субъектлар самарадорлиги миқдор ва сифат кўрсаткичларига аудиторлик текширувларидан мажбурий ўтиши лозим бўлган мижозлар сонининг чекланганлиги, шунингдек ушбу мақомдаги субъектларда аудиторлик текширувларининг йил мабойнида бир маромда ва узлуксиз ўтказилмаслиги салбий жиҳатдан ўз таъсирини ўтказмокда. Чунончи, республикамизда ҳозирги пайтда мажбурий аудиторлик текширувларидан ўтувчи акциядорлик жамиятлари сони кўп эмас, улар атиги 1100 тани²⁷ ташкил этади. Агар республикамиздаги аудиторлик ташкилотларининг 104 та эканлиги эътиборга оладиган бўлсак, у ҳолда 1 аудиторлик ташкилотига бир йилда ўртача 10-12 та акциядорлик жамияти тўғри келади. Бу дегани 1 та аудиторлик ташкилоти 1 ойда ўртача 1 та акциядорлик жамиятига хизмат кўрсатади. Шунингдек, мажбурий аудиторлик текширувларининг қонун ҳужжатларига кўра ҳар йилнинг 1 майигача ўтказилиши бўйича белгиланган тартиб аудиторлик ташкилотларида кейинги даврларда тўлиқ иш фаолияти билан таъминланмасдан қолишига олиб келади.

²⁷ 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Халқ сўзи, 2015 йил 17 январь, 11-сон, 2-бет.

Республикаимизда хўжалик юритувчи субъектлар устидан давлат назоратини, чунончи солиқ назоратини кескин қисқартириш, улар ички ишларига аралашмаслик, тепадан тазъик ўтказмаслик, тадбиркорлар кўплаб солиқ ва бошқа жиҳатларда имтиёзлар ҳамда преференциялар бериш, уларни шу аснода ҳар томонлама қўллаб- қувватлаш давлат сиёсатининг муҳим мезонларидир. Бироқ, ушбу сиёсат хўжалик юритувчи субъектларга қонун талабларидан четланиш, хоҳлаган ишини қилиш, чунончи солиқларни кам ҳисоблаш, яшириш, ўз вақтида бюджетга ўтказиб бермасликлари дегани эмас. Бу борада барча турдаги хўжалик юритувчи субъектлар мақоми бир хилдир. Шу боис ҳам, фикримизча, давлат назоратларини қисқартирилиши сабабли, ҳолис мажбурий аудиторлик текширувларидан ўтувчи субъектлар сирасини қонун доирасида кенгайтириш ҳам давлат, ҳам тадбиркорлик субъектлари манфаатлари нуқтаи назаридан фойдадан холи бўлмас эди. Б, ўз навбатида, аудиторлик хизматларини кўрсатишни йил мабойнида юритилишини таъминлаш, шу асосда уларни кўрсатувчи субъектлар самарадорлиги миқдор ва сифат кўрсаткичларини янада яхшилаш имконини берган бўлар эди.

Аудиторлик хизматларини кўрсатувчи субъектлар самарадорлиги миқдор ва сифат кўрсаткичларини оширишга имкон бермаётган омиллардан бири бўлиб унинг қийматини бажарилаётган иш ҳажмига мос ва асосли баҳоланмасдан қолаётганлиги ҳисобланади. Ҳозирги пайтгача ушбу муҳим масала ўзининг илмий ва амалий ечимини топган эмас. Аудиторлик хизматлари қийматини белгилаш мезонлари ва тартиби махсус меъёрий ҳужжатлар билан мустаҳкамланмаган. Амалиётда аудиторлик хизматлари қиймати уларнинг буюртмачилари томонидан етарлича баҳоланмасдан қолмоқда. Бу, ўз навбатида, нафақат аудиторлик хизматларини кўрсатувчи субъектлар самарадолиги миқдор ва сифат кўрсаткичларига, балки уларнинг сифатли ўтказилишига ҳам ўз салбий таъсирини ўтказмоқда.

Аудиторлик хизматларини кўрсатувчи субъектлар самарадорлиги миқдор ва сифат кўрсаткичларини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири бўлиб, улар рейтингини ошириш ҳисобланади. Ушбу муҳим омил ҳам ички, ташқи жиҳатдан аудиторлик хизматларини кўрсатувчи субъектлар самарадорлиги миқдор ва сифат кўрсаткичларига ўз таъсир доирасини ўтказмоқда. Шу боис ҳам, республикамизда аудиторлик ташкилотлари рейтингини баҳолаш, уларни ҳар йил якуни бўйича рейтинг кўрсаткичларини миқдорлар эътиборига ҳавола этиб бориш ўта муҳимдир. Бугунги кунда бу борада диққатга лойиқ маълум ишлар амалга оширилди. Чунончи, республикамизда Республикамизда «Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари фаолиятига рейтинг баҳосини бериш бўйича Низом»²⁸ ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизмат сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида” ПҚ-615-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ушбу Низом республика аудиторлик ташкилотлари фаолиятига рейтинг баҳосини бериш услубиятини ишлаб чиқиш, аудиторларнинг жамоатчилик ташкилотлари томонидан аудиторлик ташкилотлари фаолиятига рейтинг баҳосини беришни ташкил қилиш ва ўтказиш жараёнларини тартибга солади.

2007 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотлари фаолиятига Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий Ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг қўшма лойиҳаси доирасида мамлакатимизда илк бор рейтинг баҳоси қўйилди. Шу йилдан бошлаб, республикамизда ҳар йилнинг якуни бўйича аудиторлик ташкилотларининг

²⁸ «Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари фаолиятига рейтинг баҳосини бериш бўйича Низом». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сон қарорига ИЛОВА "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 15-сон, 155-модда.

рейтинги мунтазам ўтказилмоқда ва унинг натижалари жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилмоқда.

Рейтингдан мақсад аудиторлик ташкилотларининг фаолиятига сифатли баҳо бериш, аудиторлик хизматларининг бўлғуси фойдаланувчиларига ҳар бир аудиторлик ташкилоти аудиторлик хизматларининг салоҳияти ва сифат даражаси тўғрисида ишончли ҳамда ҳолис ахборот тақдим этиш ҳисобланади.

Республикадаги аудиторлар жамоатчилик бирлашмаларининг ўзаро амалий ҳамкорлиги республикада аудиторлик ташкилотлари фаолиятига рейтинг баҳоси қўйишга оид ҳужжатлар пакетини ишлаб чиқиш имконини берди. Рейтингни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи орган сифатида махсус равишда МЧЖ «Аудит рейтинг» рейтинг агентлиги таъсис этилди, шунингдек асосий вазифаси рейтинг ўтказиш чоғида мустақиллик ва ҳолисликни таъминлаш ҳисобланган Жамоатчи кенгаш шакллантирилди.

Низомга мувофиқ аудиторлик ташкилотларининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари йил якунлари бўйича қуйидаги рейтинг параметрлари асосида гуруҳларга ажратилди:

- *фаолиятнинг кенг миқёслилиги;
- *кадрлар салоҳияти;
- *фаолиятни дивесификациялаш;
- *имиджни қўллаб қувватлаш;
- *хизматлар бозоридаги барқарорлик.

Рейтинг орқали аудиторлик ташкилотларида ҳар бир кўрсатакичга бўлган эътиборни кучайтириш ва шу орқали улар фаолиятидаги сифат ҳамда самарадорликка эришиш муҳим жиҳатдир. Шу сабабли аудиторлик ташкилотлари олган балларига қараб, тўрт даража бўйича гуруҳларга ажратилди, бунда “А” даражаси биринчи, “В” иккинчи даража, “С” учинчи даража ва “Д” даражаси эса охириги даража ҳисобланади. “Комил –Ишонч” аудиторлик ташкилоти ўз рейтинги бўйича республикада “С++” гуруҳ

таркибига киритилган. Кўриниб турибдики, унда ўз рейтингини ошириш муаммоси ҳам мавжуд.

3.2. Аудиторлик хизматларини кўрсатувчи субъектлар фаолияти рискинни пасайтириш йўллари

Аудиторлик хизматлари тадбиркорлик фаолияти сифатида маълум хавф-хатардан, яъни рискдан ²⁹холи эмас.

«Жиддийлик ва аудиторлик риски» номли 9-сон аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (АФМС)га мувофиқ: **Аудитор риски** – бу аудиторлик текшируви натижалари бўйича аудиторлар томонидан субъектив аниқланадиган, молиявий ҳисоботда, унинг ишончлилиги тасдиқланганидан сўнг хатолар мавжудлигини тан олиш ёки молиявий ҳисоботда бундай камчиликлар ҳақиқатан ҳам йўқ бўлганида, унда камчиликлар мавжуд деб тан олинмиш эҳтимолидир”.

Ёки аудиторлик текширувлари асосида аудиторлар ижобий ва салбий хулосалар беришлари, шунингдек хулоса беришдан воз кечишлари мумкин. Барча ҳолатларда ушбу хулосаларни бериш ёки бермаслик маълум хавф-хатарни туғдиради. Одатда, аудитор салбий хулоса берса ёки хулоса беришдан воз кечса ўзини хавф – хатар остига қўймайди, деган фикр бор. Аммо бу нотўғри фикр, чунки, бу ҳолда аудитор учун мижозларни йўқотиш хавфи вужудга келади. Аудитор мижоз молиявий ҳисоботида ижобий хулоса берганида ҳам шартнома мажбуриятлари билан боғлиқ хавф – хатарни ўз зиммасига олади. Аудиторлик фаолиятида учрайдиган бундай хавф – хатарлар йиғиндисини кейинчалик аудиторлик рискларининг мақбул тўпламини ташкил қилади.

²⁹ Адабиётларда «риск» атамаси турлича таржима қилинган ва турли синоним сўзлар билан номланган, масалан «таваккалчилик», «хатарлилик», «хавф - хатар», «тахлика», «ғов» ва ҳ.к).

Маълумки, ҳар қандай малакали ва пухта ўтказилган аудиторлик текшируви ҳам аудиторлик рискани тўлиқ бартараф эта олмайди. Шунинг учун аудиторлик амалиётида унинг (аудиторлик рискининг) мақбул чегараси 5% деб қабул қилинган. Яъни, аудиторлик ташкилоти томонидан берилган юзта аудиторлик хулосасидан бештаси мунозарали масалалар бўйича нотўғри хулосалар бўлиши мумкин. Бундай риск яъни, 5% миқдорда нотўғри хулоса бериш эҳтимоли аудиторлик ташкилоти учун жиддий ҳисобланмайди. Аксинча, бу кўрсаткич 5% ни янада пасайтиришга уриниш беҳуда куч ва маблағ сарфлашга олиб келади ҳамда рақобатбардошликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Умуман олганда аудиторлик рискининг мақбул тўпламига қуйидаги шарт- шароитлар асосий таъсирини кўрсатади.

1. Мижоз корхона фаолиятнинг кўлами. Мижоз корхонада содир бўладиган хўжалик муомалаларининг миқдори қанчалик кўп бўлса, аудиторлик риски шунчалик юқори бўлади ва унинг молиявий ҳисоботидан шунча кенгроқ ҳажмда фойдаланиш зарур бўлади. Аудиторлик риски даражасини аниқлашда молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланувчиларнинг фикрлари асос бўлиб ҳисобланади. Масалан, агар акциядорлик жамияти қўшимча акция чиқаришни режалаштирмаган бўлса, у ҳолда фақат ҳақиқий акциядорларни фикрлари инобатга олинади. Янги акциядорларни асосан юқори дивидендлар ва ижобий аудиторлик хулосаси билан жалб қилиш мумкин.

2. Мулкчиликнинг ташкилий - ҳуқуқий шакллари. Бу ҳам аудиторлик рискларнинг мақбул тўпламига сезиларли таъсир кўрсатади. Масалан, очиқ турдаги акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳисоботлари ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятлариникига қараганда акциядорларининг ишончини кўпроқ қозонганлиги боис, аудиторлик рискани пасайтириши мумкин. Бу очиқ турдаги акциядорлик жамиятларида ҳар хил мулкдорлар мавжудлиги билан изоҳланади. Шунинг, акциядорларнинг манфаатлари ҳар доим ҳам бир

– бириникига мос келавермайди ва шунинг учун ҳам улар бир – бирларини назорат қилиб турадилар.

3. Кредиторлик қарзларининг миқдори ва тавсифи. Мижоз корхона кредиторлари қанчалик йирик корхоналардан иборат бўлса, демак, унинг молиявий ҳисоботида ишонч шунча юқори эканлиги ва уни текшириш билан боғлиқ таваккалчилик хатари шунчалик паст бўлади. Аудиторлик рискига бошқа шарт – шароитлар ҳам таъсир кўрсатади. Жумладан: мутахассисларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудитни билиши, аудиторлик текширувига умумий ёндашув, меъёрий – ҳуқуқий тизимдаги ўзгаришлар, ҳисобнинг компьютерлаштирилганлик даражаси, мижоз корхонадаги ички назорат тизимининг ишончлилиги, раҳбарлар алмашилиши ва уларнинг шахсий фазилатлари, олинган натижаларни баҳолаш ва уларнинг тўлиқлиги, мазкур ташкилот фаолиятига хос бўлмаган муомалалар миқдори тушунилади.


Демак, аудиторлик рискларининг мақбул тўплами деганда, ўтказилган аудиторлик текширувлари натижасида янглиш мулоҳазага келиш ва натижада, нотўғри аудиторлик хулосаси тузиш эҳтимоли (хавфи) тушунилади.

Аудиторлик рискин турлича таснифлаш мумкин. Уларнинг асосий турлари 5-расмда келтирилган.

Умумий аудиторлик амалиётида аудиторлик рискларининг мақбул тўпламига қуйидагича ёндашувлар ишлаб чиқилган ва улар инглиз тилидаги аббревиатураси (бош ҳарфлари) бўйича қуйидаги алгоритм кўринишида ифодаланган:

$$\mathbf{DAR = IR \times CR \times DR}$$

Бу ерда: **DAR (Desired audit risk)** – аудиторлик рискларининг мақбул тўплами; **IR (Internal risk)** – ички хўжалик rischi; **CR (Control risk)** – назорат rischi; **DR (Detection risk)** – хатолар ва молиявий ҳисоботдаги камчиликларнинг аниқланмаслик rischi.



5-расм. Аудиторлик рискнинг асосий турлари

Ички хўжалик rischi (IR – Internal risk) – бу бухгалтерия счётида, баланс моддасида, бир турдаги хўжалик муомалалари гуруҳида яхлитланганда, хўжалик юритувчи субъект ҳисоботида жиддий камчиликларнинг, бундай камчиликлар ички назорат тизими воситалари ёрдамида аниқлангунга қадар ёки ички хўжалик назорати умуман йўқ бўлганда, аудитор томонидан субъектив тарзда аниқланиш эҳтимолидир.

Ички хўжалик riskини баҳолашда аудитор бир неча гуруҳ омилларини эътиборга олиши зарур.

Биринчи гуруҳга кирувчи омиллар ишлаб чиқаришни юритиш шарт – шароитлари ва услублари билан боғлиқ бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- Қаттақ рақобат;
- Ишлаб чиқариш технологиясининг тез ўзгариб туриши;
- Янги ахборот – коммуникация технологияларининг жорий этилиши;
- Тармоқнинг умумий аҳволи ва банкротлик сони;
- Қонунчиликнинг тез – тез ўзгариб туриши;

- Қонунда белгиланган чеклашлар ёки атроф муҳитни муҳофаза қилиш билан ёхуд бошқа шарт – шароитлар билан боғлиқ чеклашлар.

Ички хўжалик рискига таъсир кўрсатувчи иккинчи гуруҳ омиллар ишлаб чиқариш фаолиятининг жойлашган ўрни билан боғлиқ.

Учинчи гуруҳ омиллар штат ва бизнесни ташкил этиш билан белгиланади. Бу ерда қуйидагилар муҳим аҳамият касб этиши мумкин:

- корхона раҳбарининг устунлиги (доминантлиги) ва директорлар кенгашининг самарасиз фаолияти;

- корхона раҳбарининг молиявий муаммолари;

- акциядорлар ва раҳбарият ўртасидаги муносабатларда вужудга келадиган тортишув ва муаммолар натижасида раҳбарият мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилгани ҳолда ўз мақсадларини кўзлайдилар. Булар замирида қаллоблик ва суистеъмол қилишлар яшириниши мумкин.

Тўртинчи гуруҳ омиллар даромадлар ва оператив фаолиятнинг режалари билан боғлиқ. Ушбу гуруҳ омиллар қуйидагилардан иборат:

- сотиладиган маҳсулотлар миқдори ва сифатининг пасайиши;

- ишлаб – чиқариш жараёнидаги катта ўзгаришлар;

- бир ёки бир неча маҳсулотларни ишлаб чиқариш, операциялар, дебитор ва кредиторларга ҳаддан ташқари боғлиқлик;

- маркетинг сиёсатининг самарасизлиги, ишлаб чиқариш қувватларидан етарли даражада фойдаланмаслик, ишлаб чиқаришни ривожлантириш олдига нореал мақсадлар қўйилиши.

Назорат rischi – (CR - Control risk) - бу корхона бухгалтерия ҳисоби тизими ва ички назорат тизими воситалари алоҳида – алоҳида ёки биргаликда жиддий аҳамиятга эга бўлган камчиликларни ўз вақтида аниқлай олмаслик ва тузата олмаслик (ёки бундай камчиликлар вужудга келишининг олдини олиш) эҳтимолининг аудитор томонидан субъектив тарзда аниқланган кўрсаткичидир.

Ички назорат тизимининг текширишнинг аҳамияти шундан иборатки, аудиторлик ташкилоти томонидан бажариладиган ишлар ҳажми, шунингдек, текширув муддатлари ва қиймати айнан мана шунга боғлиқ. Шу боисдан, ушбу масалани батафсилроқ кўриб чиқиш зарур ҳисобланади. Мижоз корхона маъмурияти самарали ички назорат тизимини ишлаб чиқишда қуйидагиларни эътиборга олиши лозим:

- корхона мулклари ва ҳужжатларининг сақланиши;
- бошқарув учун ишонарли маълумотларни олиш;
- ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;
- қонун ҳужжатлари талаблари ва ҳисоб сиёсатининг қоидаларига риоя қилиниши.

Ички назорат тизимини ўрганишда қуйидаги 4 та асосий тамойилга таянилади:

1. Ички назорат тизимининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши учун маъмуриятнинг жавобгарлиги;
2. Ички назорат тизими тўлиқ бўлмасаям молиявий ҳисоботнинг етарли даражадаги ҳаққонийлиги ва ишончлилигига ишонч ҳосил қилиш;
3. Ички назорат тизимини, унинг ишлаб чиқиш ва амалда қўлланиш хусусиятлари ҳисобга олинмаган бўлса, самарали деб олиш мумкин эмаслиги;
4. Ахборотларга ишлов бериш тизими ахборот қўлда ишланганида ҳам, компьютерда ишланганидан ҳам самарали ишлов беришни таъминлаши лозим.

Нazorat муҳити, ҳисоб тизими ва назорат амаллари ички назорат тизимининг муҳим элементлари ҳисобланади.

Аниқланмаслик rischi (DR – Detektion risk) - бу аудиторлик текшируви жараёнида қўлланиладиган аудиторлик амалларининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда ҳақиқатан мавжуд бўлган ҳар бири алоҳида - алоҳида

ёки биргаликда жиддий ҳисобланган хатолар ҳамда камчиликларни аниқлаш имкони йўқлигининг эҳтимолидир.

Аниқланмаслик рискани икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Таҳлилий риск – бу таҳлил амаллари (ишлари) бажарилганда жиддий хатоларга йўл қўйилиш рискидир. Бундай хатоларни аудитор кўриши мумкин, аммо жуда мураккаблиги ҳамда ўзининг махсус малакаси етишмаслиги сабабли тушунмасдан ўтказиб юбориши мумкин.

2. Танлашдаги риск – бу жиддий хато – камчиликларнинг назорат тестларини ўтказиш (танлаб олиш) чоғида ҳам, хўжалик муомалаларини моҳиятан текшириш чоғида ҳам аниқланмай қолиш эҳтимолидир.

Аниқланмаслик риски – аудиторлик фаолиятининг сифати ва самарадорлигини баҳолайдиган кўрсаткич бўлиб, у муайян аудиторлик текширувини ўтказиш тартибига, ҳамда аудиторлар малакаси ва уларнинг хўжалик юритувчи субъект фаолияти билан олдиндан танишлик даражасига боғлиқ. Аудитор ички хўжалик риски ва назорат воситаларининг рискани баҳолаш асосида ўз фаолиятида йўл қўйиши мумкин бўлган аниқланмаслик рискани аниқлаши лозим.

Аниқланмаслик рискининг имкон қадар пасайтирилган кўрсаткичини ҳисобга олган ҳолда тегишли аудиторлик амалларини режалаштириши лозим. Таъкидлаш жоизки, аудиторлик рискларининг мақбул тўпламини ташкил этувчи элементлар (IR, CR, DR) ни таҳлил қилишдан асосий мақсад аниқланмаслик риски (DR) ни баҳолашдан иборат. Ушбу фикрни тасдиқлаш учун аудиторлик рисклар мақбул тўплами (DAR) нинг таркибий қисмларини чуқурроқ ўрганишга доир бир неча мисоллар келтирамыз.

1-мисол. Аудит ўтказилиши режалаштирилаётган “Самарқанд Автотеххизмат” очик акциядорлик жамиятида риск даражаси паст бўлиб, аудиторлик рисклар мақбул тўпламининг энг юқори чегараси 5% га тенг. Ушбу ОАЖ нисбатан барқарор фаолият кўрсатганлиги учун ички хўжалик риски (IR) 70% га тенг деб олинди. Назорат воситалари риски (CR) эса 40%

тенг деб баҳоланган. Чунки мижоз – корхонада ички назорат тизимининг яхши йўлга қўйилганлиги ва олдинги ўтказилган аудиторлик текширувларининг натижаларига кўра аудиторлар томонидан жиддий камчиликлар кўрсатилмаганлиги аниқланган.

Юқорида таҳлил қилинган формулага мувофиқ аниқланмаслик rischi:

$$DR = \frac{DAR}{IR * CR} ;$$

$$DR = \frac{5}{70 * 40} = 17,9$$

Демак, моҳиятан ўтказиладиган тестлар бўйича аудитор учун ишончлилик даражаси 82,1 % га тенг (100% - 17,9%).

2-мисол. Мижоз корхонада аудиторлик rischi юқори. Бунда ҳам аудиторлик riskлар мақбул тўпламининг энг юқори чегараси 5% га тенг деб олинган. Ички хўжалик rischi (IR) 90 % га тенг деб баҳоланган. Чунки бу корхона аудитор учун янги мижоз бўлиб, унинг фаолият соҳаси хорижий инвестицияларга асосланган юқори технологиялар билан тавсифланади. Назорат воситаларининг rischi (CR) эса 80% га тенг деб баҳоланган. Чунки дастлабки тест синовлари ва кузатиш натижаларига кўра ички назорат тизимининг кучсизлиги, корхона раҳбарининг яккаҳокимлиқ услубида иш юритиши ҳамда аудиторларга тазйиқ ўтказиши аниқланган. Бунда аниқланмаслик rischi (DR) қуйидагича:

$$DR = \frac{DAR}{IR * CR} = \frac{5}{90 * 80} = 6,9 \%$$

Бу мисолда моҳиятан ўтказиладиган текширув (тест) лардан кутилаётган ишончлилик даражаси 93.1% га тенг (100 % - 6.9 %). Демак, аудитор танлаш кўламини кенгайтириши зарур.

**Ички хўжалик rischi ва назорат воситалари rischi
билан боғлиқлиги**

CR IR	Юқори	ўртача	паст
	Бунда рухсат этилиши мумкин бўлган аниқланмаслик riskининг даражалари куйидагича:		
юқори	энг паст	пастроқ	ўртача
ўртача	Пастроқ	ўртача	юқори
Паст	Ўртача	юқори	энг юқори

Ички хўжалик rischi ва назорат воситалари riskининг турли комбинациялари билан аниқланмаслик rischi ўртасида ўзаро тескари боғлиқлик мавжуд (олдинги бетдаги 22-жадвалга қаранг)

22-жадвалдаги боғлиқлик умумий аудиторлик riskини куйидаги йўллар билан пасайтиришни тақозо этади:

а) ички хўжалик rischi ва назорат воситалари rischi кўрсаткичларининг юқорилиги аудитордан текширувни аниқланмаслик rischi кўрсаткичини имкон қадар пасайтирадиган қилиб ташкил этиш ва шу билан бирга умумий аудиторлик riskини мақбул даражага келтириш орқали;

б) ички хўжалик rischi ва назорат воситалари rischi кўрсаткичларининг паст баҳолаш орқали аудиторга текширув чоғида аниқланмаслик rischi даражасини юқори баҳолаш орқали.

Юқоридагиларга амал қилиш умумий аудиторлик riskининг мақбул кўрсаткичига эришиш имкон беради.

3.3. Аудиторлик хизматларидан корхоналарда ҳаёт хавфсизлигини яхшилашда фойдаланиш

Мустақиллик қўлга киритилгандан кейинги даврда республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохатларнинг бош мақсади бўлиб инсон манфаатлари, улар фаровонлиги, ҳаёти сифати ва фаолият хавфсизлигини таъминлаш, уларни узлуксиз равнақ топтириш ҳисобланади. Ушбу улуғвор мақсадга эришишда ҳар бир субъектнинг ўрни бўлиши

Президентимизнинг нутқлари, маърузалари ҳамда чоп этилган китобларида такрор ва такрор эътироф этилган.

Корхоналар фаолиятида уларда меҳнат қилаётган ходимлар саломатлигини, улар ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофазаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш» қонунига биноан (5-модда) меҳнат муҳофазаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан назорат қилинади.

Давлат структурасидаги барча бўлимлар бу билан шуғулланиб, меҳнат ва уни ҳимоя қилиш жараёнларини бошқариб боришади.

Корхоналарда меҳнат қонунларига амал қилиниши, уларни ни бузмаслик тармоқ назоратини вазирлар ва бирлашмалар амалга оширадилар.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг барча соҳалари бўйича бажариладиган тадбирлар давлат бюджети, корхона, ташкилот, ҳомийлар ва бошқалар томонидан молиявий жиҳатдан ҳам таъминланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш воситаларини яратиш мажбурийлиги ҳам қонунда батафсил кўрсатиб ўтилган. Унга кўра корхоналар ходимларнинг техника хавфсизлигини таъминлашлари, шу мақсадда тегишли адабиётлар, плакатлар билан таъминлашлари, ходимлар ўртасида инструктажлар ўтказиб туришлари, шунингдек, зарурий ҳолларда ходимларни сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаши лозимлиги келтирилган. Корхонадаги ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатини муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабаларига мувофиқ бўлиши лозим.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари устидан назорат ўрнатилишини ташкил этиш ва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасига юкланади.

Меҳнат шароити зарарли ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек, ўта нохуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгиллаган меъёрларда махсус кийим, пойабзал ва бошқа махсус ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бепул берилади.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномаси ёки битимида кўзда тутилади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, кўплаб корхона ва ташкилотларда меҳнат ва ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ва оширилаётган ишларни тўла-тўқис, деб бўлмайди. Корхона ва ташкилотлар биноларининг айрим жойларида электр симларининг изоляция қилинмаган жойлари мавжуд. Ташкилотларда ходимлар билан меҳнат хавфсизлиги бўйича соҳа мутахассислари билан суҳбатлар тез-тез ташкил этилмаган, шунингдек, меҳнат хавфсизлиги масаласи бўйича алоҳида шахслар масъул қилиб тайинланмаган ҳолларни кўп учратиш мумкин.

Бизнингча, корхоналарда меҳнат ва ҳаёт хавфсизлигини таъминлашда аудиторлик хизматларини кўрсатувчи субъектлар хизматларидан ҳам кенг фойдаланиш зарур. Бунинг учун ҳам зурарат, ҳам имконият бор. Заруратлар юқоридаги устувор мақсадлардан келиб чиқса, имкониятлар ҳар икала томон, яъни мижоз ва аудиторлик ташкилоти ўртасидаги шартнома шартларидан келиб чиқади.

Бизнингча, корхона ва ташкилотлар иш берувчи, аудиторлик хизматлари буюртмачиси сифатида аудиторлик ташкилотлари билан тузилаётган шартномаларда меҳнат ва ҳаёт хавфсизлиги, уни тегишли молиялаштирилиши, бу маблағлардан тўғри фойдаланганлик, бўлимларнинг хавфсизлик масалалари бўйича иш фаолиятини назорат қилиш, уни яхшилаш

бўйича аниқ тавсияларни бериш каби талабларни киритиши мақсадга мувофиқдир. Айниқса, экологик ҳолатни текшириш, бунинг учун корхонада етарлича ишлар амалга оширилганлиги, аниқ маблағларни сарфланганлигига тўғри баҳо бериш ўта муҳимдир.

Корхоналарда ҳаёт хавфсизлиги бўлимларда тегишли ўт ўчириш асбоб-ускуналари ҳамда жихозларининг мавжудлиги, уларнинг етарлича эканлигига аудиторлик баҳосини бериш талаби ҳам мавжуд. Чунончи, пул маблағлари сақланаётган касса хўжалиги ҳамда товар-моддий захиралар сақланаётган омборларда мулк бутлигини сақлаш ҳолатига аудиторлар қонун ҳужжатлари талабларига кўра баҳо беришлари шарт. Чунки, ушбу воситаларнинг мавжуд бўлмаслиги мулкнинг бутлигини таъминлаш кафолатини бермайди. Ушбу бўлимларда ўт ўчириш асбоб ускуналарининг ва бошқа шарт-шароитларнинг мавжуд бўлмаган ҳолатида аудиторлик текширувида уларнинг талабларга мос келишини уқтирилганлиги ушбу аудиторлик текширувларини соҳта ўтказилганлигидан дарак беради. Аудиторлик ташкилотлари амалиётида қурилиш ташкилотларида ишлатиладан кўтариш кранларини яроқли ҳолда сақлаш учун тегишли маблағларни ажратилганлигини обдон текширилмаганлиги учун суд томонидан нафақат корхонага, балки аудиторлик ташкилотига ҳам даъво билдирилганлиги, ҳар иккала томонга қонуний жазо чора кўрилганлигини кўриш мумкин.

Юқоридагиларнинг барчаси корхона ва ташкилотларда меҳнат ва ҳаёт хавфсизлигини таъминлашда аудиторлик ташкилотларининг холис хизматларидан самарали фойдаланишни, иккинчи томондан эса аудиторлик ташкилотларининг ўзлари учун ҳам ушбу муҳим масалага текширувларда катта эътибор қаратишни тақозо этади.

Энди МЧЖ шаклидаги «Komil-Ishonch» аудиторлик ташкилотининг ўзида ҳам меҳнат ва ҳаёи хавфсизлиги масалаларининг ҳолатига қисқача тўхталсак. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ушбу ташкилотда ёнғин

хавфсизлиги бўйича бир қатор ишлар қилинган. Жумладан, ёнғин содир бўлганда бинодан чиқиш схемаси, ёнғин ўчоғини ўт ўчирувчилар келгунча, ўчириш учун бинода ўт ўчириш мосламалари ўрнатилган. Ёнғиннинг олдини олиш учун иситиш қурилмаларининг барча талабларга жавоб бериши ҳар кунлик назорат остида. Яъни иситиш қурилмалари Давлат стандартлари талаблари асосида нормал меҳнат шароитини таъминлаш мақсадида, иш зонаси хавоси ҳароратининг белгиланган миқдорда бўлишини сақлашга хизмат қилади.

Иситиш қурилмаларига қуйилган асосий талаблар ишлаб чиқариш хоналарида ҳаво ҳароратини нормал миқдорда санитар-гигиеник талаблар асосида сақлаш ва ишчилар учун соғлом иш шароитини таъминлашдан иборатдир. Меҳнат муҳофазаси нуқтаи назаридан қараганда иситиш системалари ишлаб чиқариш бинолари ва иш жойлари ҳавоси ҳароратини бутун иситиш мавсуми давомида бир хил бўлишини таъминлаши, ёнғин ва портлашга ҳавфсиз бўлиши, иссиқликни ростлаш имкониятини бериши, ҳавони ифлосламаслиги, шамоллатиш системалари билан боғлиқ бўлиши ҳамда фойдаланишда қулай бўлиши зарур.

Маҳаллий иситиш-электрик, газли ёки бошқа турдаги иссиқлик манбалар ёрдамида амалга оширилади. Марказий иситиш сув билан, буг билан, сув-буг билан ва ҳаво билан ишловчи қурилмаларга бўлинади.

Сув билан иситиш қурилмалари фойдаланиш жиҳатидан энг қулай ва оддий ҳисобланади. Марказий сув билан иситиш системаларида иссиқлик тушувчи сифатида қайноқ сувдан фойдаланилади. Иситиш жиҳозлари сифатида эса силлик ва ковургасимон трубалар ҳамда радиаторлар ишлатилади.

Паст босимли сув билан иситиш системаларида сувнинг ҳарорати иситиш жиҳозларига кириш вақтида $-85-95^{\circ}\text{C}$, улардан қайтиб чиқишда эса $65-70^{\circ}\text{C}$ атрофида бўлади.

Кайнок сув буг козонидан очик кенгайтирувчи бакга келиб тушади ва бу бак иситиш жихозларидан юкорида урнатилган булади. Кейин эса, сув окими билан иситиш жихозларига, иситиш жихозларидан эса кайтиб яна козонга тушади. Кенгайтирувчи бак сувини кайнаши натижасида кенгайишини мувозанатлаштиради ҳамда трубаларни ишдан чикишидан саклайди. Бундан ташкари бу бак ёрдамида системага кириб колган хаво чиқарилиб юборилади.

Сувнинг бундай циркуляцияланиш схемаси каби ёки гравитацион система деб аталади. Бундай система сув кайнатиш козонларидан энг узок жойлашган иситиш жихозларига булган масофа 50 м.дан ортик булмаган ҳамда козон билан энг пастда жойлашган иситиш жихози орасидаги вертикал масофа 3 м.дан кам булмаган холларда ишлатилади. Чунки шундай булган тақдирдагина табиий сув айланиш жараёни амлга ошади.

Юкори босимли сув билан иситиш системаси механик сув айланишини юзага келувчи ёпик системадан ташкил топган булади. Юкори босимли иситиш системалари, жумладан иситиш жихозларида харорат 120-135°C га тенг.

Буг билан иситиш системалари ҳам паст босимли (70кПа гача) ва юкори босимли (70кПа дан юкори босимли) булиши мумкин. Бунда буг иситиш жихозларида маълум хароратгача совийди ва конденсацияланади («сувга айланади»). Хосил булган кондисат эса козонга кайтади.

Хаво билан иситиш системаларида совук ташки мухит хавоси вентелятор ёрдамида карориферларга узатилади ва калофер оркали утишда исиган хаво хонага йуналтирилади. Агар иссик йуналтирилса, окимнинг харорати 70°C гача, 2,0 м баландликдан узатилса 45° С гача булиши талаб этилади. Хаво билан иситиш системаларида харорат шамоллатиш оркали ростланади.

МЧЖ шаклидаги «Komil-Ishonch» аудиторлик ташкилотида фаолият курсатаётган ходимларга тиббий ёрдам курсатиш буйича бир катор ишлар

амалга оширилган. Хусусан, касаба уюшмаси ходимлар соғлигини ҳисобга олган ҳолда уларга шарт - шароит яратиб берган.

Хавфсиз ва қулай меҳнат шароитида ишлайдиган ходимларнинг меҳнат унумдорлиги ҳам ошади. Айнан шу мақсадни кўзлаб, биз тадқиқот олиб борган МЧЖ шаклидаги «Komil-Ishonch» аудиторлик ташкилоти ҳам ўз ходимларига хавфсиз ва қулай меҳнат шароитларини яратиб бермоқда.

Хулоса қилиб айтганда, корхонада ҳаёт фаолияти хавфсизлиги борасида етарли ишлар амалга оширилган. Жумладан, ходимларнинг меҳнат қилишлари учун ёруғлик тизимлари ҳам замон талабларига мос келади. Шунинг билан бирга корхонада ишчиларга махсус санитария хизмати ҳам ташкил этилган.

ХУЛОСА

Аудиторлик хизматларини кўрсатувчи субъектлар самарадорлигининг назарий, услубий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш ишимизда куйидаги хулосаларни килиш ҳамда тавсияларни бериш имконини берди.

1.Республикамызда аудиторлик хизматларини ривожлантириш ва улар самарадорлигини ошириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, «тадбиркорлар манфаатларини химоя қилишда аудиторлик фаолиятининг мавқеини янада ошириш керак»³⁰.

2.Республикамыз Ҳукумати томонидан аудиторлик хизматлари бозорини ривожлантириш, уни халқаро миқёсдаги даражага етказиш, бу соҳага кирувчи субъектлар самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Чунончи, мустақиллик қўлга киритилгандан кейинги даврда аудиторлик хизматлари бозори, унинг иштирокчилари бўлган адиторлик ташкилотлари мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, улар фаолиятининг кафолатлари, роли ва аҳамиятини оширишга қаратилган 50 га яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

3.Республикамызда аудиторлик хизматлари бозорини ривожлантириш борасида кўплаб қарорларни қабул қилинганлигига қарамасдан аудиторлик хизматлари, ушбу хизматларга ихтисослашган субъектлар самарадорлигига доир муҳим назарий ва методологик масалалар ҳонузгача етарлича ўз ечимини топган, деб бўлмайди. Чунончи, аудиторлик хизматларининг макроиқтисодиёт даражасидаги самарадорлик кўрсаткичлари, шунингдек ушбу хизмат соҳасига кирувчи субъектлар самарадорлиги кўрсаткичлари тизими, уларни баҳолаш ва аниқлаш тартиблари бевосита бу хизмат турининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, тўлиғича илмий асосланмаган. Аудиторлик хизматлари бозорининг тан олинганлиги, ушбу бозорнинг бош иштирокчиси бўлган аудиторлик ташкилотларининг

³⁰ Каримов И. А. Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш - тараққиёт гарови. // «Туркистон» газетаси, 2001 йил 18 июль.

ихтисослашган иқтисодий бирликлар сифатида келажакдаги тақдири, уларни бошқа субъектлар сингари бозор иқтисодиёти шароитида тегишли самарадорликка эришишларининг объектив заруратлиги, самарали фаолиятнинг рақобатларга бардош беришнинг муҳим омили эканлиги ушбу долзарб масалага чуқур ёндашишларни тақозо этмоқда.

4.Аудиторлик хизматларини кўрсатувчи субъектлар самарадорлигини миқдор ва сифат кўрсаткичлар ҳолати олимлар томонидан чуқур таҳлил қилинмаган. Бундай таҳлил натижалари махсус ўқув,амалий ва илмий ишларда ҳам ўз ифодасини топмаган.

5. Аудиторлик хизматларини кўрсатувчи субъектлар самарадорлигини миқдор ва сифат кўрсаткичларини ошириш йўллари ва имкониятлари чуқур тадқиқ қилинмаган. Бундай тадқиқотлар натижасида магистрлик диссертациялари, номзодлик ва докторлик диссертациялари бажарилмаган.

Юқорида келтирилган хулосалардан келиб чиқиб, магистрлик диссертациясида қуйидаги илмий ва амалий аҳимиятга молик тавсиялар ишлаб чиқилди.

1.Аудиторлик хизматларининг тадбиркорлик ва бизнес фаолияти сифатидаги хусусиятлари очиқ берилди. Ушбу хусусиятлар сирасига қуйидагилар киритилди:

* ушбу хизмат турлари, авваламбор, давлат бошқарув органлари, инвесторлар, мулк эгалари ва бошқа фойдаланувчиларнинг реал ахборотга бўлган талабларини қондиришга йўналтирилган;

*улар хўжалик юритувчи субъектларда амалга оширилган ва оширилаётган молиявий-хўжалик операцияларининг республикамизда амалга бўлган қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келишини холис экспертиза қилишга қаратилган;

*аудиторлик хизматлари бизнесни энди йўлга қўйган, хали-бери тегишли штатдаги ва сондаги ҳисоб ходимларини ёллашга имкони бўлмаган кичик бизнес субъектлари учун энг арзон ва қўлай аутсорсинг туридир;

*аудиторлик хизматлари катта миқдорда моддий харажатларни талаб қилмайдиган, шу билан бирга аудиторларнинг меҳнати юқори баҳоланадиган хизмат туридир;

*аудиторлик хизматлари ўзининг давомийлиги бўйича йил мабойнида амалга ошириладиган, мос равишда, тугаланмаган қолдиққа эга бўладиган хизмат туридир.

*аудиторликхизматлари макон ва замонда юз бераётган жараён, амалий фаолият, кўрсатиладиган махсус хизмат туридир;

*у, бир томондан, махсус махсус касб эгалари бўлган аудиторларнинг амалий иш фаолияти, иккинчи томондан эса махсус «аудиторлик ташкилоти» мақомидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятидир;

*махсус аудиторлик ташкилотлари томонидан бошқа корхона ва ташкилотларга шартномалар асосида кўрсатилаётган аудиторлик фаолияти бевосита бозор хизматларининг бир туридир.

2.Юқоридагилардан келиб чиқиб, аудиторлик хизматлари бозорига қуйидагича таъриф берилди: «**Аудиторлик хизматлари бозори** – бу макон ва замонда юз бераётган, пуллик ва пулсиз асосда кўрсатилаётган аудиторлик текширувлари ва профессионал аудиторлик хизматлари мажмуасидир».

Аудиторлик хизматлари бозори бошқа бозорлардан унда иштирок этувчи шахслар таркиби билан фарқланди. Ишда аудиторлик хизматлари бозори иштирокчиларининг таркиби ва тавсифи берилди. Чунончи, аудиторлик хизматлари бозори иштирокчилари икки гуруҳга ажратилади. Булар:

(1) аудиторлик хизматларини кўрсатувчилар;

(2) аудиторлик хизматлари буюртмачилари ёки истеъмолчилари.

Аудиторлик хизматлари бозори иштирокчиларининг 1-гуруҳига аудиторлик ташкилотлари, аудиторлар ва экспертлар киритилди, 2-гуруҳга эса ушбу хизматларнинг истеъмолчилари, чунончи корхона ва ташкилотлар,

давлат бошқарув органлари, таъсисчилар, инвесторлар, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари киритилди.

3. Аудиторлик ташкилотларининг бизнес бирликлари сифатидаги хусусиятлари, уларни турли белгилари бўйича таснифи ва тавсифи берилди.

4. Самара ва самарадорликка эришишнинг муҳимлиги уларни иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида ҳам макро, ҳам микро даражаларда аниқлаш ва баҳолашни объектив зарурат қилиб қўяди. Бу бевосита яхлит жамият миқёсида юз бераётган аудиторлик хизматларига, шунингдек ушбу хизматларни бевосита олиб бораётган аниқ субъектларга ҳам тегишлидир. Ишда аудиторлик хизматлари ва уларни кўрсатувчи субъектлар самарадорлиги кўрсаткичллари миқдор ва сифат кўрсаткичларга бўлинди, уларни макро иқтисодиёт ва микроиқтисодиёт даражаларидаги асосий кўрсаткичлари тизими тавсия этилди ҳамда бу кўрсаткичларни баҳолаш ва аниқлаш алгоритмлари ишлаб чиқилди. Фикримизча, таклиф этилаётган миқдор ва сифат кўрсаткичлар тизими, уларни аниқлаш тартибларини амалиётда қўллаш республикамізда шаклланаётган ва ривожланаётган аудиторлик хизматлари бозори ҳамда ушбу бозорнинг бош иштирокчиси ҳисобланган аудиторлик ташкилотлари фаолиятини холис баҳолашга, мос равишда, бу кўрсаткичларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилишнинг яхлит назарий ҳамда методологик асосларини яратишга имкон беради. Бизнингча, юқорида келтирилган кўрсаткичларни тегишли равишда аниқлаш ва баҳолаш иқтисодий бирлик ҳисобланган ҳар бир аудиторлик ташкилотининг равнақига ҳамда уларнинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

5. Ишда МЧЖ шаклидаги “Комил-Ишонч” аудиторлик ташкилоти самарадорлиги миқдор ва сифат кўрсаткичларига баҳо берилди, уларни “Жавлон Аудит Сервис” аудиторлик ташкилоти билан қиёсий таҳлили қилинганда, ушбу таҳлил асосида улардаги ижобий ва салбий тенденциялар аниқланди.

6.Ишда аудиторлик ташкилотлари самарадорлиги миқдор ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш йқллари ва имкониятларини асослаш мақсадида SWOT- таҳлил ўтказилди. Ушбу таҳлил асосида аудиторлик хизматлари ва уларни кўрсатувчи субъектлар самарадорлиги миқдор ва сифат кўрсаткичларини янада яхшилашининг кучли ва заиф томонлари, ички ва ташқи имкониятлар, шунингдек, аудиторлик хизматлари ва уларни кўрсатувчи субъектлар самарадорлигини ошишига ўз таъсирини ўтказувчи турли ички ва ташқи тўсиқлар ёки таҳдидлар белгиланди.

SWOT- таҳлил асосида “Комил-Ишонч” аудиторлик ташкилотида хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтириш ва мижозлар сонини ошириш эвазига ҳар йилда соф тушумни қарийб 600-700 миллион сўмга, профессионал хизматларни кўрсатишни йўлга қўйиш эвазига уни 168 миллион сўмга, сертификатли аудиторлар сонини 2 мартага ошириш эвазига уни 180 миллион сўмга ошириш имкониятлари борлиги кўрсатиб берилди.

7. Аудиторлик хизматлари тадбиркорлик фаолияти сифатида маълум хавф-хатардан, яъни рискдан холи эмаслигини ҳисобга олган ҳолда ишда уни пасайтириш йўллари асосланди.

8.Ишда ходимлар меҳнати ва ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим аҳамиятлигини эътиборга олган ҳолда уни корхоналарда таъминлашда аудиторлик хизматларидан фойдаланиш заруратлари, аҳамияти ва йўллари асосланди, Шунинг аудиторлик ташкилотларининг ўзларида ҳам аудиторлар меҳнати ва ҳаётини муҳофаза қилиш омиллари кўрсатилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон. 2008 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. Расмий нашр.Т.: “Адолат”, 2010.
3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. Т.: "Норма" . 2011.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. 1996 йил 30 август.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й. 26 май. Солиқлар ва божхона хабарлари, 2000 йил 13 июнь.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги” Қонуни. 1993 йил 6 май.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги Қарори, 2007 йил 4 апрел, № ПҚ-615.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25.декабрдаги № ПҚ-2099- сон қарори.
9. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги № ПҚ-2270 - сон қарори.

10. Ўзбекистон Республикада 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-табирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 17 апрелдаги № ПК – 325- сон қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш, шунингдек айрим ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 06 февралдаги № ПФ – 3850- сон фармони.

12. Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 21 майдаги № ПК – 640 - сон қарори.

13. 2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 10 майдаги № ПК – 1754 - сон қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот иш,хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом». 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган (кейинги ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги Қарори. 2000 йил 22 сентябр, № 365.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги 439-сонли қарори билан тасдиқланган «Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар КЛАССИФИКАЦИЯСИ»га мувофиқ микрофирмаларга кирувчи аудиторлик

ташкilotларида ходимларнинг чегаравий сони 1 кишидан 20 кишигача, кичик корхоналарга кирувчи аудиторлик ташкilotларида ходимларнинг чегаравий сони 21 кишидан 50 кишигача этиб белгиланган.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафакалар тўлаш меъёрларини такомиллаштириш тўғрисида” Қарори. 2002-йил 28-феврал 71-сон.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида" Қарори. 2009 йил 21июль. №206.

IV. Президент И.Каримов асарлари ва сўзлаган нутқлари

19. Каримов И.А. “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир” // ”Халқ сўзи” газетаси. 2008-йил 14-феврал.

20. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Халқ сўзи, 2015 йил 17 январь, 11-сон, 2-бет.

21. Каримов И. А. Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш - тараққиёт гарови. // «Туркистон» газетаси, 2001 йил 18 июль.

V. Илмий монография, ўқув қўлланма ва дарсликлар

22. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. 3-том. –Т.: «Норма», 2006

23. Абдукаримов Б.А. Ички савдо иктисодиёти. Дарслик. -Т.: “Иқтисод-молия”. I -қисм. 2-қайта ишланган ва тўлдирилган нашри, 2010.
24. Абдукаримов Б.А ва бошқалар «Корхона иқтисодиёти». Дарслик.- Т.: “Фан ва технологиялар”, 2013.
25. Абдукаримов Б., Ф.Б.Абдукаримов. Савдо иқтисодиёти. Ўқув қўлланма.-Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. I-қисм, 2013.
26. Мусаев Ҳ.Н. Аудит.-Т.: Молия. 2003.-220 б
27. Абдукаримов Б.А., Мусаев Б.Ш. Коммунал хизматларни ташкиллаштириш аҳолига қулайликлар яратиш омили. Рисола. -Т.: “Фан ва технология”, 2007.
28. Абдукаримов Б.А., Шарипов Т.С. Умумий овқатланиш: ҳолати, муаммо ва ечимлар. Монография.-Т.: “Иқтисодиёт”. 2011.
29. Файзиев Э.С. Сервис тизими фаолияти асослари. Ўқув қўлланма. - Самарқанд. “Зарафшон”, 2010.
30. Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография.“Иқтисод молия”, 2011.
31. Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Сервис ривож – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили. Услубий тавсия. Т.: «Fan va texnoloqiya», 2007.
32. Тўлаходжаева М.М., Илхомов Ш.И., Ахмаджонов К.Б. ва бошқ. Аудит.. -Т.: Иқтисодиёт, 2011.
33. Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Маъруза матнлари тўплами. II қисм. Самарқанд-2004.
34. Қурбонов Ж.М., Ж.Файзиев. Фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазаси (лотин ёзувида). – Самарқанд, СамИСИ, 2009 й.
35. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. Профессорлар М.Қ.Пардаев ва Ҳ.Н.Мусаевлар таҳрири остида. “Иқтисод молия”, 2008.

36. Султонов Ш.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: худудий муаммолари ва ечимлари. Монография. –Т.: “Наврўз”, 2013.
37. Санаев Н, Нарзиев Р. Аудит. Дарслик, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик коопанияси Бош тахририяти, Тошкент, 2001.
38. Тўлахўжаева М..М. Молиявий ақволнинг аудити. «Илтисодиёт ва қўлў дунёси» нашриёт уйи, Тошкент, 1996.
39. Дўстмурадов Р.Д . «Аудит асослари » Дарслик.-Т.: 2004 й.
40. Б.А. Абдукаримов, А.Н. Жабриев, Н.Р. Зугуров, А.Т. Қутбиддинов, М.Қ. Пардаев, Э.Ш. Шавқиев Корхона иқтисодиёти “Фан” нашриёти 2005.

VI. Хорижий нашрлар

41. Аренс А., Лоббек ДЖ. Аудит: Пер. с англ.; Гл. редактор серии проф. Я. В. Соколов. – М.: Финансы и статистика, 2003. (141 бет).
42. Толпаков Ж.С. «Бухгалтерский учет». Караганда. ОАО «Карагандинская Полиграфия», 2004 год.
43. Э.А.Аренс., Дж.К. Лоббек. Аудит. - М, Финансы и статистика, 1995, стр.7
44. Камышанов П.И. ЗНАКОМТЕСЬ : АУДИТ, Москва, 1994, стр.4
45. Майсак О. С. SWOT-анализ: объект, факторы, стратегии. Проблема поиска связей между факторами // Прикаспийский журнал: управление и высокие технологии. — 2013. — № 1 (21). — С. 151—157; Загородников А. Н. Управление общественными связями в бизнесе. Учебник. М: Крокус, 2013 г. (гл.3 «SWOT-анализ: сущность, цель, содержание»).

VII. Илмий мақолалар ва конференция тезислари

46. Абдукаримов Б, Уразов Д.К. “Аудиторлик хизматларини кўрсатувчи субъектларнинг бизнес бирликлари сифатидаги хусусиятлари”. Самарканд.

СамИСИ “Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш муаммолари” мавзусидаги иқтидорли талабалар ва магистрантларнинг илмий-амалий анжумани. Самарканд СамИСИ 2014 й.

47. Абдукаримов Б., Уразов Д.К. “Аудиторлик хизматлари самарадорлигини аниқлаш ва баҳолашнинг хусусиятлари”. Самарканд СамИСИ “Иқтисодиёт ва халқимиз ҳаёт сифатини юксалтиришда хизмат курсатиш соҳасини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий конференцияси (5 – қисм). Самарканд. СамИСИ. 2015 й.

VIII. Интернет сайтлари:

1. www.Mf.uz (Ўз. Рес. Молия Вазирлигининг расмий сайти);
2. www.soliq.uz/uz/regions/40/ Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.
3. www.doc.uz
4. www.google.co.uz
5. www.referat.uz (Рефератлар тўплами)
6. www.buhgalteriya.ru
7. www.docaudit.ru
8. www.glossary.ru
9. www.Wiki.uz
10. <https://ru.wikipedia.org/wiki/SWOT-анализ>

ИЛОВАЛАР